

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Профессор Р.Ҳ.ДЖУРАЕВ
илмий ходимлар Ф.М.КУЧУКБАЕВ
 Э.М.АЗИМОВА
 О.Ф.СОТИБОЛДИЕВ

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг бажарилиши юзасидан таълим сифатини ошириш ва педагогик-психологик технологияларни лойихалаштирилган дастури асосида

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ДАРСГА САЛБИЙ
МУНОСАБАТДАГИ БОЛАЛАРГА НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ
ТАЪСИР ЭТИШ**

Мактаб педагог ва психологлари учун илмий методик қўлланма

ТОШКЕНТ- 2012

Таълим-тарбия жараёнида дарсга салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш / Мактаб педагог ва психологлари учун илмий методик қўлланма. Р.Х.Джураев, Ф.М.Кучукбаев, Э.М.Азимова, О.Ф.Сотиболдиев. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2012. – 176 б.

Ушбу методик қўлланма мактаб ўқитувчилари ва психологлари учун назарий, ҳамда амалий фойдаланиш учун тайёрланди. Дарсга салбий муносабатдаги болаларнинг ўзига хос характери ва хусусиятлари ўрганиб чиқилиб, таълим-тарбия жараёнида конструктив таъсир этиш орқали шакллантирилди. Методик қўлланманинг афзаллиги шундаки, тарбияси қийин бўлиб қолиш сабаблари, балоғатга етишда ўсмирларнинг ўзига хос психологик ҳолати, шахснинг фазилатларини таркиб топтиришдаги асосий нуқсонлар, ўсмирларнинг типологик хусусиятлари, “тарбияси қийин” ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг психик ҳолатидаги камчиликлари, билим олиш фаолиятидаги камчиликлари ҳамда бу муаммоларни бартараф этишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тавсиялар берилган.

Профессор Х.Рашидов.....умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

Шукрулло Мардонов – педагогика фанлари доктори

Гулбахор Ядгарова – психология фанлари номзоди

Таянч сўзлар. Салбий интизом, конструктив таъсир этиш, муносабат, муомала маданияти, таълим-тарбия жараёни, педагогик-психологик мулоқот, тартиб-интизом, ижтимоий психологик тарбия, ташхис муаммоси, мотивация, истеъдод белгилари, психологик хизмат, Давлат таълим стандарти, ўқув дастур, ўқув режа, ёндашув, давлат дастури, тажриба-синов, имконияти чекланган, тарбияси қийин, оқилона фикр, илғор, лаёқат.

Мундарижа

КИРИШ	3
I-БОБ	7
1.1 Мактабга психологик хизмат кўрсатиш.	20
1.2. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш	54
1.3. Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар	57
1.4. Ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида тарбиявий муносабатлари	72
1.5. Тарбияси қийин болаларнинг физиологик хусусиятлари ва муносабатлари (Одоб ва ахлоқ ҳақида).	74
1.6. Тарбияси қийин болаларнинг хулқ-атворини тарбиялашда таълим- тарбия сифатини яхшилаш ва баъзи психологик масалалар	77
1.7. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг инновацион фаолиятини таъминлаш.....	83
8.Ўқувчилар онгида ватанга мухаббат хиссини уйғотиш.....	86
II БОБ	89
2.1 Ижтимоий психологик билимдонлик ва самарали муомалага ўргатиш техникаси.....	89
2.2. Ижтимоий психологик билимдонлик- самарали муомала омили сифатида	93
III-БОБ	104
3.1. Ёшларни оилада маънавий етуклигининг энг муҳим мезонларидан бири ватанпарварликдир	104
3.2.Оила педагогикасини бошқа фанлар билан алоқаси	106
Оила педагогикасининг тарихий илдизлари	107
Оила педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари	110
Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор	113
вазифалардан бири эканлиги	113
IV-БОБ	118
ТЕСТЛАР ТОПШИРИҚЛАРИ	126
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	142

КИРИШ

Инсон одоби билан гўзалдир.

Одоб - олтиндан қиммат

Инсон баркамоллиги унинг маънавий дунёсининг қандайлиги билан белгиланади. Яхши тарбия кишининг қимматбаҳо бойлигидир. Юриш –туриш маданияти кишилик жамияти маданиятининг таркибий қисмидир. Унинг асосини жамиятда инсон ўзини қандай тутиши кераклигини белгилаб берувчи ҳукмрон ахлоқ нормалари ташкил қилади. Инсон ҳамма вақт гўзалликка ва тартибга интилган, шунинг учун оддий халқда ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келган ва одатга айланиб қолган удумлар ҳамда юриш-туриш қоидалари пайдо бўлган ва улар халқлар анъаналарида ажойиб тарзда ўз ифодасини топган. Яхшиликка, гўзалликка интилиш инсонга хос ҳислатдир, шунинг учун оддий халқнинг хушмуомала ва одоби бўлишга интилганлиги таажубланарли ҳол эмас.

Инсон ҳамиша гўзалликка интилади дейишимиздан мақсад, гўзалликка одоб, ахлоқ ва маънавий баркамоллик киради.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Шундай ҳайрли ишлардан бири “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ларни қабул қилинишидир. Бу меъёрий ҳужжатлар ёш авлодга – Ўзбекистон келажагига янгича, ўзига хос ягона миллий модул асосида таълим ва тарбия беришдаги пойдеворидир.

Мамлакатимизда таълим тизимининг модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутди. Инновацион технологияларнинг кенг ўзгартирилиши, чет эл сармоялари қўламларининг кенгайиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, шунингдек, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграллашуви, ўқитувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг инновацион педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий мажмуаларнинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан таъминланиши таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифаларидан бири – умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш,

ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгартиришларга асос бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги замонавий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб бораётган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бир қатор янги талаблар юзага келди. Шундан келиб чиқиб, таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар барча таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва фан ва технологияларнинг ютуқларига асосланган методлардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш янги шахсий ва касбий сифатларини талаб қилади.

Мактабларда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функциялардан бири – бу таълимнинг сифатли салоҳияти ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигида тарбиявий муносабатлардир.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда, ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атаймиз.

Сифат жиҳатидан тубдан янгиланган узлуксиз таълим тизими ҳозирги пайтда ижобий натижалар бериб бормоқда. Таълим тизими бир неча боскичлардан иборат бўлиб, бу боскичлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Янги таълим тизимининг афзалликларидан бири, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга билим бериш билан биргаликда уларни маълум бир касб эгаси этиб тайёрлашдадир. Бу иш асосан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда амалга оширилади, лекин ўқувчиларнинг истеъдоди, лаёқатлари, қобилиятлари ва иқтисодий ҳудуд талабларини ҳисобга олган ҳолда бирор касб танлашга йўллаш ишлари мактаб давридаёқ бошланади.

Тадқиқотнинг амалга ошириш учта долзарб масалага бўлинди, хусусан: Биринчи йўналишида, тарбияси қийин бўлишининг ижтимоий, педагогик ва психологик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш йўллари излаш, педагогик ва методологик асосларини кучайтиришга асосланган.

Дарсга салбий муносабатдаги мактаб ўқувчиларининг психологик маслахат таъсири остида билимларини фаоллаштириш, билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш кўзда тутилган.

Тадқиқотнинг иккинчи йўналишида, психологик хизмат ва тарбияси қийин ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарбияси қийин ёшларни тарбиялаш масаласи ўрганиб чиқилган.

Учинчи йўналишида, дарсга салбий муносабатдаги болалар билан ишлаш ва уларнинг қилаётган ишларидан ва қилиқларидан унинг қай даражада эканлигини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган. Шунга кўра улар билан қандай муомалада бўлиш кераклиги тўғрисида тавсиялар ёритиб берилган. Бу ишлар уйда ота-онасига, мактабида психолог ўқитувчисига юклатилади. Психолог болани доимо назорат қилиб унга ибратли машқлар ўтиб, у билан мунтазам равишда шуғулланиб бориши ҳақида методик тавсиялар берилган.

Тўртинчи йўналишда ишнинг умумий мақсади – умумий ўрта таълимда ўқувчилар орасида учрайдиган баъзи муаммоларни бартараф этиш чоратadbирлари яратилган, ўқувчиларнинг мақсад ва фикрларига ички таъсир этиб, психолог маслаҳатчи ёрдамида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёни доирасида индивидуал таъсир ўтказиш ва муаммоларни бартараф этиш кўзда тутилган. Амалиёт тариқасида тест топшириқлари ва саволномалар орқали ўқувчилар билим, кўникма ва малакалари шакллантирилган.

I-БОБ. Таълим-тарбия жараёнида педагогика-психологиянинг узлуксизлиги

1.1.

Хозирги кунга қадар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурлари асосида мактаб таълими тизимида таълим-тарбия ишларининг педагогик ва психологик хусусиятларини ўрганиб, таълим-тарбия сифатига кўп эътибор қаратилиб мактабларда ишлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, мактаб тизимида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари, уларнинг тарбиявий ғоялари ва ўтказилаётган суҳбатларга алоҳида аҳамият бериб, ўқувчилардаги дарсга салбий таъсир кўрсатаётган хусусиятлар олди олинмоқда. Олимлар томонидан яратилаётган таълим ва тарбия йўнилишидаги ўқув дарсликлар, методик қўлланмалар, монография, дарс ишланмалар ва тест топшириқларининг янги замонавий усулларини яратиб, таълим сифатини ошириб, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятлари яхшиланмоқда, ўқувчилардаги салбий хусусиятларни бартараф этишда қўл келмоқда ва мактаб психологлари ва синф раҳбарлари учун методик ёрдам бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти уларнинг ёши ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга таалуклидир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг , ўқувчи фаолиятларининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида, фаолиятни ташкил қилишда катъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларни таълим-тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиши қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайда булади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар болани болалиқ чоғида унга одоб-ахлоқ ўргатишни эски шакл ва усулларида фойдаланилган бўлса, энди улар бола учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, эндиликда бундай таъсир болани зериктиради ёки ёкмай қолади.

Натижада, ундан катталарнинг фикрларига қарши чиқиш ёки рад этиш каби хислатлар пайдо бўла бошлайди. Бўлар эса бу даврнинг “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим-тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллари ўзгартириш муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта, ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва бартараф қилинишидан иборатдир; бу қарама-қаршиликлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлокий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама-қаршиликлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал ҳатти-ҳаракатларнинг шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Бу қарама-қаршиликлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни, анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шахснинг қатор янги психологик сифатларини туркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик тараққиётининг янада юксакроқ босқичга ўтиши амалга оширилади.

Бизда ўсмирнинг ҳаёт шароити, унга бериладиган таълим-тарбия ва унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш орқали ижтимоий фойдали меҳнат қилишга жалб қилиш орқали қийинчиликлар бартараф қилинади.

Лекин, афсуски, баъзан ёшларимиз орасида тарбияси “қийин” бўлган, “қийин тарбияланувчи” ёшлар ҳам учраб туради. Тарбияси “қийин” бўлишига сабаб нима?

Тарбияси қийин, инжик, ҳулки салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ножўя ҳатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузишни ёки қоидага ҳилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонун бузар ва оддий қоида бузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиғи, ақл идрокнинг заиф ривожлангани, ҳиссиётнинг кучсизлиги зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг

мавжуд эмаслиги, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртисидаги номутаносиблик каби хатти-ҳаракатларни издан чиқаради. Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар:

- а) ахлокий хисларнинг етишмаслиги
- б) ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот
- в) ишқмаслик
- г) бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар салбий ҳолатларни вужудга келтиради.

Шунингдек, шахснинг, ўқув фаолиятидаги камчиликлари:

- 1) ақлий фаолият усулларида кенг фойдалана билмаслик
- 2) билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги ўзилишлари; мактаб фаолиятидаги;

1) ўқитишдаги нуқсонлар

2) тарбиявий чора-тадбирлардаги ҳатолар ҳам шулар жумламасига киради.

Мактабдан ташқари муҳитни таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маънавий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига қараб уларни бир неча шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади. Бўлар ўз ҳатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Лекин ютуқларини эътироф қилишини хоҳлайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашини ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Улар бетга чопар, ўжар, раҳм-шафқатсиз, «зўравон» бўладилар.

Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадиганлар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор юксак хис-туйғуга эга эмасликлари сабабли «орқа қанот»да туриб қоидани бузадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладиганлар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ «компания» фикрига қарши боришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф жамоаси

аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиббузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий талаблари ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатлардан қайтмайдилар, камига одамларга яхшилик қилишни орзулайдилар. Бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юқори қўядилар. Ўзларининг ҳохишларини тақиқланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус-надомад чекадилар, руҳан эзиладилар. Лекин мазкур кечинмаларни тез унутадилар.

Уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, ҳохишлардан устун туради. Ахлоққа ҳилоф хатти-ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжиқ табиатли қийин тарбияланувчилар жамоа ва гуруҳларда ўз ўринларини топа олмайдилар, улар аразчан, гинаҳон бўлиб ўз гуруҳ ва жамоаларига қўшилиб кетавермайдилар, тортиниб ўзларини камситилгандек ҳис қиладилар. Улар ҳам қийин тарбияланувчи ёшларнинг бир туридир. Жамоа ўртасида обру қозонишни, ҳурматга сазовор бўлишни жуда ҳохлайдилар. Лекин улардаги тушкунлик кайфияти, умидсизлик, ўз имконияти, ақлий қувватга ишончсизлик бунга имкон бермайди. Улар мактаб, синф жавоасининг қоида ва қонунларини бузишга ҳаракат қилмасалар ҳам, лекин бу жамоанинг иш фаолияти ва муваффақиятида, таълим-тарбия жараёнида етарлича қийинчиликларнинг пайдо бўлишига салбий таъсир кўрсатадилар, жамоа ишини орқага сурадилар ва жамоа кўзлаган мақсадни амалга оширишда қийинчилик туғдирадилар.

Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуасига қуйидагилар киради.

1. Шахснинг биологик нуқсонлари:
 - а) сезги органларидаги камчиликлар;
 - б) ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темперамент хусусиятларининг мавжудлиги;
2. Шахснинг психик камолотидаги камчиликлар:
 - а) ақлнинг бўш ўсганлиги;
 - б) ироданинг заифлиги;
 - в) ҳиссиётнинг кам ривожланганлиги;
 - г) зарур эҳтиёж ва билишга қизиқишлар мавжуд эмаслиги;
 - д) ўсмирдаги интилиш билан имкониятларнинг номутаносиблиги.
3. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар:
 - а) ахлоқий ҳислатларида учрайдиган камчилик;

б) ўсмирнинг ўқитувчи, синф жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги заифликлар;

в) меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар;

г) бўш вақтни тақсимлашдаги хатолар;

в) ижтимоий муҳит, оилавий шароитдаги таълим-тарбиядаги нуқсонлар.

4. Шахсни билим олиш фаолиятидаги камчиликлари:

а) билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги ўзгаришлар;

б) таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларнинг етишмаслиги.

5. Мактаб таълими ва тарбиясидаги камчилик:

а) таълим жараёнида билимлар ва хатти-харакатларни адолатсиз баҳолаш, дарслик ва ўқув қуланмаларига нисбатан англашмовчиликлар, синфда қолдириш ва х.з.

б) мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар (ўқитувчининг ўсмирга хайрихоҳ эмаслиги, ўқувчининг яққаланиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик, ўз ўрнини топа олмаслик).

6. Мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар:

а) оилада педагогик ва психологик билимларнинг етишмаслиги;

б) оиланинг бўзилиши ва оилавий низолар;

в) ота-она еки оила аъзоларининг шахвоний ҳаётга ва ичкиликка берилиши;

г) оила аъзолари ўртасида судланган одамнинг учраши;

д) тенгқурларнинг салбий ишларига (ҳақорат қилишига, ичишга, чекишга, қўли эгриликка) ўргатиш ва х.з.;

е) маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва жамоатчиликнинг камчиликлари (эътиборсизлик ва лоқайдликлар).

Тарбияси «қийин» ёшларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв(асаб) фаолияти типлари ҳақидаги И.П.Павлов таълимоти билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

1. Нерв системасининг кучи нерв хужайраларидаги моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучли кўзғалиш жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилятига акс этади.

2. Асаб тизимининг кучи тамойилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар, кучсиз типига эса меланхоликлар киради.

3. Асаб тизимининг илдамлиги мия пўстининг тормозланиши билан ёки аксинча тормозланишнинг кўзғалиши билан нақадар енгил алмашинуvidан иборатдир.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластиклик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий хислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу ўринда ёшларнинг ғоявий маслагини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, аввало унинг ғоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиш керак. Ёшларга индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир.

Ёшларни эмоционал-иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, муминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, яъни теварак атрофдагилардан фарқ этиш ёки фарқ этмаслигини, эффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай хислар устун эканлигини билиш жуда муҳим.

Ёшларнинг ахлокий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳим. Чунки ёшларнинг ғоявий маслаги унинг ахлокий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан ахлокий маслак билан ёшларнинг хулки тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ёшларнинг қанчалик ватанпарварлигини, меҳнатпарварлигини, қанчалик ҳурмат қилишини, қанчалик тўғрилигини ва виждонлигини, ўртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориш зарур.

Салбий ахлокий сифатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, безорилик эгоизм, кайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, коидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар киради ва бундай хислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга яккама-якка ёндашиш лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишлигини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дустона муносабатда бўлишликнигина талаб қилинади. Тарбияси қийин болалар, ёшлар билан ишлашда унинг характери, қизиқишларига хос хусусиятлари эътиборга олиш лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна

(мехнат, ўқиш жараёнида) оила ва мактабдаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишига хавас туғдиради.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак хисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айтиш муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, «тирик бурчак»ни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларни камайтириш мумкин.

Уларни ўзлари қизиққан тўғарақларга жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари аста-секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шунчаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларни қўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган вақтда ёки ҳар доим эмас, балки, қулай шароит келиб қолганда иш олиб борилса, яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса, у кўпроқ натижа беради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда, ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атаيمиз.

Тарбиявий жараёнда ўқитувчининг инновацион фаолияти – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга, яъни мустақил маълумот, мустақил таълим бериш ва ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади ва улар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни ўқитувчиларнинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, қийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан-техника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ўқувчиларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Тарбиявий жараён – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими деб ҳисоблар эканмиз, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидаги ўқитувчи-ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг самимий ва диққат билан ўз суҳбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши, суҳбатдошига ўз фикрини тўла ва тўғри ифодалаши ҳамда самимий суҳбатлашиши учун имкон яратиш билан бир қаторда ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан бемалол суҳбатлашишлари, ўз фикрларини ва тақлифларини раҳбарларга билдиришлари, янгилик яратиш борасида раҳбарларига суяниш мумкинлигига

ишонч ҳосил қилишларида, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Мактабда синф раҳбарлари ўз ўқувчиларининг барчаси билан ҳам доимий жонли мулоқотда бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум, шунга қарамасдан барча ўқитувчилар, шу қатори ўқувчилар ҳам раҳбар билан доимий, бевосита ўзаро таъсирда бўлиши тарбиявий муносабатларда намоён бўлади. Бундай бевосита таъсир масофадан туриб, мулоқотсиз тарбиявий жараёнда вужудга келади ва ундан ўқитувчи-ўқувчилар ҳам бир хилда таъсирланишлари мумкин. Яъни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ташқи кўриниши, қийиниши, ютуқлари, фан ва спорт йўналишлари бўйича турли мусобақалардаги ғалабалари ўқувчининг кайфиятига ва унинг рейтингига таъсир кўрсатади.

Инсон ўзига ёққан, ўзи хавас қиладиган, истараси иссиқ, хушфеъл, билимдон ва қобилиятли бўлган шахсни кўриши, унинг жилмайиши, бирдан кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шундай экан, раҳбарнинг соқоли олинганлиги, сочларининг тозалиги ва тартиблилиги, дадил қадам, маънодор хатти-харакат, самимий жилмайишлар унинг ташқи кўриниши ҳисобланиб, тоза, дазмол босилган, сифатли кийим кийиши, кийимларининг ўқитувчи ва мураббийларга хос бўлиши, шунингдек, кабинетининг тоза ва тартибли бўлиши, китоблар шкафида замонавий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, айниқса ўз ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик маҳсулотларнинг бўлиши тарбиявий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади.

Инновацион фаолият-яратилган янгиликлар, олимларнинг илмий-ижодий меҳнати, ёзган китоблари, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалари ўз жамоасидаги таълим-тарбиявий муносабатларни тартибга солиб боришда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қиладди. Яъни, муассасаларда таълим-тарбия мавзуларда илмий-амалий конференциялар уюштириш, ходимларнинг илмий мақолалар билан иштирок этиши, мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан бойитиш, фан ва техника янгиликлари бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш илмий ижодий фаолият билан шуғулланиш учун зарурий шароит яратади, шу билан бирга ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, билим, тажриба ва кўникмаларини ривожлантириб боришни талаб қиладиган ижодий муҳитнинг вужудга келишига замин яратган бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда биринчидан ўқитувчининг инновацион фаолиятини таъминлаш, шахсини шакллантириш, шарт-шароит яратиш, иккинчидан ўқувчиларнинг ҳар томонлама қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, унинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ўқув-тарбия жараёнида намоён этишни таъминлаш ушбу куннинг долзарб вазифаларидандир.

Педагогика, хусусан таълим-тарбияда илмий тадқиқотлар ҳеч қачон тўхтамайди ва узлуксиз давом этаверади. Педагогик тадқиқотларнинг предмети сифатида мактаблардаги таълим-тарбия жараёни, унинг мақсади, мазмун ва моҳияти, ўқитувчи ва раҳбарларнинг инновацион фаолияти, ташкилий шакл ҳамда ижтимоий шароитлар хизмат қилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти таъсиридаги ва ўз шахсий хатти-харакатлари таъсиридаги ўзгаришлар орасидаги қонуниятларни очишга, уларни таҳлил қилишга имкон беради. Ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятлари, характерлари, таълим мазмуни, услуб ва воситалар орасидаги боғлиқликлар, табиат қонуниятлари каби объектив хусусиятлари каби объектив хусусиятларга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг инновацион фаолиятини ошириш ва таъминлаш ҳақида жиддий хулоса чиқариш учун мунтазам равишда олиб борилган кузатишлар, тажрибаларга асосланган тадқиқотлар натижаларига асосланиш таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим тизими сифат ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантириш, инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида фаолликни, педагогик қобилиятни шакллантириш, дарс ва машғулотларни илмий асосда ташкил этишга имкониятлар яратиш ҳамда инновацион ёндашувлар технологияларини лойиҳалаштириш ва жорий этиш ўқитувчининг билими, педагогик ва касбий маҳоратларига боғлиқдир.

Юртимиз миллий мустақилликка эришгандан сўнг, ўзбек халқи ҳаёти, унинг илм-фани шу жумладан, педагогика фани ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Илм оламида кўпинча тартиб–интизом ҳақида маърузалар қилинади, адабиётлар яратилади ва шунга асосланиб, умумий ўрта таълим мактабларида “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” бўйича режа асосида ўқув ишлари олиб борилади.

Республикамизнинг иқтисодий ривожланиши фан ва техника тараққиёти ва таълимга қўйиладиган замон талаблари ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи жуда муҳим, долзарб ижтимоий-педагогик ва илмий муаммога айланди.

Кишилиқ жамиятининг эволюцион ирсий заҳираси кўпқиррали, илмий-амалий муаммолар мажмуаси бўлиб, тўғри баҳолай олиш, саралаш, тўғри таълим йўналишини тавсия этиш, тарбиялаш, касбга йўналтириш, тегишли ишга жойлаштириш, кўмаклашиш, баъзан тиббий, педагогик, юридик ёки психологик жиҳатдан ёрдам қилиш, ҳақ-хуқуқларини таъминлаш ва ҳоказоларни ўз ичига олиши аниқланади. Концептуал ечимлар белгиланди ва унинг амалга оширилиши бўйича тавсиялар яратилди. Мактабда таълим

тизимининг асосий таҳлили қилинди, дарсларни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар бериб борилиши таъминланди. Дарсларда ўқувчиларнинг ёши, билими, кўникма ва малакаларини ҳамда иқтисодий ҳудуд талабларини ҳисобга олган ҳолда бир неча босқичларда амалга оширилиши зарурлиги кўрсатилди. Бу босқичлардан ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ташхис, касбий ахборот, маслаҳат компонентларидан иборатлиги таърифлаб ўтилди. Таълим тизимининг муаммолари очилди ва илмий асослари белгиланди.

Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга жорий қилишда Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ таълим мазмунини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фан ва техника, технологияларнинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, таълим тизимини ахлоқий ва иродавий сифатларини шакллантириш, таълим мазмунини модуллашган шакллари амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Баъзида таълимда ҳаётдаги қийинчиликлар (муаммолар, масалалар) уларни кўпроқ ўзига жалб этади. Айнан шундай пайтда мураккабликдан кўпчилик одамларнинг қочиши мумкин бўлса, баъзида бола мураккаб масалаларни еча олмай вазиятларни излайди.

Ўспиринлик ёшида ўзликни англашнинг жуда муҳим компоненти – ўз хатти-харакати учун жавобгарлик ва унинг натижасига фақат ўзи сабабчи эканлигини хис қилиш хусусияти шаклланади. Яъни ўспирин учун нафақат бошқа одамлар, балки ўз хис-туйғулари, кечинмалари ҳам кузатув объектига айланади. Унинг “мен концепция”си ўз истиқболи учун фаол ҳаракатга ундовчи куч сифатида намоён бўлади.

Ўзликни англаш – бу ички дунёсини кашф қилиш, у ҳақида яхлит бир тасаввурга эга бўлиш, ўз-ўзига эмоционал муносабат, ақлий, ахлоқий ва иродавий сифатларини баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш) дир.

Ўзликни англаш жараёнининг таркибига сингиб кетган компонент сифатида мақсадга йўналтирувчи, кучайтирувчи, коррекция қилувчи, яъни унинг оқими хусусиятини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Профессор Р.Х.Джураевнинг асосли таърифи бўйича, “...ўқувчиларни ўзликни англаш компоненти яъни мақсад сари мустақил йўналтиришнинг асосий мақсади, энг аввало индивидга ва имкониятларини тўлиқ англаш, хоҳиш-истақларини амалга ошириш восита ва усуллари тўғри белгилаш ҳамда мустақил қарорга келиш имконият ва зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат”. Шу нуқтаи назардан, ўқувчининг онгига таъсир этувчи омиллар – унинг индивидуал-типологик хусусиятлари ёки ички имконият ва эҳтиёжлари ҳисобланади. Бундан ташқари, ўқувчиларни ахлоқий ва иродавий сифатларини шакллантиришнинг шарт-шароитларини намоёнлиги – ички

позициянинг шаклланиш қонуниятига асосланиш керак деб, ўйлаймиз. Маълумки, ички позиция ўз-ўзидан эмас, балки субъектнинг ташқи муҳит билан узлуксиз алоқада бўлиши ва ташқи муҳитнинг унга таъсир этиши жараёнида шаклланади. Мана шу икки томонлама таъсир ҳамда ижтимоий муносабатлар жараёнида инсон ўзликни англайди.

Индивидуал-типологик хусусиятлар, руҳий ҳолатлар ва билиш психик жараёнлари эса, ўқувчи ички позициясининг шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар ҳисобланади. Бу психологик факторнинг ўзбек менталитетида кўпроқ намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш, фарзандининг мактабда ўзини тута билиши, дарсда қандай ўтиришидан уларни хабардор қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Педагогик-психологик ташхис фақат битта-иккита методикани ўтказиш билан эмас, балки коррекцион ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлган жараён сифатида амалга оширилиши зарур. Одатда дарсда индивидуал характердаги бола ўзини тутиши, интизоми ва ахлоқи билан салбий характердаги болаларга таъсир этиши, вужудга келадиган қийинчиликларни бартараф этади.

Шакллантирувчи йўналишдаги ахлоқий педагогик-психологик маслаҳат ўқувчи шахсини ҳар томонлама ўрганиш асосида унга ўзи учун бирмунча ўз фаолиятини фаоллаштиришни назарда тутаяди. Мактабда асосан амалиётчи психолог, синф раҳбари, ота-оналар ва фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқувчи тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади ва тегишли тавсияларни бериб боради. Мактаб ўқувчиларининг камида 45-50 фоизи индивидуал маслаҳатларга муҳтождир. Бўлар қуйидагилар:

- У ёки бу сабаб билан мустақил фикрга эга бўлмаган болалар;
- Ота-оналари билан зиддият пайдо бўлган ўқувчилар;
- Ўзини танлаган йўлининг тўғрилигини исботлаш истагидаги ўқувчилар;
- Ўсиб улғайиши ўзгача бўлган ва ҳулқ-атвори бошқача бўлган ўқувчилар.

Дарс жараёнида ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали механизмларини излаб топиш ва қўллаш, ўқув-билув жараёнини модуллашган интеграл дастурлар, таълимнинг модуллашган шакллари асосида ташкил этишга эришиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштиришнинг турли йўл ва вариантларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчи фаолиятида ҳам самарадорликка эришиш имконини беради. Агар ўқувчи фаолиятида тўхташ ҳоллари аниқланган тақдирда, уни тузатиш йўллари излаш мақсадга мувофиқдир. Мактаб ўқувчиларини дарсда ахлоқий ва иродавий сифатларини шакллантириш, таълим мазмунини модуллашган шакллари амалиётга тадбиқ этиш истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун-қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали ҷамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринганлар. Лекин биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури рифоҷланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар руҳига ҳамоҳанг тарзда кечишини таъминлаб берувчи тадбикий хусусиятли ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда руй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойиқ долзарб муаммолардан бири-ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий ҷихатдан тайёрлашдир.

Бу вазифани адо этишда ижтимоий психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, тадбикий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологик амалиёт доирасида ушубу вазифани амалга ошириш йўллари топиш учун ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг асосий тадбикий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда ижтимоий психологиянинг долзарблиги ва унинг ҷамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг тадбикий соҳаларини доирасини ҳам кенгайтирди. Унинг асосий-тадбикий амалий соҳаларига: саноат социал психологияси, бошқарув психологияси, оилда ва никоҳ борасидаги социал-психологик ишлар, сиёсат ва иқтисодиётни такомиллаштириб муаммолари, қонунбузарликни олдини олиш эҳтиёжи ҳамда оммавий ахборот воситалари борасидаги амалий вазифалар қиради.

Барча амалий соҳаларга хос умумий хусусиятлар мавжуд, уларга :

- a) Уларнинг бевосита ҷамият талаб эҳтиёжига кўра ташкил этилиши
- b) Тадбикий ишларнинг «тили» муаммосининг борлиги, яъни, профессионал тил (жаргон) билан тадқиқот натижаларини баён этишдаги уйғунлик масаласи
- c) Амалий эҳтиёжларга монанд илмий фаразларни ишлаб чиқиш
- d) Шартномаларга мос тарзда буюртмаларни ўз муддати ва босқичларда бажариш мажбурияти
- e) Самарадорлик мезонларининг ўзига хослиги, яъни бажарилган ишга қараб самарадорликни баҳолаш
- f) «назариётчи» билан «амалиётчи» ролларининг аниқ фарқланиши муаммолари қиради

Амалий социал психология ҳақида гап кетганда кўпинча «социал психологик аралашув» тушунчаси ўртага тушади. Амалиётчининг аралашуви нималарда кўринади?

- a) Индивиднинг ўзгариш стратегиясида, яъни ўша ташкилотдаги ўзига хос шахсларнинг борлиги аниқланади ва уларга таъсир қилади.

б) Технологик тизим ўзгаради, яъни маълум ташкилот ёки муассасанинг тўзилишида ўзгариш юз беради.

в) Маълум типли маълумотларга боғлиқлик, яъни маълумотларнинг ташкилот ичида ёки унинг атрофида тўпланганлигига боғлиқ ҳолда натижаларнинг турлича қийматга эга бўлиши мумкин.

г) Атайлаб ўтказилган тадбирлар таъсирида корхона таракқиёти ўзгариши мумкин. М: режалаштириш ходимлар билан ишлаш сифати, қарорлар қабул қилиш ва ҳк.

Амалиётда фаолият кўрсатаётган психолог жойларда 3 асосий функцияни бажаради:

1. Эксперт-яъни бу шундай шахси, у мижоз томонидан таклиф қилинади, психологик вазиятни таҳлил қилишади, хулосалар натижасида янгиликлар киритишади, зиддиятли ёки жанжалли вазиятларда мақсадга мувофиқ туғри ҳулқ шаклини таклиф этишади. Демак, эксперт ишининг оқибати-хулоса чиқариб, сунг тавсиялар бериш.

2. Маслаҳатчи-экспертдан фарқли, мижоз томонидан бир марталик эмас, балки бир неча марта айни муаммо бўйича маслаҳат бериш ва хулосалар чиқариш учун таклиф этилади. Унинг аралашуви бевосита бўлиб, фаолтияти оқибатида шахс ёки яхлит жамоага ёрдам кўрсатилади, янги лойиҳалар қабул қилинади.

3. Ўргатувчи одатда буюртма асосида жойларда ўқувлар, курслар ташкил қилади. Унинг асосий воситаси-социал психологик тренинг ва унинг турли қуринишлари бўлиб, оқибати-ижтимоий мулоқотнинг турли шаклларига ўргатишдир.

Юртимизда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ва амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқининг маданияти, ватанининг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга туғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу-зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир. Акс ҳолда олам сиру-асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларни аввал ўз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йуналтира олмаса, ва унинг жамият таракқиётига алоқасини тасаввур қилолмаса, маънавияти қашшок, иқтидори эса самарасиз, худбин шахс сифатида баҳоланади.

Табиий, ҳозирги бозор иктисодиёти шароитида илму-фан ютуқларининг амалиётга тадбиқ этиладиган соҳаларидан энг муҳими-бу ишлаб чиқариш ва саноат соҳаси ижтимоий психологик жабҳасини аниқлаш кун тартибидаги асосий масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки янгича бозор муносабатларини ҳаётда амалга оширувчилар алоҳида шахслар бўлиб,

уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳий установкалари, фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, ҳиссиётлари етакчи рол ўйнайди.

Тадқиқотчининг юқоридаги масалаларини ўрганиши учун табиий методик воситалар зарур. Амалий-ижтимоий психолог оддий кишидан шу томонлари билан фарқ қиладики, у ҳар бир яққол шароитда ўзига керакли мақбул услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўради, агарда улар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштиради. Олинган натижаларга асосланиб у гуруҳдаги руҳий муҳитни «яхши, ёмон, ўртача, қарама-қарши» тоифаларга бўлади ва уларнинг ҳар биридан ўзига хос илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Бундан ташқари бугун таълим-тарбия негизида ташкил этилаётган кўплаб умумтаълим мактаблари мавжудки, уларда таълимни илмий асосда ташкил этиш ва самарадорликни руҳий мезонларини топиш муҳим муаммодир. Чунки ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқотга киришиш ва ўқитиш муносабатларининг мураккаб шакллари ҳис этишга мансубдирлар.

Ташкил этиладиган психологик хизматнинг ижтимоий психологик йўналиши аввало турли тоифадаги болаларни ижтимоий ва шахсий зиддиятларни бартараф этишга ўргатиш, шахслараро муносабатларнинг демократик соғлом шаклларига ўтиши ва қобилият ва маҳорат сирларини ўзлаштириш ва улардан кундалик фаолиятда оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришдир. Бунда шубҳасиз психолог томонидан ташкил этиладиган турли тренинг машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.

1.1 Мактабда педагогик-психологик хизмат кўрсатиш.

Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви асосан мактаб йилларига туғри келади. Шунинг учун мактаб олдида қўйилган асосий вазифалардан бири боланинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шакллари жорий этишдир. Лекин ҳаммага маълумки, ҳозирги шароитда мактаб олдида кўплаб муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжудки, улар барчаси мактабга ҳар тарафлама ёрдамни тақозо этмоқда. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмаларига асосан, ёшларнинг лаёқатларини илк ёшлигидан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари ўқувчига индивидуал ёндашувининг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда.

Тестлар воситасида билимларни текшириш, Олий ўқув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига ва тест синовлари орқали қабулнинг амалга оширилиши психологик хизматнинг тезроқ йўлга қўйилишини талаб қилмоқда.

Ижтимоий психология ҳам давримизнинг мактаб олдига қўяётган талаблари, унинг ҳозирги кунларда бошда кечираётган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ўз олдига:вазифалар қўйган :

а) Уларни англаш; б) илмий анализ қилиш, в) олдини олиш йўллари қидириб, йўл-йўриқлар кўрсатиш.

Мактабга борган ижтимоий психолог нима ишларни қилиши мумкин?

1. Мактабда ташкил этилган психология хизмати, аввало психологдан ўша мактаб шароитини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқишни, ҳар бир ёш хусусиятларига қараб, индивидуал ва гуруҳда ишлаш услубларини аниқлаш лозим.

2. Мактаб психологи болалар ўртасида учраб турадиган психик ривожланишдан чекиниш ҳолларини тўлиқ ўрганиш, унга сабаб бўлган ижтимоий психик шарт-шароитларни анализ қилиш лозим.

3. Мактаб психологиди турли ёшли болалар бўйича уларнинг қобилиятлари, йўналиши, лаёқатлари ва касбга қизиқишига доир аниқ илмий анализлар, тест натижалари асосида тўзилган маълумотлар бланки бўлиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог боларга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларга қўшимча дарслар ташкил этиш, мактаб, оила ҳамкорлигида болалардаги қобилиятларни ўстириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқмоғи лозим.

4.Мактаб психологи умуман мактабдаги алоҳида синфлардаги рухий ҳолатларни, ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган психологик муҳитни аниқлаши ва расмий ва норасмий лидерлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиб, мактаб маъмуриятига, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарига керакли йўл-йўриқларни бериб туриши керак.

5.Бундан ташқари, мактаб психологи, турли можароалари, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг табиатини ўрганиш чоратadbирлари бўйича консультациялар ташкил этиш керак.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, мактаб психологи фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш мумкин. Улар диагностик ва тузатиш ишлари (ҳар қандай ривожланиши жараёнидаги чекланишлар орқада қолиш ҳолатларини аниқлаб, чорасини топиш, уларни олдини олиш); психо-профилактик ишлар (психо-гигиена, боланинг психологик жихатдан нормал ривожланишини таъминловчи шароитлар яратиш); психологик консультациялар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психологик саводхонлигини кўтариш; психологияда қўлланиладиган методларни конкрет шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдаланиш, тўпланган илмий маълумотларни системали тарзда анализ қилиб бориш; тестлар тўзиш. Уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир бола қобилиятини,

қолаверса, ўқитувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириб, илмий хулосалар ва кўрсатмалар тайёрлаш кабилардан иборатдир.

Умуман жамиятнинг психология фани олдида қўйган талаблари кўп. Уларни қондириш учун жумхуриятимизда аввало кенг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, натижаларини дадил амалиётга тадбиқ қилиш даври келди.

1. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларнинг ахлоқий ва иродавий сифатларини ўрганиш

Юртимиз миллий мустақилликка эришгандан сўнг, ўзбек халқи ҳаёти, унинг илм-фани шу жумладан, педагогика фани ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Илм оламида кўпинча тартиб–интизом ҳақида маърузалар қилинади, адабиётлар яратилади ва шунга асосланиб, умумий ўрта таълим мактабларида “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” бўйича режа асосида ўқув ишлари олиб борилади.

Республикаимизнинг иқтисодий ривожланиши фан ва техника тараққиёти ва таълимга қўйиладиган замон талаблари ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи жуда муҳим, долзарб ижтимоий-педагогик ва илмий муаммога айланди.

Кишилиқ жамиятининг эволюцион ирсий заҳираси кўпқиррали, илмий-амалий муаммолар мажмуаси бўлиб, тўғри баҳолай олиш, саралаш, тўғри таълим йўналишини тавсия этиш, тарбиялаш, касбга йўналтириш, тегишли ишга жойлаштириш, кўмаклашиш, баъзан тиббий, педагогик, юридик ёки психологик жиҳатдан ёрдам қилиш, ҳақ-хуқуқларини таъминлаш ва хоказоларни ўз ичига олиши аниқланади. Концептуал ечимлар белгиланди ва унинг амалга оширилиши бўйича тавсиялар яратилди. Мактабда таълим тизимининг асосий таҳлили қилинди, дарсларни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар бериб борилиши таъминланди. Дарсларда ўқувчиларнинг ёши, билими, кўникма ва малакаларини ҳамда иқтисодий ҳудуд талабларини ҳисобга олган ҳолда бир неча босқичларда амалга оширилиши зарурлиги кўрсатилди. Бу босқичлардан ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ташхис, касбий ахборот, маслаҳат компонентларидан иборатлиги таърифлаб ўтилди. Таълим тизимининг муаммолари очилди ва илмий асослари белгиланди.

Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга жорий қилишда Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ таълим мазмунини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фан ва техника, технологияларнинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, таълим тизимини ахлоқий ва иродавий сифатларини шакллантириш, таълим мазмунини модуллашган шакллари амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Баъзида таълимда ҳаётдаги қийинчиликлар (муаммолар,

масалалар) уларни кўпроқ ўзига жалб этади. Айнан шундай пайтда мураккабликдан кўпчилик одамларнинг қочиши мумкин бўлса, баъзида бола мураккаб масалаларни еча олмай вазиятларни излайди.

Ўспиринлик ёшида ўзликни англашнинг жуда муҳим компоненти – ўз хатти-харакати учун жавобгарлик ва унинг натижасига фақат ўзи сабабчи эканлигини хис қилиш хусусияти шаклланади. Яъни ўспирин учун нафақат бошқа одамлар, балки ўз хис-туйғулари, кечинмалари ҳам кузатув объектига айланади. Унинг “мен концепция”си ўз истиқболи учун фаол ҳаракатга ундовчи куч сифатида намоён бўлади.

Ўзликни англаш – бу ички дунёсини кашф қилиш, у ҳақида яхлит бир тасаввурга эга бўлиш, ўз-ўзига эмоционал муносабат, ақлий, ахлоқий ва иродавий сифатларини баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш) дир.

Ўзликни англаш жараёнининг таркибига сингиб кетган компонент сифатида мақсадга йўналтирувчи, кучайтирувчи, коррекция қилувчи, яъни унинг оқими хусусиятини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг психик ривожланиши ва таълим.

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли, илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон-биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгилари) иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг ҳулқ-атвор (ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш, одам психикаси ва ҳатти-ҳаракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин. Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмга жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан-наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намоёндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари, ички қонунлар асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларининг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан чўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда тақсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Торндайк ўқувчиларнинг «табiiй кучлари» ва «туғма майллар»ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири-иккинчи даражаларидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётинигина эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган яна бир таълимот-**Социогенетик концепция**-қобилиятларнинг тараққиётини, фақат теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII француз олими К. Гельвеций таълимотидан бошланган. К.Гельвеций таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва ахлоқий ривожланиши учун туғилишдан оқ мутлақо бир хил табiiй имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руҳий, оқибатда ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Социогенетик ёндошишга биноан,

шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. **Ижтимоийлашув назариясига** кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изоҳлаб беради. Улардан,

-биринчиси-инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири;

-иккинчиси-одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсири;

-учинчиси-одамга туғма равишда, тайёр ҳолда бериладиган наслий хусусиятларни таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошғаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда, аниқ ижтимоий муносабатларда, яъни оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб улғаяди, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг намоёндаси сифатида ва ниҳоят ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

ривожланиш деганда одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир:

1) миянинг биологик, органик етилиши, унинг анатомик-физиологик тузилиши жаҳатидан етилиши;

2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиши. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида, албатта, ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ, мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими? Ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини белгилаб беради.

Бу борада немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга

қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор, деган қонидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишидан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, аниқ ифодалаб беради. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга ҳалақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам билан пассив кутиб туриш керак.

Шундай қилиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши-мураккаб тараққиёт жараёнидир.

Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари

Ўсмирлик инсонни балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқ қилади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Балоғат даврига 11-15 ёшли қизлар ва ўғил болалар кирадилар. Камолотнинг мазкур палласида жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади.

Ўсмирлик ёшида қизлар ва ўғил болаларнинг жисмоний қиёфасида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу даврнинг бошланишида қизлар ўғил болаларга нисбатан тезроқ ўсиб улғаядилар. Бу нарсга қиз болаларнинг эртароқ жинсий балоғатга етишига боғлиқдир.

Ўсмирлик даврида ўғил болаларнинг бўйи 25-30см, қиз болаларнинг бўйи 18-20 см ўсади. Бу даврда тананинг интенсив ўсиши юзага келади.

Маълумки, бўйига ўсиш, найсимон суяклар ва умуртқа поғонасининг узайиши хисобига рўй беради. Бу даврда найсимон суякларнинг охирги таянч қисмлари ҳаёли етарли даражада суяклашмаган, юмшоқ бўлади. Бу хусусиятларни назарда тутиш, ўсмирнинг спортнинг мураккаб оғир турлари билан шуғулланишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда боланинг умуртқа поғонаси қийшайиб, бўйи ўсмай қолиши мумкин.

Ўсмирлик ёшининг иккинчи даврида юз суяклари, айниқса унинг умуртқа қисми (бурун, юқори жағ, ёнок) жуда тез шакллана бошлайди. Юз кейинчалик қарийиб ўзгармайдиган муайян шаклга киради. Оғиз бўшлиғи ва халқум ўзгаради, бўғизда ҳам ўзгариш рўй беради: овоз пайлари узаяди ва кучаяди. Натижада ўсмирларнинг, айниқса ўғил болаларнинг овози йўғон ва паст бўлиб қолади. «Овознинг бузилиши» ёш болаларга хос ўткир, овознинг нисбатан паст, катталарга хос овоз билан алмашинувидир.

Бирок бу овозлар орасига хали боланинг ўткир овози қўшилиб ҳам туради. Катталар хазил билан ўсмирлар овозини «хўроз овози» деб атайдилар. Овознинг ўзгариши ўсмирнинг ўзини таажубга солади. қизларнинг овози кескин ўзгармайди. Шундай бўлса-да қизларга хос ўткир, жаранглаган овоз аста-секин қизларнинг майин, текис ва нозик, салгина пасайган овозига ўз ўрнини беради.

Ўсмирлик ёшида мускул системасининг ўсиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мускуллар тез ўсиб, мустахкамланиб боради. Оёқ ва қўл суякларининг ўсишидан орқада қолади. Ўсмирларнинг мускуллари хали ингичка, нисбатан кучсиздир. Натижада ўсмир гавдаси номутаносиб, ҳаракатлари, юриши нотекис, бесўнақай бўлади. Оёқ товонлари тез ўсади. Оёқлар узун, мускуллар нозик бўлганидан ўсмир юришидаги бесўнақай бўлади. Оёқ товонлаори тез ўсади. Оёқлари узун, мускуллари нозик бўлганидан ўсмир юришидаги бесўнақайлик кўзга ташланиб туради. Ўсмирларда ўз мускулларини ўстиришга зўр иштиёқ туғилади. Улар оғир нарсаларни кўтардилар. Мускулларини ўстирадиган машқлар билан шуғулланадилар. Ўсмирлик даврида нафас олиш органлари жадал ривожланади. Ўпканинг тириклик сиғими қуйидагича бўлади.

Ўғил болаларда 11 ёшда 1900-2000 мл; 15 ёшда 2600-2700мл шунинг учун нафас олиш ҳар дақиқада 2 марта камаёди. Ўғил болалар қорин билан, қизлар эса кўкрак билан нафас ола бошлайдилар.

Кислародга очлик ўсмирнинг психик фаолиятига таъсир этиб, мия мускул системасидан фарқли равишда кислароддан бир неча марта кўп истеъмол қилади. Ана шунинг учун ҳам яхшилаб шамоллатилмаган ва кўп ўқувчи ўқийдиган синфларда ўсмирлар тез чарчайдилар ва иш қобилиятлар тез сусаяди. Натижада бола дарсга кулоқ солиб ўтирмаслиги, интизомга риоя қилмаслиги мумкин.

Ўсмирларнинг юракнинг ҳажми ва тириклик сиғими ҳар йили 25% катталашиб боради.

Мазкур даврда тананинг умумий ҳажмидан 7-8%ни қон ташкил қилади. қон босими бирмунча ошади, симоб устунининг 110-115 мм даражасида бўлади. Юрак қисқаришининг частотаси бир қадар секинлашади. Масалан, 11 ёшда дақиқада 85-90 марта урган бўлса, 14-15 ёшларда 70 мартагача пасаяди.

Ўсмирликнинг жисмоний жихатдан ўсишида жинсий балоғатга етиш катта рол ўйнайди. Жинсий етилишнинг бошланиши кўп жихатдан иқлимга ва миллий-этнографик омилларга ва шу билан бирга индивидуал ҳаёт хусусиятларига соғлигига, бошдан кечирган касалликлар, овқатланишга, меҳнат ва дам олиш режимига, теварак-атрофдаги шароитга ва бошқаларга) боғлиқдир. Жинсий етилишнинг бошланиши даври ўғил болаларда 12-13

ёшга, қиз болаларда 11-12 ёшга тўғри келади. Кўпчилик ўғил болалар ҳозирги вақтда жинсий жihatдан 15-16 ёшда, қиз болалар эса, 13-14 ёшда етиляпдилар. Натижада бошқа жинсга қизиқиш ортади, орзу, хошиш, нозик туйғу соғиниш, изтироб каби кечинмалар пайдо бўлади.

Ўсмирлар жинсий, етилиш сирларининг 17%ни ота-онадан, 9%ни ўқитувчилардан, 4%ни мактаб врачидан ва қолган яширин жihatлари, ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни кўча куйдан, ўртоқлари ва дугоналаридан эшитиб билиб оладилар.

Ўсмирлик ёшида шахснинг ривожланиши.

Шахснинг ахлоқий жihatдан интенсив таркиб топиши, хатти-харакатларининг ахлоқий этник номаларини ўзлаштириш ўсмирлик ёшининг муҳим психологик характеристикаларидандир.

Ўсмирлик ёшида фақат жисмоний тарақиёт юзага келмай, балки боланинг шахси ҳам сезиларли ривожланади. Бола шахсининг ривожланиши теvarак-атрофдаги воқеликнинг таъсири ортида мактабдаги, таълим тарбия процессининг таъсирида, коллектив ва тарбиячиларнинг ғоявий раҳбарлиги остида амалга ошади.

Ўсмирлик ёши хатти-харакатларида суяна бошлайдиган дунёқарашларнинг, маънавий эътиқод, принцип қоида, идеаларининг, баҳолаш мулоҳазалари системасининг таркиб топиши давридир. Агар кичик мактаб ёшидалиқ даврида у ёки катталарнинг, яъни ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бевосита кўрсатмалари билан, ёки ўзининг тасодифий ва импульсив истаклари таъсири билан ҳаракат қилган бўлса, эндиликда унинг учун ўз хатти-харакатларининг принципи, ўзининг қарашлари ва эътиқодлари асосий аҳамият касб этади. Ўқитувчи ва тарбиячи шуни назарда тутиши лозимки, худди ана шу ёшда ахлоқий онг тараққиётига замин қўйилади.

Ўсмир турли нарсаларни мутлақо аниқ дифференциаллайди. Агар танаффус пайтида ўйнаб туриб стулни синдириб қўйса ва уни устахонада тузатиш лозим бўлса, бу жазо эмас. Агар ўзининг ифлос қилган жойини супуришга мажбур қилинса бу ҳам жазо эмас. Буларнинг мантиқи ўсмир учун равшан: бу жазолаш эмас, балки хатти-харакатларининг натижаларини тузатишдир.

Психологлар ўз олдиларига ўсмирлар маънавий онгининг мазмунини, уларнинг ахлоқий тушунчалари ва тасаввурларини ўрганиш вазифасини қўйганлар. Тадқиқотлар умуман ўсмирлар маънавий онгининг юксак даражада эканлигини кўрсатади. Ўсмирларнинг кўпчилик қисми ёшларга муносиб маънавий тушунчаларни тўғри тушунадилар. Бир неча мисоллар келтирамиз.

қатъийлик-«бу, одам энг қийин ишларни амалга оширишга киришганда, унинг ҳеч қандай муваффақиятсизликдан қўрқмай ишни охиригача олиб боришида кўринадиган хусусиятдир» (12ёш) «+атийлик яхши одамда ҳам ривожланади, аммо ёмон одамда ёмон ишларга, яхши одамда эса яхши ишларга хизмат қилади.» (12ёш) ўсмирлик ёшининг охирига келиб чуқур англашлик даражаси, албатта, сезиларли ўсади. «Камтарлик-бу, ўзига оқилона баҳо бера билиш, ўз-ўзига ва хатти-харакатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлишдир.»

Эътиқод ва дунёқарашнинг таркиб топиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ўсмирларнинг ахлоқий идеаллари ҳам юзага кела бошлайди. Бу идеаллар етарли даражада чуқур, мазмундор, фаолдир ва бу идеаллар ўзига хос ахлоқий эталон бўлиб хизмат қилади, ўсмир эса ўз хатти-харакатларини ана шу эталон билан тенглаштиради. Кичик ёшдаги ўсмирлар учун одатда қандайдир конкрет бир киши идеал бўлади бу одам ўсмир юксак даражада баҳолайдиган сифатларни ўзида гавдалантирган бўлади.

Кўпгина бундай идеал ота-оналар, ўқитувчилар ёки яхши кўрадиган китобидаги ва кинофильмидаги қаҳрамонлардир. Катта ёшдаги ўсмирларда идеал сифатида мажмуи бўлмиш умумлашган образлар идеаллар сифатида юзага чиқа бошлайди.

Ўсмирлар ўзларининг келажакдаги ҳаёт ва фаолитларини ўз орзуларида лойихалаштирадilar. Катта ишлар ва қаҳрамонона касб кишилари фан ва меҳнат кишилари ўсмирларимизнинг ақл-хушини ўраб олгандир. Бу мамлакатимиз ҳаётидаги кенг ва чуқур ижтимоий ҳодисалар билан ҳозирги вақтдаги ҳақиқий қаҳрамонона ишлар билан боғлиқдир. Сўнгги йилларда ўсмирларнинг қаҳрамонлик ҳақидаги орзу ва умидлари тобора кўпроқ ўз ҳаётини паслик фазони забот этишга, ракета техникасига, қувватнинг янги турларидан фойдаланишга, химия, физика, биология ва медицина соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш билан боғланмоқда. Ўсмирларимизнинг орзулари уларнинг мамлакатимиз ҳаётида, ижтимоий фойдали фаолиятда қатнашиши учун бўлган иштилишлардан дарак бермоқда. Ўзларининг келажак ҳаётларини, ўзларининг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўринларини улар бошқа совет кишиларининг ҳаётлари билан маҳкам боғланмоқдалар.

Еттинчи синф ўқувчиси К. Веранинг ёзган шеърида интернационализм, дўстлик, ҳаракат қилиш истаги, озодлик учун кураш олиб бораётган халқларга актив ёрдам бериш ҳиси учун кураш олиб бораётган халқларга актив ёрдам бериш ҳисси ёрқин намоён бўлган.

Меҳрибонлик бу, заиф ва иродаси бўш одамлар хусусиятидир, ҳақиқий (жассур) одам дангал, бепарво, саботли, кўполроқ ва кескин бўлиши керак.

Ўсмир ўғил болалар жасорат кўрсатишига, олифталikka мойил бўладилар. Бу нарса баъзан хатто жиддий равишда интизомни бузишга олиб келади. Улар: «Жассурлик» ёки дадиллик бу, хаётни хавф остида қолдириб ҳаракат қилиш, нима учун бўлишидан қатий назар, бари-бир, одамнинг энг хавфли ишга киришидан иборатдир. Бунда энг муҳими кўрмаслик. Хеч кимга кераги йўқ мардликдир, лекин ҳар ҳолда мардлик. Оқилона кўрқоқликдан ахлоқона мардлик яхшидир.

Мактаблардан бирида ўсмир болалар шундай бир машқни ўйлаб чиқаришди: тўртинчи қаватдаги балкондан учинчи қаватдаги балконга сакраб тушишарди. қўлда осилиб туриб, у ёки бу ёққа тебраниб, сўнг сакрашади. Нима сабабдан улар бу ишни қилганларини билиш учун директор бу болаларни ўз кабинетига чақирди. Даставвал болалар уришиб беришади деб индамай туришди, лекин бир оздан сўнг дадилланиб, бу қилган ишлари «жассурлик аттестати учун имтихон» эканини гапира бошлайдилар: Ким бу ишни қилган бўлса, у жассур, ким бу ишни қилмаган бўлса, у кўрқоқ. Жуда кўп ноҳуш минутларни бошдан кечирган директор болаларга бундай дейди: «Мана бундай десак, сизларга қандай туюларкин, кимки бу ишни қилган бўлса, у ахлоқ, агарда ким қилмаган бўлса, у ақлли». Болалар бунга шундай жавоб қайтаришди: «Нима ҳам дер эдик, мени кўрқоқ дегандан кўра, яхшиси ахлоқ деб ҳисоблаб қўя қолинг».

Ўсмирлик ёшида, яъни одам шахс сифатида таркиб топаётган бир пайтда ўзини катталардек ҳис қилиши, катталарнинг иродаларга қарши тура олишини англаш муҳимдир. Катта ёшли ўсмирлардан бири ўқитувчининг олдида кечирим сўрашни талаб қилаётган директор билан бўлган суҳбатда мағрур равишда бундай дейди: «Мен принципаал одамман, мен ҳаётимда ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг олдида кечирим сўраган одаммасман!». Буларнинг ҳаммаси ўзига хос ахлоқий дунёқарашдан иборатдир! Психологлар ўсмирларнинг характеристикалари билан танишганларидан сўнг (ўсмирларнинг мулоҳазалари юқорида келтирилган эди) шу нарса маълум бўлдики, ўсмирларнинг характеристикалари хатти-ҳаракатлари билан тўла мос келади, яъни уларнинг ахлоқий онги хатти-ҳаракатлари даражасига «ўсиб чиқиб», хатти-ҳаракатларни белгилайди. Сўнгги пайтларда Л.Н. Десев ўсмирларнинг ахлоқий тушунчалари мазмунини тадқиқот қилиб (А.Г. Ковалов раҳбарлиги остида), уларнинг ахлоқий категорияларини тушунишлари кўпинча юзаки, формал характерга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзини англаш эҳтиёжи ҳаёт эҳтиёжларидан ва амалий фаолиятларидан келиб чиқади. Ўзини англаш катталарнинг, коллективнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан белгиланади. Ижтимоий ҳаёт ва коллективга бўлган қизиқишнинг ривожланиши муносабати билан ўсмирларда ўз имкониятларига

баҳо бериш, коллективда ўз ўрнини аниқлаш, хатти-харакатлари ва ўз шахсининг қандай хусусиятлари унинг олдида қўйиладиган талабларга юксак даражада жавоб беришга ёрдам бериши ёки халақит беришини англаш эҳтиёжи пайдо бўлади. ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-харакатларини англашларидан бошланади. Дастлабки пайтларда ўсмирларнинг ўзини англаши асосида унинг ҳақида бошқа одамларнинг, катталарнинг (ўқитувчилар, ота-оналарнинг), коллективнинг ва ўртоқларининг мулоҳазалари ётади. Кичик ёшдаги ўсмир ўзига гўё атрофдаги одамларнинг кўзи билан қарайди. Ёш улғайиши билан ўз шахсини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш тенденцияси бошланади. Нихоят шахснинг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб синтетик сифатлар (бурч хисси, қадр-қиймат, ва виждон хисси, принципиаллик)англанади. Шахсни тобора кенгайиб борадиган сифатларини англашдаги бундай изчиллик маълум ва уни осонгина тушунтиб бериш мумкин.

Ўспиринлик ёшининг психологик хусусиятлари

Илк ўспиринлик даври «камолот бўсағаси» деб таърифланади. Бу камолот босқичи физиологик, психологик ва ижтимоий чегараларни ўз ичига олади. Психология фани ўспиринлик муаммосини комплекс ўрганишни даъват этади.

Бу жуда қийин масала, чунки психофизиологик тараққиёт суръати билан унинг босқичлари ижтимоий етилиш муддати билан билан ҳамма вақт ҳам тўғри келаверайди. Акселерация натижаси натижасида бугунги болаларимизнинг тараққиёти аввалги авлодларга нисбатан ўртача икки-уч йил аввал етилмоқда. Физиологлар бу жараёни 2-даражада жинсий белгиларнинг пайдо бўлишига қараб, 3-та босқичга ажратадилар:

I-босқич-препубертат;

II-босқич-пубертат;

III-босқич-постпубертат.

Ёш психологияси ўспиринликнинг ёшини I-II босқичлар билан боғлаб келар эди. Акселерация муносабати билан ўспиринлик ёшининг чегараси энди 15-16 дан 18 ёшгача бўлмоқда. Демак, конкрет мазмуни биринчи навбатда ижтимоий шароитлар билан белгиланади. Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг мавқеи, улар эгаллайдиган билимларнинг ҳажми ва бир қатор бошқа факторлар ижтимоий шароитларга боғлиқдир.

Илк ўспиринлик ёши болаларнинг 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади. Бу академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидир.

Илк ўспиринлик даврини иккинчи ўтиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Агар биринчи ўтиш давридаги кўпроқ баликка яқин бўлса, иккинчи ўтиш даврида бўлган ўспирин кўпроқ ёшлик даврига яқиндир ваз у жиҳатдан ўрганилади ҳамда тадқиқ этилади. Илк ўспиринлик даври, асосан, унда мустақил ҳаётнинг бошланиши билан (ўрта мактабни тамомлаб, лицей, коллежларга кириши) характерланади. Ҳаётдаги бу ўзгаришлар илк ўспиринлик шахсига, уни ўзини англашига таъсир кўрсатади. Ўсмирлардан фарқли ўлароқ илк ўспиринлар ката ҳаётни тасаввур этмайдилар, балки унда иштирок этадилар.

Ўспирин-бола билан ката одам ўртасидаги оралик мавқени эгаллайди. Боланинг жамиятда тутган ўрни катталарга боғлиқдир, катталар уларга ҳаёт фаолиятининг асосий мазмун ва йўналишини белгилаб берадилар. Боланинг бажарадиган роли катталар ролидан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Ҳаёт фаолияти мураккаблашган сари, ўспиринларда ижтимоий роллар кенглиги фақат миқдор томондагина кенгайиб қолмай, балки сифат томонидан ҳам ўзгариб боради. Масалан: 16 ёшда паспорт олади; 18 ёшдан фаол сайлаш ҳуқуқига ва оила қуриш имкониятига эга бўлади, ўспирин жиноий ишлар учун жавобгар бўлади. Баъзи ўспиринлар бу ёшдан бошлаб ишлай бошлайдилар. Касб танлаш ҳақида ўйлай бошлайдилар. Лекин, шунга қарамай ўспиринларга катталарга қарамлик хусусиятлари сақланиб қолади.

Ўспиринлар (16-18 ёшлар) ўзларининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёш давридаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан вояга етган, камолотга эришган, дунёқараши, ўз-ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топрган бўлади. Улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, ката ёшдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар. Улар узоқни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, она-оналарининг яқин ёрдамчисига айланадилар. Ўқув фаолияти ўспириннинг асосий фаолияти бўлиб қолаверади, ўқишга нисбатан ўсмирлик ёшига қараганда ўспиринликда бир мунча юқорироқ бўлади. Мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўз-ўзини англаши билан мотивлар бу даврда етакчи ўринни эгаллайди. Мотивлар тизимида жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилиш, инсонларга наф келтириш кеби ижтимоий мотивлар устунлик қилади.

Россия психологлари И.В.Страхов билан А.Л.Шнирман тадқиқотларининг кўрсатишича, ўспиринлик ёшидаги дўстлик ўсмирлик ёшидаги дўстликдан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Ўспиринларда дўстлик мотивлари анча чуқурроқ бўлади. Буларда-ошкоралик, ўзаро ишонч, талабчанлик, садоқат, биргаликда доимий ёрдам кўрсатиш, камчиликларни тугатиш, дўстига ёрдам бериш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳақозо.

2. Дўстлик ҳислари анча сермазмун бўлиб, кизиқишлар фаолиятининг кенга доирасини камраб олади.

3. Ўспиринлик ёшидаги дўстлик кўпинча бутун умр бўйи давом этади. Ўртоқлик муносабатлари жамоани жипслаштиришга ёрдам беради, унинг ҳаётий фаолиятини оширади. Ўспиринлар дўстлик, самимийлик эмоционал софдиллик каби хислатларини биринчи ўринга қўйишади. Дўстларга самимий меҳрибонлик шахсининг рефлексивлик даражаси ҳамда унинг эмоционал ҳаёт хусусиятларига боғлиқдир. Ўспирин ҳамма вақт ростгўй, самимий бўлишини истайди.

Ўспиринларни ҳали тўла ката деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг шахсий хусусиятларида ҳали болаликни кузатиш мумкин. Бу унинг фикрларида, бераётган баҳоларида, ҳаётга ва ўз келажаклари муносабатларида кўзга ташланади. Кўпчилик ўспиринлар мактабни тугатиш вақтига келиб ҳам касб танлашга нисбатан маъсулиятсиз ёндошадилар. Бу давр ўспириннинг ахлоқан ўз-ўзини англаши шунингдек, ахлоқнинг янги босқичига ўтиши билан характерланади. Интеллектни яхши ривожланган ўспиринлар катталарни ташвишга солаётган масала муаммоларини тушуна оладилар ва уларни муҳокама эта оладилар. Ўспиринлар жуда кўп муаммоли саволларга жавоб ўйлайдилар. Уларнинг диққатини кўпроқ ахлоқий масалалар тортади. Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ахлоқий масалаларни ечиш манбаи-бу улар учун ўқитувчилар бўлса, ўсмирлар бу саволларга жавобни кўпроқ тенгдошлари даврасида қидирадилар. Ўспирин ёшдагилар эса саволларга тўғри жавобни топишда кўпроқ ката кишилар фойдаланадиган манбаларга мурожаат этадилар. Бундай манбалар асосан реал, кўпқиррали, мураккаб инсоний муносабатлар ва илмий-оммабоп, бадиий публицистик адабиётлар, санъат асарлари, матбуот, радио, телевидение бўлиб ҳисобланади. Бугунги ўспиринларга ҳаётга нисбатан хушёр, ақлий-амалий эркинлик ва мустақиллик хос.

улар ҳаққоний бўлиш тушунчасига ҳам реал тарзда ёндошмоқдалар.

Ўспиринларда ахлоқий дунёқараш билан бир қаторда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳалар бўйича маълум бир қарашлар вужудга келади. Жуда кўп йиллардан бери ўспиринларни яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ноқонунийлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик масалалари ташвишлантириб келади. Ҳозирги давр ўспиринлари ҳар бир нарсага ишонувчан ёки салбий муносабатларга хос бўлмай, балки ҳаётга реал, ақлий, амалий қарайдиган кўпроқ эркин ва мустақил бўлишга интилувчи ёшларидир.

Ўспиринлар онгли равишда эгаллаган ахлоқ нормалари асосида ўз ҳатти-ҳаракатларини йўлга солишга интиладилар. Бу эса, аввало ўспириннинг ўзини

англашининг ўсишида намоён бўлади, ўзини англаш мураккаб психологик структура бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

-*биринчидан*, болада ыашқи оламдаги предмет таъсиридан пайдо бўлган сезгилари ўз танаси билан фарқ қила бошлаганда вужудга келади;

-*иккинчидан*, ўзининг шахсий «Мен»лигини актив фаолияти асосида англаши;

-*учинчидан*, ўзининг психик хусусияти ва хислатларини англаши;

-*тўртинчидан*, ижтимоий, ахлоқий ўз-ўзига баҳо беришнинг маълум системасини англаши мана шу элементларнинг барчаси бир-бири билан функционал ва генетик боғлангандир. Лекин, буларнинг ҳаммаси сизга маълумки, бир вақтнинг ўзида шаклланмайди. Боланинг «мен»лигини англаши тахминан 3 ёшда пайдо бўлади, бунда бола шахсий олмошни ишлата бошлайди. Масалан: мен, меники, мендан ва ҳақозо, ўзининг психик сифатларини англаш ва ўз-ўзига баҳо бериш ўспиринлик ёшида, борган сари кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди.

Ўспирин ўқувчининг ўсмирлик давридаги боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти-бу, мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз қадр-қимматини эъозлаши, сезиши ва фаҳмлашга кўпроқ мойиллигидир. Ўспирин ўқувчида ўзини англаши негизида ўзини тарбиялаш истаги туғилади. Натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини саралаш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиб кўриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўспирин руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга етган кишиларга хос кўпқиррали, умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Ўқувчилар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва меҳнат малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга, шахснинг муайян бир фазилатлари ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар; ўз-ўзини тарбиялаш муаммоларини яхлит маънавий-руҳий қиёфани шакллантиришга интиладилар.

Ўз-ўзини ҳурматлаш ва унинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Демак, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шахснинг эрта ўспиринликдаги энг муҳим хислатларинидан бири ўз-ўзини ҳурматлаш, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўспиринлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш масалаларида бир бутун маънавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеал ива намунанинг мавжудлиги ката аҳамиятга эга. Масалан: ўғил болалар кинофильмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар; қизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали

жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки мавқеини белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўспириннинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўспириннинг ота-онаси, ўз тенгюрлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашида инобат ҳал қила олади.

Таълим жараёнини бошқариш

Кўпгина психологлар таълим жараёнини таҳлил қилар эканлар, уни етарли даражада бошқариб бўлмайдиган жараён деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб бўлмайдиган стихияли равишда тартиб топадиган жараён деб аташ нотўғри, -бу ҳол аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясининг ўзига зид бўлар эди. Бироқ ўқитувчи таълимни ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, уни амалга оширади ва йўналтиради, деган факт таълим етарли даражада бошқариладиган ва тартибга солинадиган жараёндир деган маънони англатмайди, чунки биз бошқариладиган таълим деб, шундай, шундай таълимни айта оламизки, бунда ҳар бир боланинг ҳаракатидаги ҳар бир қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ҳар бир босқичида муайян билимларни ўзгартириши ёки муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилиши ҳақида узлуксиз ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштириш характериға қараб тақдим қилинади. Албатта, ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини ва ақлий ривожланишнинг бориши ҳар бир пайтда, ҳар бир ўқувчиға нисбатан ҳамма тафсилотни назорат қилмайди ва назорат қила олмайди. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан материал қандай ўзлаштирилаётгани ҳақида жуда умумий тасаввурғагина эга бўлади, ўқитишда эса у одатда ҳар кимнинг индивидуал имкониятларини эмас, балки ўртача ўқийдиган ўқувчи кўзда тутди. Мумкин бўлган йўллардан бири-ўзлаштириш жараёнини берилган топшириқни ўзлаштириш жараёни сифатида махсус ташкил этишдир. Бу жиҳатдан анча ишланган система П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларини этап бўйича таркиб топтириш назариясига асосланган таълим топтириш назариясига асосланган таълим системасидир. Бу назария Л.С.Виготскийнинг таклифлари асосида вужудға келган бўлиб, А.Н.Леонтьевнинг ақлий ҳаракатларини таркиб топтириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотларида ривожлантирилган мазкур назария одамнинг психик фаолиятини таркиб топтиришға оид умумий назариянинг таркибий қисмидир. Ана шу назарияға мувофиқ, одамнинг аногенетик ривожланишида ҳаракатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташқи ҳаракатларнинг секин-аста ички, ақлий ҳаракатларға айланиш жараёнлари рўй беради.

Таълим жараёнини бошқаришнинг бошқа имкониятларини қидириш программалаштирилган (режалаштириш) таълимнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш билан боғланган. Психологик нуқтаи-назардан қараганда, программалаштирилган таълим нима у одатдаги таълимдан нима билан фарқ қилади? Буни тушуниш учун ўқув жараёнини унинг қатнашчилари; таълим берадиган, билимларни етказадиган ўқувчи томонидан схематик тарзда тасаввур қилиб кўрмоқ керак. Ўқитувчи билан ўқувчи, маълумки ўқув жараёнининг икки қисмидир. Ўқитувчи тушунтиради, исботлайди, далил келтиради, чизади, расм солади, тажриба қилиб кўрсатади, ўқувчи кўради, тинглайди, тушунишга, ўзлаштиришга, эсда олиб қолишга ҳаракат қилади, фикр юритади, умумлаштиради. Бунинг маъноси шуки, «тўғри алоқа канали» орқали ахборот субъектидан объектга, ўқитувчидан ўқувчига етказилади. Ўқитувчи ўқувчининг қандай таълим олаётгани ҳақида ахборотга эга бўлмай туриб, кўр-кўрона таълим бера олмайди.

Программалаштирилган (режалаштириш) таълимда оддий, анъанавий таълимнинг барча ана шу салбий томонларига барҳам берилади, программалаштирилган таълим ўқув жараёнини домий назорат қилиб туриш ва бошқаришни таъминлайди.

Программалаштирилган таълимнинг моҳияти унинг машиналашган бўлишида (техника воситаларини қўллаш ҳолда) ҳам, шунингдек машиналашмаган бўлишида ҳам эмас.

Программалаштирилган таълим ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўрганаётган ўқувчи олдинги материални эгаллаб олмасдан туриб ўзлаштиришда навбатдаги қадамни қўя олмайди.

Бунинг учун ўқув материали қатъий мантиқий изчилликда жойлаштирилган кичик қисмларга бўлинади.

Программалаштирилган (режалаштириш) таълим билиш фаолиятининг ҳар бир қадамини ҳақиқатда назорат қилишни таъминлайди ва бу билан ўқув жаарёнини тўла-тўқис бошқариш имконини беради. +айтарма алоқа ҳамма вақт ҳаракатда бўлади ва ўзлаштиришнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда ўқув жараёнини тартибга солиб туриш имконини беради.

Программалаштирилган таълим ўқитувчини четлаштирмайди, унинг ўқув жараёнига ўтказадиган таъсирини пасайтирмайди, балки уни қора, техник ишлардан холос қилади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқув жараёнининг боришига активроқ таъсир кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади, тарбия жараёнига кўпроқ эътибор бера олади, кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади.

Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди.

Таълимдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, таълим жараёни бошқаришнинг;

-биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

-иккинчи вазифаси-бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларин қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларнинг кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади. Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг ана шу ижтимоий вазифасига жуда кам эътибор берилган.

Бошқарувнинг иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Таълим жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари лозим:

1. Берилган ўқув топшириғини ечиш учун воситалар танлаш.
2. Топшириқлани ечиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш
4. Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш.
5. Ўз олдига мақсад қўя олиш.
6. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатлари мувофиқлигини кўра олиш.

Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бири анъанавий ўқитиш усули-бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқлайди ва муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади.

Ривожлантирувчи таълим ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушунади.

Уни ечиш йўллари қидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккуининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.

2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак.

3. Ўрганилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айти шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.

4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.

5. Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимнинг аҳамиятини кўрсатиш. Ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди, шунинг учун ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шу хислатлар ўқувчининг келгусида ўз-ўзини назорат қилишга ўз-ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиш керак.

Таълимни индивидуаллаштириш устидан махсус тўхталиб ўтиш керак. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчи индивидуал (алоҳида) бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда таълим олади деган маънони билдирмайди (гарчи принцип жиҳатидан шундай таълим бўлиши мумкин бўлса ҳам). Хусусан, программалаштирилгандир. Ҳар бир ўқувчи ўргатувчи машина ёки программалаштирилган дарслик билан ишлайди. Ҳар ким индивидуал равишда таълим олади, бунда ҳар хил тезлик билан ва маълум маънода турли йўл билан ҳаракат қилади-ўқувчи олдинги материални ўзлаштирганлигини исботлаб бермагунча машина ёки дарсликлар уни олға қараб ҳаракат қилишига имкон бермайди.

Таълимни индивидуаллаштиришнинг маъноси шуки, у ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига таянади, ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қурилади. Шу нуқтаи-назардан синфдаги оддий таълим қандай рўй беришини қараб чиқамиз, Синф ривожланиши тайёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириш турлича ва ўқишга муносабати ҳар хил, қизиқишлари хилма-хил бўлган ўқувчилардан ташкил топган, ўқитувчи анъанавий ташкил этилган таълим шароитида ҳаммага бир хилда баровар кела олмайди. Шунинг учун у таълимни ўртача даражага-ўртача ривожланишига, ўртача тайёргарликка, ўртача ўзлаштиришга татбиқ қилган ҳолда олиб боришга мажбур бўлади.

Бу нарса муқаррар равишда шунга олиб келадики, «кучли ўқувчилар ўз ривожланишида сунъий равишда ишлаб турилади, ўқишга қизиқишлари қолмайди, ўқиш улардан кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилмайди, ўқиш улардан кўп сарфлашни талаб қилмайди, «кучсиз» ўқувчилар эса сурункасига орқада қолишга мубтало бўлганлар, улар ҳам ўқишга кўпроқ ақлий куч сарфлашни талаб қилади. «ўртача» даражага кирувчилар ҳам жуда ҳар хил бўладилар, қизиқиш ва майллари турлича, идрок, хотира, ҳаёл ва тафаккур хусусиятлари хилма-хил бўлади. Бир ўқувчи кўргазмали образлар ва тасаввурларга асосли равишда таянмоғи зарур, иккинчиси бунга камроқ эҳтиёж сезади, бири секин фикрлайди, иккинчисининг ақлий мўлжал нисбатан тезлиги билан ажралиб туради; бири тез эса олиб қолсада мустаҳкам эмас; иккинчиси секин эса олиб қолсада, кўп нарсани ёдида сақлайди; бирини уюшган ҳолда ишлашга ўрганган, бошқаси кайфиятига қараб асабийлашиб ва нотекис ишлайди; бири астойдил, иккинчиси мажбуран шуғулланади.

Академик А.Берг бу ҳолатни образли қилиб қуйидагича характерлаб берган. (Москвада ҳарорат-10дан +19 гача, ўртача йиллик ҳарорат + 5) лекин кийим бошни йиллик ўртача ҳароратдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳақиқий ҳарорат ҳисобга олинади. Аммо, таълимда ҳуди шундай ўрталаштиришга йўл қўйса бўлади ва ҳатто муқаррардир, деб ҳисобланади.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи ўқитишда ўқувчиларнинг реал типларига таяниш зарурлигига асосланади.

Бу принципти, биз кўриб ўрганишимиздек, программалаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Лекин одатдаги таълим шароитида ҳам бу принцип татбиқ этилиши мумкин ва лозим.

Ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари таълимнинг айрим методлари ва усуллари танлаш ҳамда қўлланиш вақтида, уйга берилган топшириқларни қисмларга бўлишда, синф ва ёзма ишларнинг вариантларини, (уларнинг қийинлик даражасига қараб) аниқлашда ҳисобга олинади.

Синф билан олиб бориладиган ишни айрим ўқувчи билан олиб бориладиган индивидуал иш билан бирга қўшиш мумкин. Бу орада психологлар ва педагоглар анча изланиш олиб бормоқдалар. Таълим методлари турлича бўлиши, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига қараб ўзгартирилиши керак. Лекин бу 40 ўқувчи бор бўлган синфда 40 хил индивидуал ёндошишни, таълим методикасининг 40 хил индивидуал вариантыни амалга ошириш зарур деган маънони англатмайди одатдаги мактаб таълими шароитида бундай ҳаддан ташқари индивидуаллаштириш мумкин ҳам эмас. Ўқувчиларнинг **фикрлаш** фаолиятининг асосий типларини фақат ҳисобга олиш кифоя қилади.

Ўқувчининг тафаккурининг индивидуал характеристикасини, унинг бирон-бир типга мансуб эканлигини қандай Аниқлаш керак?

Тегишли психологик ва педагогик адабиёт билан танишиб чиқилгач, бу ишни амалга ошириш унчалик мураккаб бўлмайди. Чунки, ҳар бир ўқитувчи одатда ўз ўқувчиларини, уларнинг индивидуал хусусиятларини, улар тафаккурининг кучли ва ожиз томонларини яхши билади. Наталия Александровна Менчинская билан Д. Н. Погорявленский тўғри кўрсатиб ўтишганидек, ўқитувчи муайян ўқувчи нимани ўзлаштирган ва нимани ўзлаштирмаганлигини билиш билангина чекланиб қолмалиги керак.

Ўқувчининг фикрлаш фаолиятидаги индивидуал хусусиятларни ҳам, шунингдек шахснинг айрим хусусиятларини; муносабатини (ўқишга, ўзининг ютуқ ва мағлубиятларини;

Тарбия психологияси

Тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахсий шаклланишининг қонуниятларини ўрганади. Тарбия ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Тарбия-бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Президентимиз И.А.Каримов «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, ўзининг кадр-кимматини англайдига, иродаси баққуват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз»-деб таъкидлаганларидек «Таълим тўғрисидаги +онун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бугунги кунда шахс тарбиясига жиддий эътиборни қаратмоқда.

Тасаввур қилинг: илми, катта ихтироларга қурби етадиган қонунларни яхши ўзлаштирган мутахассис-маънавийсиз, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлса нима бўлиши мумкин? У ўз манфаатини ўйлайди, ватан учун бирор нарса қурбон қила олмайди, чунки у худбин, унда меҳр-оқибат, фидоийлик, ватанпарварлик, миллий ғурур йўқ, у муҳтожларга ёрдам бермайди, чунки унда тарбия шаклланмаган.

Тарбия жуда мураккаб жараёндир. Одамзод фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, боқиб, таълим бериб вояга етказиш учун қилинадиган ғамхўрлик тарбия дейилади. Одамга касб-ҳунар ўргатиш ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбиядир.

Тарбия-шахс оқимини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир.

Таълим билан тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таълим-тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, мақсад ва вазифаларга у орқали эришилади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан-техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, радио ва телеведения, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тарбияга кучли таъсир кўрсатади.

Болага аввал таълим бериш керакми ёки тарбия бериш керакми деган саволлар юради, эл орасида тарбия иши фарзанд дунёга келиши биланок дарҳол шафқат туйғусини уйғотади, дейдилар.

Психологлар тарбиявий иш методларининг технологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланадилар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар коллективининг хусусиятларини, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян аниқ шароитларни ҳисобга олиш зарур.

Тарбия методи деб тарбиячи, мураббийнинг тарбияланувчиларида онглилик, иймон, эътиқод ва инсоний ҳуқ-атвор қоида нормаларини шакллантириш мақсадида уларга педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш усулига айтилади.

Шахснинг ижобий йўналиши таркиб топтириш учун мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини исташи ҳамда тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишини билиши, ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриши ва ўзи ҳам тўғри ҳуқ-атворли бўлишини машқ қилиши зарур.

Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилиши талаб этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун қуйидагиларга амал қилиш керак, эътибор бериш керак.

Ишонтириш тарбия методи сифатида: Ўқувчилар ахлоқини, дунёқарашини шакллантиришда ишонтириш асосий методлардан бири ҳисобланади. Ишонтириш асосий методлардан бири ҳисобланади. Ишонтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда ҳар томонлама комплекс тарбияни амалга оширади. Ўқитувчи томонидан, Президентимизнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати-иқтисодий ривожланишининг Республикамизга хос тамойиллари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари тушунтирилганида ўқувчилар, талабалар келажакда республикамиз ҳаётига ўзларининг шахсий

иштирокчилигини чуқур сезадиладар ва шунга яраша билим, кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

Ижобий шахсий намуна тарбия методи сифатида. Шахснинг ривожланишида турли таъсирлар, ўқув жараёни ва бошқа воситалардан ташқари тарбиянинг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга. Болалар балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар кўпчилик шароитларда билиш, ўрганиш жараёнида асосан ўқувчига ота-она, кўни-қўшнига, дoston, драма қаҳрамонларига тақлид қилишади.

Машқ тарбия методи сифатида-яхши, ижобий одатларга ўргатишда ахлоқий кўникмаларни ҳосил қилишда машқ методининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчи маълум бир фаолият бўйича бирон-бир вазиятда айрим ҳаракатларни такроран бажаради. Машқ ҳаракатларини такрорлаш бўлиб, ахлоқий кўникма, малака ва одат ҳосил қилиш мақсадида ўқувчиларнинг махсус уюштирган фаолиятида

Рағбатлантириш ва жазолаш тарбия методи сифатида. Интизомлиликини шакллантиришнинг классик методларидан бири рағбатлантириш ва жазолаш методи ҳисобланади.

Тарбиядаги рағбатлантиш ва жазолаш методи ўқувчилардаги ижобий хислатларини ривожлантиришдаги уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим. Рағбатлантиришнинг ёзма, оғзаки ёки имо-ишоравий шакллари қўлланилади. Имо-ишоралар билан бошни қимирлатиб, табассум ва юз-қўл ҳаракатлари билан маъқуллаш, «баракалла», «кўп яша», «рахмат», ва ҳакозолар. Рағбатлантиришнинг яъна бир тури мукофотлашдилар.

Тарбия жараёнида **жазолаш** ҳам катта аҳамиятга эга. Мактабда жазо чоралари ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг оғзаки танбеҳи, синф ўқувчиларининг ўртасида огоҳлантириш, уй вазифасини бажартириш учун дарсдан кейин олиб қолиш чоралари кўрилади.

Тарбиячининг, ўқитувчининг **шахсий-намунаси** ўқувчилар шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўқувчининг ҳуқуқ-атворини бошқариш ва тузатишнинг ҳақиқий воситасидир. Маъқуллаш, рағбатлантириш ҳатти-ҳаракатларнинг тўғри мотивлари ва формаларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. +оралаш, жазолаш ҳатти-ҳаракатлардаги салбий қўзғалишларни ҳамда нотўғри формаларни тормозлаб туриш воситасидир.

Ақлий тарбия. Мустақиллик ўқувчи шахсининг ҳар томонлама тараққий этиши учун зарур бўлган барча имкониятларни вужудга келтиради.

Ўқувчиларни мустақил Республикамиз, Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш иши дастлаб фан асослари билан қуроллантириш йўли билан бориши лозим.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия дунёни билишга санъат асарларини ўрганиш орқали олиб борилади. Санъат асарларида кишилик жамиятининг ғоявий катта тажрибаси акс эттирилган. Шунинг учун энг яхши санъат асарларидан фойдаланиб, болаларни, образлар орқали, фикрларш йўли билан воқеликни тушунига ўргатиш, уларнинг эмоциясга таъсир қилиш, истиқлол ғояси, мафқурасини амалга ошириш учун бўлаётган актив курашга уларни рағбатлантириш зарур. Эстетик тарбия болаларни санъатнинг бирор тармоғидаги турли ижодий ишларни бошқаришга жалб этиб, уларнинг ҳис-туйғуларини бойитиб, ҳаёлини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Эстетик тарбия болаларда табиатдаги гўзалликлардан лаззат ола билиш ҳамда меҳнатни ва кундалик маиший турмушни, шу жумладан бўш вақтни янада гўзалроқ ўтказиш қобилиятини ўстиришга қаратилган.

Меҳнат тарбия. Меҳнат кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Меҳнат ва меҳнат фаолияти бўлмаганда, одамнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлур эди, меҳнат тарбияси вазифасига кишини ўз-ўзига хизмат қилишнинг биринчи кўникмалари болаликдан бошланади. Юқорида қайд этилган инсон тарбиясининг таркибий қисмлари дарсда, дарсдан ташқари тадбирларни амалга ошириш орқали бажарилади.

Жинсий тарбия. Умуминсоний тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири жинсий тарбия ҳисобланади. Ўсмирлик даври инсонни болаликдан-ёшликка ва бошқа даврларда ўзининг кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқ қилади. Бу давр психологик-педагогик адабиётларда «ўқитиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби иборалар билан аталади. Бу даврларда ўсмирларга назоратни кучайтириш керак. Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар томонидан турли-туман чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жинсий тарбия берилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб тарбиянинг янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларини ижтимоий-қимматга эга бўлган шахс ҳислатларини таркиб топтириш соҳасида ҳулқ-атвордаги камчиликларга салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир тизимдир.

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда тўртта вазифани кўзда тутиши керак.

Биринчидан, ўқувчида ўзида шахснинг ижобий хислатларини тараққий этиришга ва ўз ҳуқ-атворидаги ёмон томонлардан холос бўлишга интилиш истагини уйғотишдир.

Иккинчидан, ўқувчига ўз шасхига танқидий муносабатда бўлишда ўз ҳуқ-атворидаги хусусиятларини диққат билан одилонга тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фаҳмлаб ёрдамлашишдан иборат.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда, шахс ҳуқ-атвори хислатининг хусусиятларини (ўзини тута билиш; қатъийлик, мардлик ва ҳаказо)

Тўртинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

«**Тарбияси қийин**» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Виготский фикрича, «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характерининг натижасидир.

Булар аввало қайсар, инжиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усуллари билан биридир.

Уларнинг маълум бир қисми интизомсиз, кўпол болалардир. Уларнинг активлигини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, уларга баъзи ҳуқуқларни бериш йўли билан уларга таъсир ўтказиш мумкин. Психологияда «**тарбияси қийин**» болаларнинг бир қанча классификациялари мавжуд.

Биринчи гуруҳ–ижтимоий салбий мустаҳкам қарашлари эга болалар;

Иккинчи гуруҳ–қонунбузарларга тақлид қилувчилар.

Учинчи гуруҳ–ижобий ва салбий ҳуқ-атвор стереотиплари ўртасида иккиланувчи, ўз хатоларини тушунувчи болалардир.

Тўртинчи гуруҳ–иродали болаларга бўйсунувчилар

Бешинчи гуруҳ–қонунбузарлик йўлига тасодифан кириб қолганлар.

Шуни айтиш лозимки, тарбияси оғир болалар учун улар яшаётган муҳит, оила, улар ўқиётган жамоа синфнинг роли жуда каттадир.

«**Тарбияси қийин**» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Виготский фикрига «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характерининг натижасидир.

Булар аввало қайсар, интиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усуллари билан биридир.

Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари.

Конфуций; «Эскини ўзлаштириш ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок

бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунарга ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, маърифат ҳалқимиз, миллатимиз қонидадир. Анаъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малака эмас, айти пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашилиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини орттиришда диннинг, хусусан «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, ҳамдардлик, севги-муҳаббат сингари миллий хусусиятларини таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортмоқда.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик ва истиқлол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида ҳалқ аъаналари ётади.

Ўзбек ҳалқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ёмамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир».

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, ҳалқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихоҳлик, одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулоимлик;
- д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик

- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) ахлоқ-одобилик;
- и) оилапарварлик;
- к) аёлларга ҳурмат
- л) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни музофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёни барча иштирокчиларининг баҳамжихатлик билан олиб борадиган ишларигина ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш вазифалари ана шуни тақозо қилади.

Ўқитувчи психологияси

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади. Мамалакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдида қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи-синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик

билимлар тарғиботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдига қўядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият-киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат:

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан ибратдир;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

-олижаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

-ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари қуйидагилардир:

-шахсни маънавий ва маърифий томонидан табиёлашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

-кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

-ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур бибилимларга эга бўлиши;

-ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйча жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

-таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

-болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

-педагогик техника (мантик, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

-ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишига интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим. Психологлар томонидан олиб борилган

тадқиқотларнинг кўрсатишича халқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукаммал ўзлаштирилишини талаб қилсалар мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб жамоаси билан қандай мулоқотда эътибор бермайдилар, мактаб директори эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

Ўқитувчининг касбига хос хислатлари

Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажи ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш маҳоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил хислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш хислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи хислатлари ва ҳулқ-атвориға қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ хислатларига қараб характерлаб берадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормоқда.

Ўқитувчилар жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Шуниси муҳимки, замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни батафсил кўриб чиқиш керак. Бу қандай хислатлар экан?

Кўпчилик психологлар шу билан бирга Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Россия психологларидан Н.В.Кузьмина, В.Сластенин, Ф.Н.Гоноболин, Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов, М.Қопланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар ўқитувчилик касбининг профессиограммасини яратилишига асос бўлган. Профессиограмма психологик нуқтаи-назардан

ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси (аниқ бирорта касб-бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши керак) устида боради.

Ўқитувчи профессионалларнинг муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Психологик тадқиқот ишларини олиб борган М.Абдуллажонова, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Ҳамроқулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти, математика, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессионалларнинг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини бери.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессионаллар тузилади. Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессионалларини мисол қилиб келтирамиз. Профессионалда муҳим хислатларидан борган сари бирмунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги хислатлари кўрсатиб бериши лозим.

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши кўриши, уларни севиш;
- амалий-психологик ақл-фаросатлилиқ;
- меҳнатсеварлиқ;
- жамоат ишларида фаоллиқ;
- меҳрибонлиқ;
- камтарлиқ;
- одамийлиқ, дилкашлиқ;
- уддабуронлиқ, мустаҳкам характерга эга бўлиш;
- ўз билимини оширишга интилиш.

2. Касбий хос билими:

-таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;

-психология асослари, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши;

-этнопсихологик билимларн эгаллаш;

-ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиши;

-ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;

-мактаб ёшида болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши;

-ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;

-ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;

-ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

3.Ўз касбига хос хислатлари

-миллий қайта қуриш мафкураси билан мустақил давлат мафкурасини тушуниши;

-замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниши;

-ўқитувчининг кузатувчанлиги;

-ўз диққат-этиборини тақсимлай олиши;

-педагогик фантазия (хаёл) нинг ривожланиши;

-ўзига танқидий муносабатда бўлиши;

-ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши;

-педагогик такт;

-нутқнинг эмоционал ифодаланиши.

4. Шахсий-педагогик удабуронлиги:

-дарс машғулоти учун зарур материалларни танлай билиши;

-ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;

-таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истикболли равишда режалаштира олиши;

-педагогик вазифаларни шакллантириш ва табиявий ишларни режалаштиришни билиши:

-болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;

-ўқув мақсадларини режалаштира олиши;

-ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

5. Ташкилотчилик малакалари:

-болалар жамоасини уюштира билиши;

-турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;

- болаларни бирор нарсага кизиштириб, уларни фаоллаштира олиши;
- амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллаш олиши.

7. Коммуникатив малакалари:

- болаларни ўзига жалб этишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;
- болаларнинг жамоалараро ва жамоа ичида ўзаро муносабатларни тартибга солишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

8. Гностик малакалар

- болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;
- салбий муносабатларини, ҳулқ-атворидаги ўзгаришларни кузатиш;
- ўзининг тажрибаси ва педагогик натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
- психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
- ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг ҳулқ-атвор сабабларини тушунтиришни билиши.

9. Ижодий хислатлари:

- педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиши;
- ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;
- ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
- аввалги воқеалар, ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиш қобилияти;
- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тариқасида қуйидагилар келтирилади;

- шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;
- педагогик маҳорат ва қобилияти;
- характерининг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;

-ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Педагогик қобилиятлар

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

Педагогик қобилият - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? Қуйидаги бу масалани кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар, мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Дидактик қобилиятлар - бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ ва тушунарли қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг қўлида мазза қилиб ўқигин келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материални олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирмаймиз»-дейдилар.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса ҳафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материали оддийгина ва ҳеч қандай алоҳида тушунтириш ҳамда изох беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи ҳолда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам ўқув материални ўзига қараб танлайдилар.

2. Академик қобилиятлар - математика, физика, биология, она-тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат ҳажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материални мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

3. Перцептив қобилиятлар - бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

4. Нутқ қобилияти - кишининг ўз ҳис туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими-нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади.

Дарсда қобилиятли ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадими, ўқувчилар жавобини шарҳлаб берадими ҳуллас, нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончилиги жозибадорлиги, каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга ҳалақит бериб болаларни тез толиқтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикишга олиб келади.

Нутқи, имо-ишоралар турли кескин ҳаракатлар ўқувчиларни жонлантиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти - бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириб билиш, бунда жамоани жипслаштириб олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик-ишини вақт бўйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади.

6. Авторитар қобилияти - бу ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятидир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий уддабурронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдириб олганлигига ишончи каби хислатларга ҳам боғлиқдир.

7. Коммуникатив қобилият - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

1.2. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш жараёни

Дарс жараёнида ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали механизмларини излаб топиш ва қўллаш, ўқув-билув жараёнини модуллашган интеграл дастурлар, таълимнинг модуллашган шакллари асосида ташкил этишга эришиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштиришнинг турли йўл ва вариантларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчи фаолиятида ҳам самарадорликка эришиш имконини беради. Агар, ўқувчи фаолиятида тўхташ ҳоллари аниқланса, уни тузатиш йўллари излаш мақсадга мувофиқдир. Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабатдаги сифатларига нисбатан конструктив таъсир этиш орқали таълим мазмунини модуллашган шакллари амалиётга тадбиқ этиш истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун-қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринганлар. Лекин биз учун ижтимоий

тараққиёт ва инсон тафаккури рифожланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар рухига ҳамоҳанг тарзда кечишини таъминлаб берувчи тадбикий хусусиятли ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойиқ долзарб муаммолардан бири-ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жихатдан тайёрлашдир.

Бу вазифани адо этишда психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, тадбикий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологик амалиёт доирасида ушбу вазифани амалга ошириш йулларини топиш учун ҳозирги замон психологиясининг асосий тадбикий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг тадбикий соҳалар доирасини ҳам кенгайтиради. Унинг асосий-тадбикий амалий соҳаларга: саноат-социал психологияси, бошқарув психологияси, оилада ва никоҳ борасидаги социал-психологик ишлар, сиёсат ва иқтисодиётни такомиллаштириш муаммолари, қонунбузарликни олдини олиш эҳтиёжи ҳамда оммавий ахборот воситалари борасидаги амалий вазифалар киради.

Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабатдаги сифатларига нисбатан конструктив таъсир этишга хос умумий хусусиятлар мавжуд, уларга:

а) ўқувчи сифатларига нисбатан конструктив таъсир этишнинг бевосита талаб эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

б) шу йўналишда қилинган тадбикий ишларнинг «тили» муаммосининг борлиги, яъни, профессионал тил (жаргон) билан тадқиқот натижаларини баён этишдаги уйғунлик масаласи;

в) амалий эҳтиёжларга монанд илмий фаразларни ишлаб чиқиш;

г) самарадорлик мезонларининг ўзига хослиги, яъни бажарилган ишга қараб самарадорликни баҳолаш;

д) «ўқитувчи-амалиётчи» билан «ўқувчи-назариётчи» ролларининг аниқ фарқланиши муаммолари киради.

е) салбий муносабатдаги боладаги хусусиятларни ўрганиб чиқиб, уларга нисбатан муносабат билдириш;

ж) ўқитувчи-амалиётчи ва ўқувчи-назариётчи ўртасидаги муомалани психологик хусусиятларини ташкиллаштириш;

з) ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини ошириш ва қобилиятларига қараб психологик таъсир этиш;

и) дарсда бевосита таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш.

Юртимизда маънавий соҳасидаги ислохотлар ва амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқининг маданияти, Ватанининг ўтмиши ва бугуни, миллий кадриятларга тўғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу-зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатлардир. Акс ҳолда олам сиру-асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларни аввал ўз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йўналтира олмаса, унинг жамият тараққиётига алоқасини тасаввур қилолмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз, худбин шахс сифатида баҳоланади.

Шунинг учун ҳам яқин келажакда мактабларда ўқувчилар учун психологлар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Дарсга салбий муносабатдаги болалар ўртасидаги вертикал муносабатларни ўрганиш (ўқитувчига бўлган муносабатлари, дарсдан қониқишлари)

2. Дарсга салбий муносабатдаги болалар ўртасидаги горизонтал муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги шахслараро муносабатларининг ўзига хослиги ва уларнинг типлари, зиддиятлар уларнинг олдини олиш чоралари.

3. Ўқишга ва меҳнатга муносабат, ундан ўқувчилар дарсдан қанчалик қониқишлари ва унинг самарадорлик таъсири, дарсда фаолият мотивлари амалга оширилаётган фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий фойдали жihatларини қай даражада тасаввур қилиши ва х.к.

Психологнинг юқоридаги масалаларини ўрганиши учун табиий методик воситалар зарур. Амалиётчи психолог оддий кишидан шу томонлари билан фарқ қиладики, у ҳар бир яққол шароитда ўзига керакли мақбул услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўради, агарда улар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштиради. Олинган натижаларга асосланиб у дарсга салбий таъсир этувчилар учун рухий муҳитни «яхши, ёмон, ўртача, қарама-қарши» тоифаларга бўлади ва уларнинг ҳар биридан ўзига ҳос илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Мактабларда ташкил этиладиган психологик хизматнинг ижтимоий психологик йўналиши аввало турли тоифадаги ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий зиддиятларни бартараф этишга ўргатиш, шахслараро муносабатларнинг демократик соғлом шаклларига ўтиш, маҳорат сирларини ўзлаштириш ва улардан кундалик фаолиятда оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришдир. Бунда шубҳасиз психолог томонидан ташкил этиладиган турли тренинг машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.

1.3. Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар


Онгий нотўғри тўсиқлар

1. Тафаккур
2. Хато ўйлаш
3. Бир-бирига нотўғри муносабат
4. Қизиқиш йўқлиги
5. Хақиқатни менсимаслик

Ҳис-туйғулар ва эмоция

1. Қўрқув туйғуси
2. Изтироб туйғуси
3. Ёмон кайфият
4. Нафрат, жирканиш
5. Муносабатни заруратини тўлиқ анламаслик
6. Нутқ

Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар бола руҳиятига ва ўзаро муносабатларига таъсир этиши қайд этилган. (1-расм)



1-расм

Шахснинг мулоқот давридаги тўсиқлар



Онгий нотўғри тўсиқлар



Дарсда салбий ҳолатлар юз бермаслиги учун ўқувчиларни педагогик-психологик муносабатларини чуқур ўрганиш, улардаги бир-бирига бўлган муомала ва маданиятни тўғри ташкил этиш зарур.

Муносабатларнинг ёмонлашуви дарсда бошқа ўқувчиларга салбий таъсир этади. Натижада бу ҳолатлар дарснинг бориши, машғулотларнинг ўтилиши ва таъсири бошқа болалар учун қизиқиш уйғотмайди. Бу ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳамма ўқувчилар учун бир хиллик бўлиш яъни, барча болаларга нисбатан бир хил муомала ва эътибор қилиш муҳим. Чунки баъзида болалар ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муомала ва муносабатларга кўпроқ эътибор қаратадилар. Менга бошқача муомала ва муносабатда, бошқа болаларга яхши муносабатда, чунки у яхши ўқийди, оилавий шароити яхши- деган мазмундаги гап-сўзлар бола миёсига ўтириб қолади. Унинг психикасига яъни руҳиятига ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи оқ-қорани таниган ҳолда, болаларни жерикмасдан, пала-партиш, кийимлари кирроқ болалардан жирканмасдан, уларни озодадикка ва одобга чақиришлари зарур.

Пед-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқларни бартараф этишда, шахснинг мулоқот давридаги тўсиқлар ва онгий нотўғри тўсиқлар пайдо бўлмаслигини таъминлашлари керак. Бунинг учун юқорида кўрсатилган барча бандларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, бола руҳиятини қийнамаган ҳолда, уларни бу вазиятдан олиб чиқишга ёрдам беришлари чуқур аҳамият касб этади. Синфда болалар 3 гуруҳга бўлинади

2-расм



Дарс интизомига салбий таъсир этувчи ўқувчилар онгий нотўғри ривожланиб, улардаги эмоционал ҳолатлар муносабатларнинг заруратини тўлиқ англамайди. Дарсда тинч ўтиролмайди, ўқитувчининг ва ўртоқларининг асабига тега бошлайди. Натижада дарс бузилади, ўқитувчининг кўпроқ вақти болаларни тинчлантиришга кетади. Бу ҳолат бошқа болалар асабига тегиб, дарсдан тўлиқ қониқа олмайдилар. (2-расм)

Актив ўқувчини яхши ўқийдиган, интизомли деб, ижобий баҳоладик; - пассив ўқувчини аралаш турига киритдик; суст яъни паст ўқийдиган, ҳулқи ҳам яхши эмас ўқувчилар тойифасига киритиб салбий баҳоладик.

Тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқувчилар томонилан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи ёндашув ҳисобланади. Таълим технологияси таълим жараёнининг моҳияти, унинг босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кечадиган таълимий муносабатларнинг мазмунини англантишга ҳизмат қилади.

Баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ҳамда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши демакдир.

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараёни технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндашиш зарурлигини таъказо этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида маълумки, узоқ йиллар давомида мазкур муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан тарбиявий ишлар режасида белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман қабалида ёндашиб келганлар.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараёни лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Унда тарбиявий тадбир мавзусига доир материаллар йиғилади, тарбиявий тадбир мақсади ва вазифалари белгиланади, унинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари танланади. Тарбиявий тадбирни ташкил этишда унинг вақтибелгиланади ва сценарийси ишлаб чиқилади. Ўқувчилар фаолияти ва фаоллиги назорат қилинади. Якуний қисмида хулоса чиқарилади.

Бу жараёнда тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув моғияти ўқувчилар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратиш ҳам таъказо этади.

Ўқувчиларда тарбиявий тадбирларни ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги таъминланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида юқорида баён этилган омилларни инобатга олиш ва шу асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш уларнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлаб қолмай, балки ўқувчиларда уларнинг ўтказилишига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради, маънавий-ахлоқий сифатларнинг тарбияланиши учун қулай шароитни ҳосил қилади.

Дарсга салбий таъсир этувчи ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини тажриба-синовдан ўтказиш

Усулларни ўзлаштиришда ўқувчиларга берилган ёрдамчи саволлар миқдори

Гурухлар	Биринчи топшириқ			Иккинчи топшириқ		
	M	m	G	M	m	G
I	8,6	0,50	2,24	6,50	0,44	1,97
II	10,7	0,65	2,91	7,75	0,30	1,37
III	13,7	0,98	4,41	10,60	0,52	2,34
				0		

Биринчи ва иккинчи топшириқ ечимида экспериментатор томонидан берилган ёрдамчи саволларнинг ўртача қиймати: 8,6 (6,50), 10,7 (7,75), 13,7 (10,60); квадрат хато: 0,50 (0,44), 0,65 (0,30), 0,98 (0,52); квадрат оғиш: 2,24 (1,97), 2,91 (1,37), 4,41 (2,34) шундай миқдорий кўринишни мужассамлаштирди. Миқдорий кўринишга қараганда, ҳар жихатдан I,II,III умумлаштириш усуллариининг мураккаблиги бир топшириқдан иккинчисига ўтиш даврида ҳам сақланиб қолиши кутилади.

Учала тажриба гуруҳларининг кучли ва кучсиз ўқувчилари учала ақлий фаолият усуллариини ўзлаштиришдаги тафовутлари 2.2.2 – жадвалда акс эттирилган.

2.2.2 –жадвал

Усулларни ўзлаштиришда кучли ва кучсиз ўқувчиларга экспериментаторнинг кўрсатган ёрдами миқдори

Усуллар	Гуруҳлар	Тўғри қонуният			Тесқари қонуният		
		M	m	G	M	m	G
1	Кучли кучсиз	7,	0,	1,	4,	0,	0,
		1	53	30	83	84	45
2	Кучли Кучсиз	10	0,	2,	8,	0,	1,
		,5	84	24	40	46	22
2	Кучли Кучсиз	8,	0,	1,	6,	0,	1,
		1	66	63	60	53	31

		13 ,8	0, 87	2, 31	8, 10	0, 82	2, 19
3	Кучли кучсиз	11 ,1 17 ,0	0, 72 0, 68	1, 78 1, 80	8, 50 13 ,10	0, 51 0, 54	1, 26 1, 44

Жадвалдан кўриниб турибдики, кучли ва кучсиз ўқувчилар томонидан материални ўзлаштиришда ҳар хил даражадаги ёрдам экспериментатор томонидан амалга оширилган. ҳар қайси усулни ўзлаштиришда ёки тўғри ва тескари қонуниятни очишда кучлилар билан кучсиз ўқувчилар орасидаги фарқ ўртача арифметик қиймат, квадрат хато, квадрат оғиш бўйича яққол кўзга ташланиб турибди. Кучсизлар кўпроқ ёрдамга муҳтожлик сезган бўлсалар, кучлилар нисбатан мустақилроқ ҳаракат қилишга эришганлар. Кучли ва кучсиз ўзлаштирувчи ўқувчилар орасида усулларни эгаллашдаги фарқ мавжуд бўлса-да, лекин у ўзлаштиришнинг педагогик-психологик қонуниятига бевосита мос тушганлигини такрорлади.

3-боб «Алий ривожланишнинг мезонлари ва уларнинг хусусиятлари» деб номланиб, унинг асосий мақсади: а) табиатшунослик қонуниятини ўзлаштиришда ўқувчилар томонидан эгалланган ақлий фаолият усуллари нazorat топшириқларига кўчириш; б) усулга ақлий фаолият кўчишининг объектив муҳим қонуниятларни очишга имконият яратиш; в) «бирданига» (инсайт) ёки аста-секин йўл билан топшириқни ечиш усуллари нинг қайси бирига мувофиқлиги; г) кўчиш жараёнида ўқувчилар ўртасидаги индивидуал фарқларнинг роли; д) ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг хусусияти; е) усулларни эгаллашда ва билишга оид қизиқишларининг, англанган ўқув жараёни мотивларининг ортиши каби ақлий ривожланиш (тараққиёт) масалаларини аниқлашдан иборатдир. Назорат тажрибаларида 80 нафар синалувчи билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Улар тўрт гуруҳга ажратилиб, тўртта назорат топшириғи берилди. Биринчи топшириқ биологик қонуният тўғрисида бўлиб, мана бундай таърифга эгадир: «Ўсимликларнинг илдиз тизими мазкур жойнинг иқлими ва тупроқ хусусиятлари билан белгиланади». Иккинчи топшириқ: «Тоғ тизмалари бўйлаб кўтарилиши натижасида ёғингарчилик миқдори камаяди, босим пасаяди, иқлимнинг ўзгариши ўсимликлар дунёсининг ўзгаришига олиб келади». Учинчи топшириқ «Ҳайвонлар рангининг ўзгариб туриши уларни душманлардан муҳофаза қилиш учун хизмат қилади. Чунки улар ўзларини қуршаб турган муҳитга мослашадилар». Тўртинчи топшириқ: «Учбурчаклар ички бурчакларининг йиғиндиси $2d$ га тенг. Ҳар қандай кўп бурчак кичик бурчакларининг йиғиндиси $2d(n-2)$ га тенглигини исботлаш керак, бунда n -кўпбурчак бурчаклари сони».

Назарий мулоҳазалар, фикрлар талқини миқдорий кўрсаткичлар Билан тасдиқланмаса, у ҳолда уларнинг илмийлик даражаси (қиймати) ишончлилиги, кафолатланганлиги пасайиб кетиши шак-шубҳасиз. Тадқиқотнинг илмийлик даражасини кўтариш мақсадида миқдорий натижаларнинг умумлашмасини келтириш ўринли. Тартибга келтирилган миқдорлар 3.3.1 – жадвалда ўз ифодасини топган.

3.3.1 – жадвал

Тажриба гуруҳларида ҳар бир назорат топшириқдан ажратилган шароитлар миқдорини қиёслаш

Гуруҳлар	Биринчи топшириқ			Иккинчи топшириқ			Учинчи топшириқ		
	M	m	G	M	m	G	M	m	G
I	3,0	0	0	2,2	0,12	0,64	2,4	0,11	0,50
II	2,7	0,10	0,48	2,5	0,15	0,68	2,7	0,11	0,50
III	2,8	0,21	0,47	2,6	0,11	0,50	2,6	0,09	0,49

Жадвалдан кўришиб турибдики, биринчи топшириқ ечими I гуруҳ учун 1-усулни тақозо этган, худди шу боис мазкур синалувчилар бошқа гуруҳларга қараганда юқори кўрсаткичга эришган. Чунончи ўртача арифметик қиймат 3,0 бирликни ташкил қилади, ўртача арифметик хато нолга, ўртача квадрат оғиш ҳам нолга тенгдир. Бу кўрсаткичлар (ўртача қиймат, квадрат хато, ўртача оғиш) бўйича II ва III гуруҳ ўқувчилари I гуруҳдан фаркланадилар (2,7; 2,8; 0,10; 0,21; 0,48; 0,47). II ва III гуруҳларда 2-усул ҳамда 3 – усулдан фойдаланишга тўғри келганлиги туфайли кўрсаткичлар пасайиб кетиши кузатилди. Иккинчи топшириқ I ва III гуруҳларда 2-усулни, II гуруҳдан 3-усулни қўллашни тақозо этиши туфайли маълумотлар бошқачароқ кўринишга эга.

Учинчи топшириқ ўзлаштирилган усуллардан бошқа янгисини талаб қилганлиги сабабли гуруҳлараро яқинликни вужудга келтирган, чунончи: 2,4; 2,7; 2,6; 0,11; 0,09; 0,50; 0,50; 0,49. Гуруҳларда шакллантирилган усуллар мураккаб, мураккаб изланишни тақозо этса, назорат топшириқларини ечишда юқори кўрсаткичлар сари етаклайди. Ўзлаштириш даражасига биноан муносабат кўрсаткичи қиймати камайиб бораётганлигини намоён этди, бу эса ўқувчилар ўртасидаги фарқлар камайганлигини англатади.

3.3.2 – жадвал

Тажриба гуруҳларини қиёслаш

Гуруҳ	Ўрта арифметик қиймат (M)	Ўрта хато (m)	Квадрат оғиш (G)
I	2,2	0,12	0,64
II	2,5	0,15	0,68
III	2,6	0,11	0,50

Ушбу омиллар билан психологик воқелик изоҳланиши мумкин:

1) I гуруҳнинг пастроқ кўрсаткичи, қўллаган усул мураккаблиги туфайли юзага келган;

2) II гуруҳнинг пасайишига сабаб – бу қўлланилган усулнинг олдингисидан мураккаброқ эканлигидир;

3) III гуруҳдаги юқори кўрсаткич қўлланилган усул олдингисидан заифроқ эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг самарадорлигини кўрсатиш мақсадида тажриба гуруҳлари билан назорат гуруҳи кўрсаткичларини таққослашга ўтамиз.

3.3.3 – жадвал

Тажриба гуруҳлари билан назорат гуруҳининг қиёсий тавсифи

IY гуруҳ	I гуруҳ			II гуруҳ			III гуруҳ		
топшириқлар	топшириқлар			топшириқлар			топшириқлар		
ар									
	I	I	I	I	I	I	I	I	I

	I	II		I	II		I	II		I	II
0	0	3	6	4	4	5	5	5	5	2	3
,5	,8	1	3	2	2	2	2	2	2	,6	,65
,04	,17	0	0	0	0	0	0	0	0	,11	,09
,18	,8	0	0	0	0	0	0	0	0	,50	,49

Эмприк материалларнинг кўрсатишича, назорат гуруҳи билан тажриба гуруҳлари орасида фарқ мавжуд бўлиб, улар қуйидаги кўрсаткичларда мужассамлашади:

1) ўртача арифметик қиймати	IV	1,5	1,8	1,8
	III	2,8	2,6	2,65
	II	2,7	2,5	2,7
	I	3	2,2	2,4
2) ўрта арифметик хато	IV	0,04	0,17	0,15
	III	0,21	0,11	0,09
	II	0,10	0,15	0,11
	I	0	0,12	0,11
3) ўртача оғиш	IV	0,18	0,8	0,69
	III	0,47	0,50	0,49
	II	0,48	0,68	0,50
	I	0	0,64	0,50

Рақамлардан кўриниб турибдики, ҳар учала кўрсаткич бўйича ҳам тажриба гуруҳлари назорат гуруҳидан кескин устунликка эга, бу омил экспериментнинг самарадорлигидан далолат беради.

Тажриба ва назорат гуруҳларида аклий фаолиятнинг кўчишига тааллуқли ўзаро тафовутни намоиш этишга ва бунинг учун 3.3.4 – жадвални келтирамиз.

3.3.4 – жадвал

Кўчиш хусусияти

Тўғри жавоб миқдори	Жа	Формула	(Е-с)	/
---------------------	----	---------	-------	---

				ми	(E+n)*100%		
IV	I	II	III		I	II	III
36	60	54	56	60	+ 25	+20	+21, 7
30	44	50	52	60	+20	+25	+27
36	42	55	53	60	+14	+21	+19

Эксперимент гуруҳлари билан назорат гуруҳнинг ақлий усуллари кўчишига оид кўрсаткичларида ката тафовут мавжуд эканлиги кўриниб турибди. Ушбу психологик вазият улар ўртасида ақлий тараққиёт бўйича ишончлилиқ фарқи борлигидан далолат беради.

Учинчи бобнинг «Ақлий тараққиётнинг ёш хусусиятлари» (3.4) параграфи ақлий фаолият усуллари кўчишини ўзаро таққослаш, ақлий фаолият усуллари «бирданига» кўчиши, мураккаб топшириқларга усулларнинг кўчиши, ўсмир ўқувчилар ақлий ривожланишида ностандарт топшириқларнинг ўрнига бағишланган.

Топшириқ ҳамма учун бир хилда тавсия қилинди. Унинг биринчи қисмида улар умумлаштиришнинг хусусий ҳолатларини таққослаш орқали умумийга ўтиш усулидан фойдаланиб, ҳайвонларнинг ҳимоя ранги бўйича камроқ умумий бўлган қонуниятни таърифлаш кўзда тутилади. Иккинчи қисмда таққослаш орқали камроқ умумийдан кўпроқ умумий қонуниятга ўтишни (4-усул ёрдамида) амалга ошириш режалаштирилди. Олинган натижаларга асосланган ҳолда қонуният тизимини таърифлаш ўзлаштириш даражаси ўрта ва кучли ўқувчилар миқдори ҳар қайси гуруҳда турлича эканлигини кўрсатди:

I	6 (кучли),	5 (кучсиз)
II	7 (кучли),	4 (кучсиз)
III	8 (кучли),	3 (кучсиз)

Топшириқни бажаришда тажриба иштирокчиси ўзлаштирган 4-усулга, яъни фаол кўчишни амалга оширади. Фикримизни тасдиқлаш учун тажрибада қатнашган ўсмирлардан бирининг мулоҳазасидан парча келтирамиз. «Топшириқни ечгунга қадар (таркиб топтирувчи тажрибани назарда тутмоқда) мен вазифани таққослаш ёрдамида бажарган эдим. Унда даров ечиш мумкин эди, ҳозир бўлса қийинроқ. Унинг ечими турли гуруҳларга алоқадор жониворларнинг яшаш шароитларини таққослашни, унга хос бўлган хулоса чиқаришни талаб қилади. Олдин соддароқ сўнг умумийроқ хулоса чиқаришга ўтса бўлади». Бу ўринда ўқувчининг қонуниятлар тизимини тўғри ифодалаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Учала тажриба гуруҳи ўртасида қонуният тизимини ифодалашда айрим тафовутлар мавжуд. Биринчи гуруҳнинг аъзоларига қараганда, I ва II гуруҳ иштирокчилари юқорироқ натижа кўрсатдилар. Бу эса ақлий фаолият усулининг фаоллик, мустақиллик хусусиятларидан келиб чиқади. Ўзлаштирилган усулларни фикран қайта куриш ёки уларнинг асосида янгисини топиш ёки мутлақо нотаниш усулни ҳаёлан ўйлаб топиш ўқувчилар ақлий тараққиётининг асосий мезони ҳисобланади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳар қандай топшириқни бажариш ақлий фаолият усулларини «бирданига» (инсайт), аста – секин ёки «бузиб-тузатиб» ечиш йўллари ёрдами билан амалга оширилади. Ақлий фаолиятни фикран умумлаштириш жараёни топшириқни «бирданига» ечиш йўли ҳар бир назорат топшириқда учрайди. Биринчи топшириқда бундай ечиш йўли миқдор жиҳатдан бошқаларга қараганда кўпроқ, тўртинчи (геометрик) топшириқда эса камроқ «инсайт» ҳолати учрайди. Жумладан, I гуруҳда 14 (17,5 %), II гуруҳда 19 (23,7 %), III гуруҳда 18 (22,5 %), IV (назорат) гуруҳида 6 (7,5 %) иштирокчи шу йўлдан фойдаланиб топшириқни ечганлар. Ҳар бир гуруҳда теоремани исботлаш юқори ақлий кўрсаткичли қатнашчиларнинг зиммасига тушган. Шу сабабдан топшириқни ечиш уларнинг индивидуал психологик хусусиятларига ҳамда тажрибада қўлланилган топшириқларнинг мураккаблик даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

«Ўсмир ўқувчилар ақлий ривожланишида ностандарт топшириқларнинг ўрни» (3.4.4.) параграфи тадқиқот учун муҳим аҳамият касб этади. Берилган топшириқлар тузилиши ва мақсади жиҳатидан турлича бўлиб, ақлий имкониятни шахс томонидан мустақил намоён этишга қаратилгандир.

1.Тушунчаларни туркумларга ажратинг:

АЗМХА, АТУРҚФ, ДРИОЙҚИ, УН/ЙУ, ООНБВХОБЕУ

2. Учала сўз учун умумий бўлган ясовчи қўшимча топинг:


ОЗ, СЎЛ, ҚИР

3.Сўзларнинг қайси бири ортикча?

КЧИЭ, ИГИРС, ШУКМУ, ЙИККИ.

4.Дикқатингизга Санкт-Петербург, Москва, Тошкент, Тбилиси шаҳарлари берилган. Сиз қайси бир шаҳарда ёз кунининг узунроқ эканлигини аниқланг.

5) Қайси геометрик шакл ортикча эканлигини аниқланг.



Аксарият синалувчилар топшириқ ечимининг биринчи босқичини мана шундай тарзда топишда: Ҳамза, Фурқат, Қодирий, Уйғун, Охунбобоев. Бу жавоб дарҳақиқат тўғри, лекин охирига етказилган эмас. Шунинг учун улар тахаллусни билдирган сўзлар юзасидан ижодий фикр юритиш орқали қуйидаги ечимга келдилар: Ҳамза, Фурқат, Қодирий, Уйғун – шоир ва ёзувчилар, Охунбобоев давлат арбобидир. Синалувчилар II топшириқни таҳлил қилишиб, умумий ясовчи қўшимча «ғин» эканлигини топдилар: озғин, сўлғин, қирғин. III топшириқни таҳлил қилиш, таққослаш орқали ечимнинг биринчи босқичини топишга муяссар бўлдилар: эчки, сигир, мушук, кийик. Кейинчалик улар топшириқ шартини топган ҳолда туркумни вужудга келтирдилар: Эчки, сигир, мушук – уй ҳайвонлари, кийик эса ёввойи ҳайвондир. Топшириқни бажарган синалувчилар миқдорининг кўпайиши икки муҳим психологик омил билан изоҳланиши мумкин: топшириқни ечиш суръатининг кўтарилиши улар томонидан эгалланган ақлий кўникма ва усулларнинг кўчиши, шунингдек, изланиш фаолиятини бошқариш уқувчининг шаклланиши билан изоҳланади. Тўртинчи топшириқнинг энг тўғри жавоби - бу Санкт-Петербург шаҳрининг кўрсатилиши бўлиб мазкур географик қонуният шаҳарнинг қайси географик кенгликда жойлашганлигига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтишдир. Бешинчи топшириқни ечишда ўқувчилар фикран геометрик шаклларни ўз ўқи атрофида айлантириш, уларни 180^0 га буриш тўғрисидаги теоремага мурожаат қилдилар. Шундай қилиб, махсус топшириқлар мазкур ёшдаги ўқувчиларда ақлий фаолият ўқувчини таркиб топшириш имкониятини вужудга келтиради. Шу боисдан, уларнинг эътиборини фақат қизиқарли материалларга қаратмасдан, балки қизиқ бўлмаган турмуш учун зарур ўқув материаллари устида шуғулланишга қаратиш, ностандарт вазиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ақлий ривожланишнинг зарурий шarti ҳисобланган диққатни тадқиқот марказидан четда қолдирмаслик лозим.

Олиб борилган тажрибаларимиз қуйидагича хулоса чиқаришга имкон бери.

1. Ўсмир ўқувчилар ақлий ривожланишнинг мезони сифатида қабул қилинган умумлаштириш усуллари ўзлаштириш хусусияти ва бу

усулларнинг кўчиш ҳолати ўзаро фарқ қилмаслиги аниқланди. Ҳар қайси (хусусийдан умумийга, ягонадан умумийга, сўнг хусусийга ўтиш, умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан янада умумийга ўтиш, ягона умумийдан янада умумийга, камроқ умумийдан кўпроқ умумийга ўтиш) умумлаштириш усули ҳам ўсмир ўқувчилардан мустақиллик, фаоллик ва ижодий фикрлашни талаб қилади. Аммо топшириқларнинг (қонуниятларнинг) ўзига хос хусусиятига қараб усуллар айрим пайтларда фарқланиши, яъни бири иккинчисидан устунлик қилиши мумкин. лекин улар ўртасидаги фарқ ҳар қандай вазифани бажарган чоғида ҳам кескин бўлиши кузатилмайди, бироқ статистик ишончлилиқ даражасига эга бўлмаган фарқли ҳолатлар учраб туради.

Ўрганилган усуллар ёрдамида ўқувчиларнинг топшириқни «бирданига» бажаришлари кузатилади. Бу психологик жараён топшириқнинг оддий ёки мураккаблигига, ўқувчиларнинг эса индивидуал-типологик хусусиятларига, ақлий камолот даражасига боғлиқдир.

Усулларни янги шароитга кўчириш вақтида ўқувчилар ўртасидаги индивидуал – топологик фарқлар аста – секин камая боради ва топшириқни бажаришдаги қийинчиликларнинг миқдори бировз пасаяди. Шунга қарамасдан, улар орасидаги айрим тафовутлар қуйидаги ҳолатларда сақланиб қолади:

а) ҳамма вақт ҳам ўсмир ўқувчилар ўз назарий билимларини амалиётда бир хилда, бир текис қўллай олмайдилар, кўпинча улар вақт тифизлиги учун хатоларга йўл қўядилар;

б) ўқувчилар ақлий фаолиятининг кўрсаткичи бир хил эмас, бу хусусият уларнинг савиясига, топшириқ ечиш мотивациясига алоҳида омил билан изоҳланиши мумкин;

в) эгалланган ақлий фаолият усулини кўчириш пайтда топшириқни «бирданига», аста-секин ва «бузиб-тузатиб» бажариш ҳолатлари учраб туради;

г) ўзлаштирилган ақлий ривожлантириш усуллари янги шароитга кўчириш доирасининг кенглиги ўқувчиларда турли даражада шаклланган бўлиши кузатилади.

Таълим жараёнида ўсмир ўқувчиларда ақлий фаолият усуллари шакллантириш шахс ақлий камолотини таъминловчи мезон ролини ўйнайди.

Барча фанлар бўйича ўқитиш самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир: ўсмир ўқувчилар ақлий фаолиятининг турли усуллари эгаллашлари зарур, бу ўқув материалларини ўзлаштиришни енгиллаштиради; дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни таълимий усуллар юзасидан машқ қилишга ўргатиш назарий ва Амалий билимларни мустаҳкамлайди. Ўқув материаллари уларга «тайёр ҳолда» берилмаслиги, ўсмирлар мустақил равишда билимларни эгаллаши лозим,

мураккаб қонуниятлар ва теоремаларга таллуқли муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш уларнинг ақлий ривожланишига пухта замин ҳозирлайди.

2. Ўқувчиларни ақлий фаолият усуллари ва уларнинг кўчишига ўргатиш натижасида назорат ва таркиб топтирувчи усулга нисбатан қўйилган топшириқ талабларини таққослашда онгли муносабат имконияти ортади. Мазкур шароитда ўзлаштирган усулларни ҳеч ўзгаришсиз қўллаш, кўчиш йўлини танлаб амалга ошириш, янги усуллар излаб топиш тўғрисида мулоҳаза юритиш фаолияти вужудга келади. Уларда усуллардан онгли фойдаланиш фазилати таркиб топиши ақлий ривожланиш кўрсаткичи вазифасини бажаради. Бу жараёнда ностандарт материаллар муҳим аҳамият касб этиши кузатилади.

3. Ақлий фаолият усуллари ва уларнинг кўчиши ёш даврга қараб ўзгариб боради. Ўқувчиларнинг ёши ва савияси орта бориши билан мураккаб усулларни янги шароитга кўчириш уқуви уларда такомиллашади, усулларнинг кўчиш кўлами кенгаяди ва фанлараро хусусият касб этадики, бу ақлий фаолиятнинг муҳим омилidir. Усуллар кўчишининг фаол йўллари пайдо бўлиши ва мураккаблашиши туфайли, ўқувчиларда шахсий ташаббус билан уларни кўчириш имконияти тўғилади. Усулларни кўргазмали яққол материалдан бошқа кўргазмали яққол материалга, кўргазмали яққол материалдан мавҳум материалга кўчиришда кескин ўзгаришлар вужудга келади. Бу эса ақлий ривожланишнинг яна бир омилidir ҳисобланади.

4. Ўқувчиларни усулларга ўргатиш натижасида уларнинг барча фанларга нисбатан мотивацияси ортади, ўқишга интилиши, унга ижобий муносабатда бўлиши туфайли уларда тиришқоқлик ҳислари шаклланади. Ўқувчиларда усулларни таркиб топтириш уларнинг ақлий ривожланишида сезиларли силжиш ясайди. Натижада аниқ, мавҳум ва ижодий фикрлашда сифат ўзгаришлари юз беради. Ўқувчиларда фикр юритишнинг яққолдан мавҳумга, мавҳумликдан яққолга ўтиш шакллари параллел равишда тараққий этади. Бунинг натижасида унумли фикр юритишга кенг имкониятлар яратиладики, бу ақлий ривожланишни янада мукамаллаштиради.

5. Ақлий тараққиёт ўқувчилар томонидан эгалланган билимлар захираси билан чегараланиб қолмасдан, балки уларнинг ўқув кўникма ва малакаларини, таълимий усуллар ҳамда уларнинг кўчиши билан онгли муносабатда бўлиш жабҳаларини ўз ичига қамраб олувчи ривожланиш мажмуасидир. Таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда ақлий фаолиятнинг турли усуллари шакллантириш уларнинг ақлий ривожланишини таъминловчи муҳим психологик механизм сифатида ўзини ўзи бошқариш имкониятини намоён этади ва кафолат вазифасини бажаради. Бунинг учун ақлий фаолият усуллари таркиб топтиришда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

1.4. Ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида тарбиявий муносабатлари

Мамлакатимизда таълим тизимининг модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутди. Инновацион технологияларнинг кенг ўзгартирилиши, чет эл сармоялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, шунингдек, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграллашуви, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг инновацион педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий мажмуаларнинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан таъминланиши таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифаларидан бири – умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгартиришларга асос бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги замонавий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб бораётган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бир қатор янги талаблар юзага келди. Шундан келиб чиқиб, таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар барча таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва фан ва технологияларнинг ютуқларига асосланган методлардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш янги шахсий ва касбий сифатларини талаб қилади.

Мактабларда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функциялардан бири – бу таълимнинг сифатли салоҳияти ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигида тарбиявий муносабатлардир.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда, ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар,

бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атаёмиз.

Тарбиявий муносабатлар – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга, яъни мустақил маълумот, мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади ва улар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни ўқувчиларнинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан-техника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ўқувчиларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Тарбиявий муносабатларни – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими деб ҳисоблар эканмиз, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидаги ўқитувчи-ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг самимий ва диққат билан ўз суҳбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши, суҳбатдошига ўз фикрини тўла ва тўғри ифодалаши ҳамда самимий суҳбатлашиши учун имкон яратиш билан бир қаторда ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан бемалол суҳбатлашишлари, ўз фикрларини ва таклифларини раҳбарларга билдиришлари, янгилик яратиш борасида раҳбарларига суяниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишларида, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Мактабда синф раҳбарлари ўз ўқувчиларининг барчаси билан ҳам доимий жонли мулоқотда бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум, шунга қарамасдан барча ўқитувчилар, шу қатори ўқувчилар ҳам раҳбар билан доимий, бевосита ўзаро таъсирда бўлиши тарбиявий муносабатларда намоён бўлади. Бундай бевосита таъсир масофадан туриб, мулоқотсиз тарбиявий жараёнда вужудга келади ва ундан ўқитувчи-ўқувчилар ҳам бир хилда таъсирланишлари мумкин. Яъни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ташқи кўриниши, кийиниши, ютуқлари, фан ва спорт йўналишлари бўйича турли мусобақалардаги ғалабалари ўқувчининг кайфиятига ва унинг рейтинига таъсир кўрсатади.

Инсон ўзига ёққан, ўзи хавас қиладиган, истараси иссиқ, хушфеъл, билимдон ва қобилиятли бўлган шахсни кўриши, унинг жилмайиши, бирдан кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шундай экан, раҳбарнинг соқоли олинганлиги, сочларининг тозаллиги ва тартиблилиги, дадил қадам, маънодор хатти-ҳаракат, самимий жилмайишлар унинг ташқи кўриниши ҳисобланиб, тоза, дазмол босилган, сифатли кийим кийиши, кийимларининг ўқитувчи ва мураббийларга хос бўлиши, шунингдек, кабинетининг тоза ва тартибли бўлиши, китоблар шкафида замонавий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар,

айниқса ўз ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик маҳсулотларнинг бўлиши тарбиявий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади.

Яратилган янгиликлар, олимларнинг илмий-ижодий меҳнати, ёзган китоблари, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалари ўз жамоасидаги тарбиявий муносабатларни тартибга солиб боришда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Яъни, муассасаларда таълим-тарбия мавзуларда илмий-амалий конференциялар уюштириш, ходимларнинг илмий мақолалар билан иштирок этиши, мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан бойитиш, фан ва техника янгиликлари бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш илмий ижодий фаолият билан шуғулланиш учун зарурий шароит яратади, шу билан бирга ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, билим, тажриба ва кўникмаларини ривожлантириб боришни талаб қиладиган ижодий муҳитнинг вужудга келишига замин яратган бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда биринчидан ўқувчи шахсини шакллантириш, шарт-шароит яратиш, иккинчидан ўқувчиларнинг ҳар томонлама қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, унинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ўқув-тарбия жараёнида намоён этишни таъминлаш ушбу куннинг долзарб вазифаларидандир.

1.5. Тарбияси қийин болаларнинг физиологик хусусиятлари ва муносабатлари (Одоб ва ахлоқ ҳақида).

Ўзбек хонадонларида ҳамиша одоб-ахлоқ ҳақида кўп гапирилади. Болани ёшлигидан меҳнатга солинади. Буви ва буваларимиз набираларига бурунги ҳадис ва одобномалардан ривоятлар айтиб, ҳар-хил ўғитларни қулоғига қуйиб борадилар. Ёмон ишларнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди, бирор ишга қўл уришдан олдин орқасидан келадиган оқибатлар ҳақида ўйлаб кўриш керак дейилади. Ота ва она томонидан доимо назоратда бўлган бола ҳеч четда қолмайди. Ўзбек маҳаллаларида кўни-қўшнилари томонидан ҳам бола назорат қилинади. Маҳаллада боланинг бегонаси бўлмайди. Ким билан дўст, нима ишлар билан шуғулланмоқда шулар ҳақида қайғуришади. Агар фарзанди ножўя ишларга қўл уриб ва уларнинг салбий хусусиятлари оқибатида азият чекиб юрган оилаларга кириб ёрдам берадилар. Маҳалладаги ҳар бир оиланинг шарт-шароитлари билан яқиндан танишиб, улар шароитларини тушунган ҳолда амалий ёрдам кўрсатилади. Масалан, салбий хусусиятга эга бўлган оилалар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилади. Яъни, орган ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ички ва ташқи тартиб қоидалари билан яқиндан таништирилади. Ана шу қоидалар асосида ёш оилаларга ва оилада тарбияси оғир бўлган болаларга алоҳида суҳбатлар уюштирилади ва доимо улар назоратдан четда

қолмайди. Бу билан ёш оилалар ва вояга етмаган ўспиринлар яъни балоғат ёшида бўлган қайси йўлни танлашни билмай юрган ёшларга ибрат сифатида намунали оилалардан, фахрийлардан ва элга таниқли бўлиб бораётган ёшлардан таклиф этилади (олимлар, спортчилар, санъаткорлар, ҳуқуқшунослар ва хоказо.) Улар бу даражаларга қандай эришганликлари ҳақида гапириб, уларни ҳам яхши йўлдан боришга ундайдилар.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “Баркамол авлод” Давлат дастурида таъкидлаб ўтганларидек, “Ватанимиз тараққиёти ёшларимиз қўлида, агар ёшларни соғлом, билимдон, ватанпарвар қилиб тарбияласак улардан ватанимиз равнақи учун яхши кадрлар етишиб чиқади. Биринчи ўринда ёшларга тарбия бериш, уларга одоб ва ахлоқ ҳақида тинимсиз гапириш, ёмон йўللарга кириб қолмасликлари учун мактабларда ўқувчи ёшларимизни спорт билан шуғуллантириш, машғулотлар ўтказиш, билим беллашувларини ташкиллаштириш, боланинг қизиқишларини аниқлаб шу йўналиш бўйича семинар ва тренинглар ўтказиш, уларнинг бўш вақтини машғулотлар билан белгилаш айти мудао деганлар. Агар боланинг тарбияси яхши бўлса, билингки, улар албатта билимли ва ақлли бўлиб етишади, бу билан келажагимиз йўли ҳамиша порлоқ бўлиши табиий. Хурматли ўқитувчи ва мураббийлар, дарс бошлашингиздан аввал 5 дақиқа одоб ва ахлоқ ҳақида маъруза қилинг, болага ибрат бўладиган мисоллар келтиринг ва уларни ҳам шунга эришишларига жалб этинг ва қизиқтиринг. Дарсни мазмунли ва қизиқарли қилиб ўтказинг...”.

Машғулотлар таъсирида дарсга салбий таъсир этувчи бола руҳиятида ҳам яхши ўзгаришлар содир этилади. Улар учун алоҳида психологлар томонидан ўтказилган суҳбат ва мунозаралар янада боладаги пассивликни камайтириб, уларни активлаштиради.

Таълим ва тарбия доимо чамбарчас бир-бири билан боғлиқдир. Чунки таълим бор жойда албатта тарбия ҳам мавжуд. Тарбияли боланинг қўлидан ҳеч қачон ёмонлик келмайди, улар фақат илм йўлида изланадилар, фақатгина дарс билан чекланиб қолмай, ноанъанавий машғулотлар ўтказишни ҳам талаб қила бошлайдилар (семинар ва тренинглар, очиқ дарслар ташкил этиш).

Ўсмирлик ёши ўзининг ижтимоий ва биологик ривожланишида мураккаб давр ҳисобланади. Улкан ҳаёт йўлининг мана шу муҳим қисмида катта ёшдаги ўсмир ўз олдида ким бўлиш, нима, қандай ва нима учун эришиш каби масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Масалаларни қандай қўйиш ва жамият билан уйғунлиги шахснинг келажақтаги кенг истиқболига боғланган ҳолда, унинг фаоллиги, барқарорлиги, маънавий поклиги, мақсадга йўналганлиги, бетақрорлиги, ижтимоий ва психологик жиҳатдан мазмундорлиги жамият учун ҳам қимматлидир. Ўсмирлик даврининг қийин давр бўлиши кўп жиҳатдан

Ўсмир руҳиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда низоли вазиятларни юзага келтириш сабабли намоён бўлиши мумкин.

Шу сабабли ўсмирлик ёш даврида мавжуд низоли вазиятларни таҳлил қилиш ўсмирлик инқирозларини енгил бартараф этилишига ва педагогик жараёни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат, хусусан ўқитувчининг бола фаолиятини салбий баҳолаши болада ўзига паст баҳо беришини туғдиради. Бу айниқса ҳиссиётли болаларга хосдир. Ўқитувчининг салбий йўл-йўриғи боланинг ўқув фаолиятига салбий томонларни ва ўз қобилиятларининг пастлигига ишончини шакллантиради. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат жараёнида фақат ахборот бериш вазифаси эмас, балки уни тушунишга эришиш масаласи ҳам туради.

Ўсмирларнинг ўз тенгдошларига интилиши ўзгача бўлади. Ўз тенгдошлари орасида ўзининг сифатларини бошқалар сифати билан солиштириш, тенглик шароитида у кимгадир бошқача кўриниш хусусиятларини ўсмирлар гуруҳида яққол кузатиш мумкин. Тенгдошлар орасида таниқли бўлиш ва уларнинг ҳурматига сазовор бўлиш бу ёшдаги ўқувчиларнинг хусусиятларидан биридир. Ўсмир ўзининг ички қарашларига суянган ҳолда гуруҳда қўллаб-қувватловчи таянч қидиради. Тенгдошлари унга қандай баҳо беришида улар ўртасидаги муносабатлар доирасида хилма-хил низоли вазиятларга дуч келади. Бундай вазиятлар ўсмирда ўз мавқеини тиклаш учун ижобий ҳаракатларни танлаш ёки аксинча кўринишда бўлиши мумкин.

Булар барчаси бевосита жамиятнинг психологик иқлимига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда психологиянинг энг муҳим масалаларидан бири – жамиятимизда соғлом психологик иқлимни ташкил этишдир. Бинобарин шундай экан, психологлар, педагоглар бу долзарб муаммони хал этишга ўз билим ва кучларини тўла сафарбар қилмоқлари лозим.

Мулоқот жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий хусусиятлари ва мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатлари ҳамда бир-бирлари ҳақидаги тасаввурларга боғлиқ бўлади. Педагогик мулоқотдаги тўсиқларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Шахсий;
2. Ижтимоий-психологик;
3. Жисмоний.

Мулоқот бу ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ҳосил бўладиган ўзаро таъсир ва боғланишлар мажмуасидан иборат психик фаолият ҳисобланади. У

бошқа кишиларнинг фаолияти ва ҳуқ-атворининг айрим натижаларига эришишни белгилайди. Хар бир киши жамиятда маълум ролни бажаради.

Айрим вазиятларда шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи вазифа, мақсад зиддиятли позициядаги муносабатлар ҳам учраб туради. Бундай вазиятларда ўсмирларда ўз мавқеини тиклаши ва ижобий ҳаракатларни танлаши учун ўқитувчининг иш фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқувчининг эса ўқув фаоллигини шакллантириш лозим.

1.6. Тарбияси қийин болаларнинг ҳуқ-атворини тарбиялашда таълим-тарбия сифатини яхшилаш ва баъзи психологик масалалар

Ҳозирги кунга қадар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида умумий ўрта таълим тизимида таълим-тарбия ишларининг педагогик ва психологик хусусиятларини ўрганиб, таълим-тарбия сифатига кўп эътибор қаратилиб мактабларда ишлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, мактаб тизимида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари, уларнинг тарбиявий ғоялари ва ўтказилаётган суҳбатларга алоҳида аҳамият бериб, ўқувчилардаги дарсга салбий таъсир кўрсатаётган хусусиятлар олди олинмоқда. Олимлар томонидан яратилаётган таълим ва тарбия йўнилишидаги ўқув дарсликлар, методик қўлланмалар, монография, дарс ишланмалари ва тест топшириқларининг янги замонавий усуллари яратиш орқали таълим сифати оширилмоқда, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятлари яхшиланмоқда, ўқувчилардаги салбий хусусиятларни бартараф этишда қўл келмоқда ва мактаб психологлари ҳамда синф раҳбарлари учун методик ёрдам бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти уларнинг ёши ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга таалуклидир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг, ўқувчи фаолиятининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида, фаолиятни ташкил қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларга таълим-тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик

ривожланиши қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган ўзаро муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар болани болалик чоғида унга одоб-ахлоқ ўргатишни эски шакл ва усулларида фойдаланилган бўлса, энди улар бола учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, эндиликда бундай таъсир болани зериктиради ёки ёқмай қолади.

Натижада, ундан катталарнинг фикрларига қарши чиқиш ёки рад этиш каби ҳислатлар пайдо бўла бошлайди. Булар эса бу даврнинг “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим-тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллариини ўзгартириш муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта, ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва бартараф қилинишидан иборатдир; бу қарама-қаршиликлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлокий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама-қаршиликлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал ҳатти-ҳаракатларининг шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Бу қарама-қаршиликлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни, анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шахснинг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида, ўсмирнинг психик тараққиётининг янада юксакроқ босқичга ўтиши амалга оширилади.

Бизда ўсмирнинг ҳаёт шароити, унга бериладиган таълим-тарбия ва унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш орқали ижтимоий фойдали меҳнат қилишга жалб қилиш билан орқали қийинчиликлар бартараф қилинади.

Афсуски, баъзан ёшларимиз орасида тарбияси “қийин” бўлган, “қийин тарбияланувчи” ёшлар ҳам учраб туради. Тарбияси “қийин” бўлишига сабаб нима?

Тарбияси қийин, инжик, ҳулки салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ножўя ҳатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузишни ёки қоидага ҳилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва оддий қоидабузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги кусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ривожланишидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиғи, ақл-идрокнинг заиф ривожлангани, ҳиссиётнинг кучсизлиғи, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд эмаслиғи, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик кабилар ҳуқ-атвордаги оғишишларга сабаб бўлади. Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар:

- а) ахлоқий хисларнинг етишмаслиғи
- б) ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот
- в) ишқмаслик
- г) бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар салбий ҳолатларни вужудга келтиради.

Шунингдек, шахснинг, ўқув фаолиятидаги камчиликлари:

- 3) ақлий фаолият усулларида кенг фойдалана билмаслик
- 4) билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар;
- 5) ўқитишдаги нуқсонлар
- 2) тарбиявий чора-тадбирлардаги ҳатолар ҳам шулар жумламасига киради.

Мактабдан ташқари муҳит таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиғи, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва енгил ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маънавий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига қараб уларни бир неча шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади. Булар ўз ҳатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Лекин ютуқларини эътироф қилишини хоҳлайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишилар маъқуллашини ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Улар бетга чопар, ўжар, раҳм-шафқатсиз,

«зўравон» бўладилар. Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадиганлар, бироқ мустақил эътикодга, барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли «орка қанот»да туриб қондани бузадилар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладиганлар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ «компания» фикрига қарши боришга ботина олмай, кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф жамоаси аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиббузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий талаблари ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қандай ножўя ҳатти-ҳаракатлардан қайтмайдилар, камига одамларга яхшилик қилишни орзулайдилар. Бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юқори қўядилар. Ўзларининг ҳохишларини тақиқланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус-надомад чекадилар, руҳан эзиладилар. Лекин мазкур кечинмаларни тез унутадилар.

Уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, ҳохишлардан устун туради. Ахлоққа ҳилоф ҳатти-ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжиқ табиатли қийин тарбияланувчилар жамоа ва гуруҳларда ўз ўринларини топа олмайдилар, улар аразчан, гинаҳон бўлиб ўз гуруҳ ва жамоаларига кўшилиб кетавермайдилар, тортиниб ўзларини камситилгандек ҳис қиладилар. Улар ҳам қийин тарбияланувчи ёшларнинг бир туридир. Жамоа ўртасида обрў қозонишни, ҳурматга сазовор бўлишни жуда ҳохлайдилар. Лекин улардаги тушкунлик кайфияти, умидсизлик, ўз имконияти, ақлий қувватга ишончсизлик бунга имкон бермайди. Улар мактаб, синф жавоасининг қоида ва қонунларини бузишга ҳаракат қилмасалар ҳам, лекин бу жамоанинг иш фаолияти ва муваффақиятида, таълим-тарбия жараёнида етарлича қийинчиликларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатадилар, жамоа ишини орқага сурадилар ва жамоа кўзлаган мақсадни амалга оширишда қийинчилик туғдирадилар.

Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуасига қуйидагилар киради.

10. Шахснинг биологик нуқсонлари:

а) сезги органларидаги камчиликлар;

б) ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темперамент хусусиятларининг мавжудлиги;

11. Шахснинг психик камолотидаги камчиликлар:

а) ақлий ривожланишдан ортда қолиш;

б) ироданинг заифлиги;

в) эмоционал сустривожланиш;

г) зарур эҳтиёж ва билишга қизиқишлар мавжуд эмаслиги;

д) ўсмирдаги интилиш билан имкониятларнинг номуносиблиги.

12. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар:

а) ахлоқий хислатларида учрайдиган камчилик;

б) ўсмирнинг ўқитувчи, синф жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги заифликлар;

в) меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар;

г) бўш вақтни тақсимлашдаги хатолар;

в) ижтимоий муҳит, оилавий шароитда таълим-тарбиядаги нуқсонлар.

13. Шахснинг билим олиш фаолиятидаги камчиликлари:

а) билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги ўзгаришлар;

б) таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларнинг етишмаслиги.

14. Мактаб таълим-тарбиясидаги камчилик:

а) таълим жараёнида билимлар ва ҳатти-ҳаракатларни адолатсиз баҳолаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларига нисбатан англашмовчиликлар, синфда қолдириш ва х.з.

б) мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар (ўқитувчининг ўсмирга хайрихоҳ эмаслиги, ўқувчининг яққаланиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик, ўз ўрнини топа олмаслик).

15. Мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар:

а) оилада педагогик ва психологик билимларнинг етишмаслиги;

б) оиланинг бузилиши ва оилавий низолар;

в) ота-она ёки оила аъзоларининг ахлоқсизлик ва ичкиликка берилиши;

г) оила аъзолари ўртасида судланган одамнинг учраши;

д) тенгқурларнинг салбий ишларига (ҳақорат қилишига, ичишга, чекишга, қўли эгриликка) ўргатиш ва х.з.;

е) маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва жамоатчиликнинг камчиликлари (эътиборсизлик ва лоқайдликлари).

Тарбияси «қийин» ёшларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв (асаб)

фаолияти типлари ҳақидаги И.П.Павлов таълимотини билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

4. Нерв системасининг кучи нерв хужайраларидаги моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучли кўзғалиш жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилятида акс этади.

5. Асаб тизимининг кучи тамойилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар, кучсиз типига эса меланхоликлар киради.

6. Асаб тизимининг илдамлиги миёя пўстининг тормозланиши билан ёки аксинча тормозланишнинг кўзғалиши билан нақадар енгил алмашинуvidан иборатдир.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластиклик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий ҳислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу ўринда ёшларнинг ғоявий маслагини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, аввало унинг ғоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиш керак. Ёшларга индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир.

Ёшларни эмоционал-иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, яъни теварак атрофдагилардан фарқ этиш ёки фарқ этмаслигини, аффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳим.

Ёшларнинг ахлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳим. Чунки ёшларнинг ғоявий маслаги унинг ахлоқий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан ахлоқий маслак билан ёшларнинг ҳулқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ёшларнинг қанчалик ватанпарвар, меҳнатпарварлигини, қанчалик ҳурмат қилишини, тўғрилигини ва виждонлигини, ўртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориш зарур.

Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, безорилик, худбинлик, қайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик қабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга яккама-якка ёндашиш лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида

Ўзларининг айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насихат еки кўрсатмаларига бўйсунити ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дустона муносабатда бўлишгана талаб қилинади. Тарбияси қийин болалар, ёшлар билан ишлашда унинг характери, қизиқишларига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Кўп насихат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна (меҳнат, ўқиш жараёнида) оила ва мактабдаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигана ёшларда шундай бўлишига хавас туғдиради.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак хисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, «тирик бурчак»ни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларни камайтириш мумкин.

Уларни ўзлари қизиққан тўғарақларга жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари аста-секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шундаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларни кўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган вақтда ёки ҳар доим эмас, балки қулай шароит келиб қолганда иш олиб борилса, яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса, у кўпроқ натижа беради.

1.7. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг инновацион фаолиятини таъминлаш

Мамлакатимизда таълим тизимининг модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутди. Инновацион технологияларнинг кенг ўзгартирилиши, чет эл сармоялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, шунингдек, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграллашуви, ўқитувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг инновацион педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий

мажмуаларнинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан таъминланиши таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифаларидан бири – умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгартиришларга асос бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги замонавий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб бораётган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бир қатор янги талаблар юзага келди. Шундан келиб чиқиб, таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар барча таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва фан ва технологияларнинг ютуқларига асосланган методлардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш янги шахсий ва касбий сифатларини талаб қилади.

Мактабларда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функциялардан бири – бу таълимнинг сифатли салоҳияти ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигида тарбиявий муносабатлардир.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда, ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атаيمиз.

Тарбиявий жараёнда ўқитувчининг инновацион фаолияти – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга, яъни мустақил маълумот, мустақил таълим бериш ва ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади ва улар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни ўқитувчиларнинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан-техника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ўқувчиларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Тарбиявий жараён – инсонлар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими деб ҳисоблар эканмиз, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидаги ўқитувчи-ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг самимий ва диққат билан ўз суҳбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши, суҳбатдошига ўз фикрини

тўла ва тўғри ифодалаши ҳамда самимий суҳбатлашиши учун имкон яратиш билан бир қаторда ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан бемалол суҳбатлашишлари, ўз фикрларини ва таклифларини раҳбарларга билдиришлари, янгилик яратиш борасида раҳбарларига суяниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишларида, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

1. Мактабда синф раҳбарлари ўз ўқувчиларининг барчаси билан ҳам доимий жонли мулоқотда бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум, шунга қарамасдан барча ўқитувчилар, шу қатори ўқувчилар ҳам раҳбар билан доимий, бевосита ўзаро таъсирда бўлиши тарбиявий муносабатларда намоён бўлади. Бундай бевосита таъсир масофадан туриб, мулоқотсиз тарбиявий жараёнда вужудга келади ва ундан ўқитувчи-ўқувчилар ҳам бир хилда таъсирланишлари мумкин. Яъни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ташқи кўриниши, кийиниши, ютуқлари, фан ва спорт йўналишлари бўйича турли мусобақалардаги ғалабалари ўқувчининг кайфиятига ва унинг рейтинига таъсир кўрсатади.

Инсон ўзига ёққан, ўзи хавас қиладиган, истараси иссиқ, хушфеъл, билимдон ва қобилиятли бўлган шахсни кўриши, унинг жилмайиши, бирдан кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шундай экан, раҳбарнинг соқоли олинганлиги, сочларининг тозалиги ва тартиблилиги, дадил қадам, маънодор хатти-харакат, самимий жилмайишлар унинг ташқи кўриниши ҳисобланиб, тоза, дазмол босилган, сифатли кийим кийиши, кийимларининг ўқитувчи ва мураббийларга хос бўлиши, шунингдек, кабинетининг тоза ва тартибли бўлиши, китоблар шкафида замонавий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, айниқса ўз ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик маҳсулотларнинг бўлиши тарбиявий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади.

Инновацион фаолият-яратилган янгиликлар, олимларнинг илмий-ижодий меҳнати, ёзган китоблари, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалари ўз жамоасидаги таълим-тарбиявий муносабатларни тартибга солиб боришда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қиладди. Яъни, муассасаларда таълим-тарбия мавзуларда илмий-амалий конференциялар уюштириш, ходимларнинг илмий мақолалар билан иштирок этиши, мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан бойитиш, фан ва техника янгиликлари бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш илмий ижодий фаолият билан шуғулланиш учун зарурий шароит яратади, шу билан бирга ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, билим, тажриба ва кўникмаларини ривожлантириб боришни талаб қиладиган ижодий муҳитнинг вужудга келишига замин яратган бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда биринчидан ўқитувчининг инновацион фаолиятини таъминлаш, шахсини шакллантириш, шарт-шароит яратиш, иккинчидан ўқувчиларнинг ҳар томонлама қизиқишларини ҳисобга

олган ҳолда, унинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ўқув-тарбия жараёнида намоён этишни таъминлаш ушбу куннинг долзарб вазифаларидандир.

Педагогика, хусусан таълим-тарбияда илмий тадқиқотлар ҳеч қачон тўхтамайди ва узлуксиз давом этаверади. Педагогик тадқиқотларнинг предмети сифатида мактаблардаги таълим-тарбия жараёни, унинг мақсади, мазмун ва моҳияти, ўқитувчи ва раҳбарларнинг инновацион фаолияти, ташкилий шакл ҳамда ижтимоий шароитлар ҳизмат қилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти таъсиридаги ва ўз шахсий ҳатти-ҳаракатлари таъсиридаги ўзгаришлар орасидаги қонуниятларни очишга, уларни таҳлил қилишга имкон беради. Ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятлари, ҳаракатлари, таълим мазмуни, услуб ва воситалар орасидаги боғлиқликлар, табиат қонуниятлари каби объектив хусусиятлари каби объектив хусусиятларга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг инновацион фаолиятини ошириш ва таъминлаш ҳақида жиддий ҳулоса чиқариш учун мунтазам равишда олиб борилган кузатишлар, тажрибаларга асосланган тадқиқотлар натижаларига асосланиш таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим тизими сифат ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантириш, инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида фаолликни, педагогик қobiliятни шакллантириш, дарс ва машғулотларни илмий асосда ташкил этишга имкониятлар яратиш ҳамда инновацион ёндашувлар технологияларини лойиҳалаштириш ва жорий этиш ўқитувчининг билими, педагогик ва касбий маҳоратларига боғлиқдир.

1.8. Ўқувчилар онгида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. И.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” асарида маънавият тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини ҳам тўлиқ кўрсатди.

“Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятлардир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандлармизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак. Шунга кўра, Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб

аҳамиятга эга. Хозирги мустақиллик даврида истиқлол мафкураси, маънавий ҳаёт ва жамиятдаги янгича муносабатлар моҳиятини англаш, улар ечимини топиш, таҳлил қилиш ва тўғри йўлни танлаш қобилиятига эга бўлган комил инсонни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйган.

Маънавият таркиби - миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, хулқ-атворимиз, ғуруримиз, ижтимоий ҳаётимиз, меъморий обидаларимизни асраб-авайлаш ва туйғуларимиз.

Маънавият ўз ҳалқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ўқувчилар тарбиясида маданий меъморчилик обидаларини миллий ғоявий ривожлантириш тарбиясида ўқитувчи миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, миллий тарихий турмуш ва тафаккур тарзини англаб олишга алоҳида аҳамият беради. Маънавий кадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келажак орзу-истаги, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, ҳаётда сайқал топган моддий ва маънавий бойлик, жамият аъзоларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг таянч воситаси бўлган.

Ўзбек ҳалқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги миллий ғоялари ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашгандир.

Халқ педагогикасидаги илғор миллий ғоялар – авлодни ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук, маърифатли, билим ва хунарларни эгаллаган, одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассамлаштирган гўзал дидли ва завқли қилиб етиштиришдир. Масалан :

Кўҳна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси ва қадимий меъморий обидалари ҳақида кўп гапириш мумкин. Ўқувчилар тарбиясида Бухоро маданий мероси ва тарихий обидаларини келажак авлод учун асраш, уларнинг тарихий археологиясини сақлаш ва авлоддан-авлодга етказиш муҳим рол ўйнайди. Ўқувчилар онгида Бухоро тарихи чуқур из қолдириши учун, биз уларни экскурсияларга олиб боришимиз, Бухоро этнографияси ва халқ педагогикаси билан таништиришимиз керак бўлади.

Қадимий Бухоро тарихи археологик обидалари комил инсон тарбиясида муҳим манба бўлиб, баркамол авлод тарбиясида чуқур аҳамиятга эгадир. “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи теран мазмун-моҳияти билан, номлари битилган тарихий шахсларнинг исмлари ва тимсоллари билан ҳар бир ўқувчи онгида сақланиб қолади.

“Кўҳна ва боқий Бухоро” монументида акс эттирилган меъморий обидалар ҳамда Бухоронинг бошқа меъморий обидаларининг ёш авлодни юксак маънавият руҳида тарбиялашдан иборат. Монументда халқнинг миллий изчиллиги, ўз тарихи давомида сақланган урф-одатлари, ўзаро яқинлик ва тотувлиги, меҳнатсеварлиги, турмуш тарзи, садоқати ва ўзбек халқининг миллий либослари акс эттирилган.

“Кўҳна ва боқий Бухоро” монументида Бухоронинг қадимийлиги ва ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туриши, савдо-сотиғи ва хунармандчилик маданияти, фан ва маданият соҳаларидаги ютуқлари акс эттирилган. Бу билан баркамол авлод таълим-тарбиясига маънавий руҳан таъсир этиш билан бирга ёш авлодни тadbиркорликка ва хунармандчиликка ўргатиб, жаҳон бозорларида ўзи яратган маҳсулотларини олиб чиқиш ва юксак ютуқларга эришиш.

Ўзбекистонимиз гуллаб яшнаётган бир пайтда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини тарихий гўзаллиги ва қадимийлигини мактамай иложимиз йўқ. Чунки Ватанимиз тарихи чет элларда дoston. Бизда яратилган тарихий обидалар чет эл музейларида қадимдан сақланиб келаётганига ўзимиз шохид бўлганмиз.

Жамият ҳаётида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва турли хилдаги ҳўжаликлар шаклланиши билан инсонлар турмуши ва муносабатларини яхшилаш ва ўзгартириш баркамол авлод тарбиясига муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиётида миллий хусусияти, яшаш жойига кўра, урф-одатлари ва анъаналари, дунёқараши, руҳияти ва орзулари мужассамлантирилган иқтисодий ва маънавий маданиятини яратди. Халқимиз яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳимдир. Уларда ифодаланган ғоя ва илғор тажрибалар педагог олимлар, буюк мутафаккирларнинг бола тарбиси ҳақида баён этган фикрлари учун муҳим манба бўлди. Чунончи, Исмоил ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу-Али ибн Сино, Рудакий, Абу Райҳон ал-Беруний, Алишер Навоий ва бошқа алломалар ўз асарларида ахлоқ, одоб, нафосат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларини баён этишда халқ педагогикасидан самарали фойдаландилар.

Ўзбек халқининг узoқ йиллар бола тарбиясида орттирган тажрибаси кучли қудратга эга эканлиги ва ўтмиш мутафаккирлар, шоир ва олимлар донишмандлиги келгуси авлод учун кўзгу бўлиб хизмат қилади.

II БОБ

2.1 Ижтимоий психологик билимдонлик ва самарали муомалага ўргатиш техникаси.

1. Янгича ижтимоий психологик муносабатларга ўргатиш муносабатларга ўргатиш муаммоси. Шарқ мамлакатларида ўзаро муносабатларнинг инсонпарварлик тамойиллари.

2. Ёшларни янгича ижтимоий муносабатларга ўргатишнинг айрим жихатлари.

3. Шахслараро соғлом, самимий муносабатларни таркиб топтириш

Инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, инсоний муносабатлар, шахслараро ижтимоий муносабатлар масаласи ҳам шу даражада кўхна ва ҳамиша долзарбдир. Инсон тафаккури ва унинг ақл идрокига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шуки, унинг тараққиёти энг аввало, кишилиқ жамиятидаги ўзаро муносабатларни қай даражада мукамаллигига ҳамда инсонийлигига боғлиқ. Демократик муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг муҳим бир шакли сифатида ҳар бир муътадил тараққий этаётган инсоннинг маънавий баркамоллиги негизини ташкил этади

Халқимиз маънавияти ва маърифатига назар ташлар эканмиз, қадимий Шарқ мамлакатларида давлатчилик анъаналари аввало инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, тафаккури, ривожига муносиб ўзаро муносабатлар, бир сўз билан айтганда, инсонпарварлик тамойиллари асосига қурилган эканлигини кўришимиз мумкин. Акс ҳолда тарих улуг боболаримиз М.Ғазнавий, А.Темур, Х.Бойқароларни билмаган, уларнинг буюк зеҳни ва иқтидори, жамият, фан, маданияти ва равнақига қўшган хиссаларидан баҳраманд бўлмаган бўлар эди. Лекин инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологияси мос ҳолда шаклландир.

Ижтимоий психологик муносабатларнинг психологик табиатини қилар эканмиз, унинг шахс камолоти ва салоҳиятига таъсири масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиздир,. Чунки, айнан жамиятда, шахслараро муносабатларда шахсда ўзини-ўзи англаш, ўзини-ўзи камол топтириш жараёнлари тезлашади, самимий, инсоний муносабатлар, инсон ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлашга асосланган муносабатлар шахснинг ўзи ҳақидаги билимларини, ўз имкониятларини ва насл-насабини аниқроқ ҳолда туғрироқ тасаввур қилишга имкон беради. Иккинчидан, айнан туғри ижтимоий муносабатлар ўзга шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам англаш, уларни ҳурмат қилишга қаратилган тасаввурлар мажмуининг бўлишига имкон яратиб, инсоний муносабатларда маданият ва илтифот тамойилларига амал қилинишига шароитлар яратади.

Юқорида қайд этилган икки жихат оқибат натижасида инсон шахсини энг олий қадриятлар сифатида эътироф этилиши ва унга нисбатан жамиятдаги

яхлит муносабатларнинг ўзгариши туфайли ҳуқуқий маънавият ва фуқароларнинг сиёсий фаолликларини тобора ошириб боришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам туб ислоҳотлар жараёнларини бошидан кечираётган давлатимизда иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий ислоҳотларга катта эътибор қаратилган. Бу ўринда, шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда республикаимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири ёшларимизнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онгга тўла сингдириш тақозо этади ва ижтимоий психология фани олдига қатор вазифаларни қўяди. Шу ўринда кўплаб тадқиқотчиларни ўйлантираётган масала шуки, жамиятда ривожланадиган ва унинг таъсирида шаклланувчи шахс учун қандай ижтимоий муносабатлар муҳити зарур ёки бошқача қилиб айтганда, унинг баркамоллиги учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мумкинми ёки прогрессив тараққиёти учун муҳим бўлган шахслараро муносабатлар тизимини яратиш имконияти борми? Бу фикрни пайдо бўлишига сабаб – айрим тадқиқодчиларда жамият таъсиридан кўра, шахснинг бевосита ўз муҳити, хаттоки, ёлғизлик ҳам ижобий омил бўлиши ҳам мумкин, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Олимларнинг таъкидлашича, японлар тарбия мактабида «маритао» деб номланувчи тизим мавжуд эканки, унга кўра, ўсмир ёки ўспирин маълум тараққиёт босқичида ёлғизликка маҳкум этилар экан. Бунда унинг ғорга, шунга ўхшаш жойга ёлғиз қамаб қўйишар, хатто ўзи билан ўзи мулоқот қилиши ҳам таъқиқланаркан. Ғарб тадқиқодчилари (Л.Семеонова ва бошқ.) ушбу жараённинг психологик моҳиятини талқин қилар эканлар, унинг 2та жихатига эътибор қаратилади: бир томондан бу нарса ижобий самара бериши мумкин, чунки одам ўзини -ўзи англаш, ўзига ҳолис баҳо бериш, ижодий ривож учун зарур имкониятни ўзидан қидиришга муяссар бўлади. Лекин 2-жихати ҳам борки унда одам ўзгаларда худди ойнага қарагандай ўз аксини кўради, шу туфайли у кишилар жамияти талаб ва қоидаларига бўйсуниб, ўз-ўзини мукаммаллаштириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Маълумки, суфийлар ҳам ислом оламида ўзига хос рухий дунёга эга бўлишган, уларда ҳам дунё ғамларидан ва хурсандчиликларидан воз кечиш, ўз хиссий оламида ёлғиз ҳақ йўлида ҳаракат қилиш фалсафасига асосланишган. Лекин уларни дунёқараши ва психологиясида бир муҳим жихат борки, унда «Ўзини таниган киши ўз Раббини танийди» деган ҳадисий қоидага амал қилинган. Яъни тасаввуфда ҳам инсон жамиятда яшар экан, аввало у ўзини севишга ўрганади, ўз камолоти учун курашади, бу унинг Оллоҳга бўлган мухаббатининг рамзи ва нишонаси ҳисобланади.

Абухамид аззолий фикрича, барча инсонларга хос бўлган сифатлар борки, уларнинг мазмуни қуйидаги омиллар орқали тушунтирилади:

1. Инсон ўзини, ўз камолоти ва ҳаётига асос бўладиган нарсаларни севади.
2. Ўзига яхшилик қилган, ёрдам берадиганларни севади
3. Умуман ҳаммага яхшилик қиладиган саховатли одамларни севади, жумладан, адолатли шохлар ҳам сеvimли
4. Барча гўзал нарсалар, насофат олами, хушбўй ва хушсурат нарсаларни ҳам севади.

5. Маслак ва махсаб юзасидан ҳам одамлар бир-бирларини яхши кўрадилар, бўларнинг барчаси охир -оқибат, инсонларнинг рухий-маънавий қариндошлигига асос булади. Кўриб турганимиздек, тасаввуф илмида ҳам жамиятда мўътадил инсоний муносабатлар билан индивидуалик ўртасида тафовут йўқ. Зеро, жамиятнинг туб моҳиятини англаб етиш, аввало ўзини ўзи англаш ва шу орқали ижтимоий муносабатлар мазмунини тўғрироқ тушинишга олиб келадиган мантикий йўлдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ёшлар тарбиясида уларнинг янгича ижтимоий муносабатга ўргатишнинг айрим жихатлари ҳақида фикр юритамиз.

1-дан ижтимоий муносабатлар ёшлар тарбиясининг барча босқичлари ва жабхаларида эътиборга молик объект сифатида қаралмоғи лозим. Яъни оилавий муносабатлардан тортиб, то меҳнат жамоаларидаги муносабатларда инсон шахси, индивидуаллиги, бетакрорлигини ҳурмат қилиш, унинг ўз иқтидори, маслаги ва имкониятлари қандай бўлса, худди шундайлигича табиий тарзда қабул қилиш ва шу аснода унинг ривожини учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассислар тайёлашда уларда касбий маҳоратнинг усишини таъминловчи маънавий омиллардан бири – талабанинг шахсий интилиши, қизиқиши, маслаги нуқтаи назаридан ўз билимига ва малакаларига муайян талаблар қўя билишдир. Бошқача қилиб айтганда, биз таълим «стандарт»ларига тўла жавоб берадиган шахсни мутахассис сифатида бир қолипда тарбиялашимиз қийин, лекин мақсадли таълим тарбиямизда ҳар бир талабанинг ривожига тўртки бериш, унинг муомала тасаввури ўсишига таъсир этиш усуллари қўллашда энг самарали муомала шаклини амалиётга тадбиқ этиш зарур. Демократик, тенг ҳуқуқлилиқка асосланган ўзаро муносабатларгина талабага ўзини-ўзи англаш, келажакда жамиятга нима бера олиши ҳақида тасаввурларга эга бўлиши, ўз руҳиятида «ички тартиб интизом»ни жорий этиш ва шу аснода ўзини ўзи рухий маънавий жихатдан тарбиялаш тизимини амалга ошириш имконини беради. Зеро, шахс маънавияти ривожини ҳам аввало ўзини ўзи англаш, кейинчалик ўз манфаатини англаш ва ният жамиятни таниш босқичларини тақозо этади.

2-дан, айнан янгича демократик муносабатлар ёшларни касбга тўғри йўналтириш, ўз иқтидори доирасида касб танлаш, унга тўғри муносабатда бўлиш, бошқача қилиб айтганда, бозр муносабатлари эҳтиёжлари ва талабларига хос ҳамда ҳар бир шахснинг лаёқатига ва маслагига мос касб танлашга йўналтиради. Бу жараён кейинчалик мутахассис учун зарур бўлган касб маҳорати ва профессионализм учун муҳим замин ҳозирлайди.

3-дан. Ҳар бир шахс учун ўз эркинлигини англаш, ўзига муносабатларнинг ижобийлигини ҳис этиш муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олар эканмиз, биз айнан демократик тамойилларнинг ҳаётда барқарорлиги шароитидагина йигит-қизларда ўз оиласига, яқинларига, меҳнат ёки таълим муассасасига, эл-юртга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тарбиялашимиз мумкин. Зеро, бу нарса Ватанга бўлган муҳаббатнинг, юксак ахлоқ ва ватанпарварликнинг яккол асосидир.

Маълумки, бугун туб ислохотлар шароитида ёшлар тарбиясида ўзини-ўзи бошқариш муаммоси катта аҳамиятга эга. Унинг самарадорлиги шахслараро соғлом, самимий муносабатлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бугунги кунда олий ўқув юртларини ислоҳ қилиш зарур экан, ўқув режалари ва замонавий талабларга мувофиқлаштириш билан бир қаторда, ҳар бир талаба билан профессор-ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларини тубдан ўзгартириш муаммоси борлигини ҳис этиш зарур. Ёшларимизни мустақил фикрловчи, фаол, шижоатли, ўзига ишонувчан, зукко, билимдон, демократик муносабатларнинг субъекти қилиб тарбиялашни амалга ошириш учун сузсиз, ижтимоий психология ва унинг методлари муҳим рол уйнайди. У тарбия жараёнини соф ижтимоий муносабатларнинг махсули деб қарайди. Янгича фикрлаш ва тафаккурнинг муҳим шарти сифатида демократик муносабатларга асосланган муомала жараёнини таҳлил қилади. Демак, барча олий ўқув юртларида талабаларга махсус дастурлар асосида муомала техникаси ва этикет асослари ўргатилиши лозим.

2-дан, унинг асосида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасида янгича «субъект-субъект» шаклидаги муомала устувор бўлиши керак. Бу муносабатларнинг асл моҳияти шундаки, эндиги асосий вазифа – профессор-ўқитувчининг ўқитиши эмас, балки уни «ўқитишга» ўргатиш орқали таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектига айлантиришдир. Бошқача қилиб айтганда, янгича муносабатлар таълим ва тарбия жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг муносабатларини ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш шароитига бўйсунган бўлишини тақозо этади

Бу ўринда фанда мавжуд бўлган анъанавий бошқарувнинг демократик, авторитар ва либерал турлари ҳақидаги қарашларни яна бир бор таҳлил қилиш

зарур. Шундай қилиб, агар биз профессор-ўқитувчини эскича стереотиплардан, яъни ўзининг мутлоқ билимдонлиги, талабанинг вазифаси эса фақат уни танқидсиз қабул қилиши, тинглаши ва такрорлаши эканлиги билан боғлиқ турғун қарашлардан ҳоли қила олсак, илм олувчини эса, эркин фикр юритиш ва ўз фикр-мулохазаларини баён этишга ва ўз эркини хис этишга ўргата олсак, шахс психологияси ва муносабатларида янгича ҳолат юзага келади, яъни шунда шахс ўзини:

- а.) эркин хис қилади
- б.) ўз имконияти ва иқтидори ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлади
- в.) тафаккурнинг альтернатив-муқобил бўлишини тўлиқ англайди
- г.) ҳар бир шахснинг ички “мен” дастури мукаммаллашиб боради
- д.) ўз фикр ва қарашларининг, ҳуқ-атворининг асл сабабларини англаш, индивидуал эҳтиёжлар табиатини тушуниш имконияти туғилади.

Бунда ижтимоий психологик тренинглари, яъни самарали мулоқот ва муомала усуллари ҳамда маромларини кенг қўллаш катта амалий аҳамият касб этади.

Демак, ижтимоий психологик билимдонликдан кўзланган асосий мақсад – талабаларни бўлғуси ижтимоий фаолиятга психологик жихатдан тайёрлаш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, коммуникатив билимдонлик ва шахслараро мулоқотнинг мураккаб шаклларига мослашиш жараёнларини тезлаштиришдан иборатдир.

Таянч иборалари:

Инсонпарварлик тамойиллари, янгича ижтимоий муносабатлар, шахс маънавияти ривожланиши босқичлари, демократик муносабатлар, ўз-ўзини бошқариш, соғлом психологик муносабат.

2.2. Ижтимоий психологик билимдонлик- самарали муомала омили сифатида

1. Билимдонлик тушунчасининг ижтимоий психологик моҳияти.
2. Ёшларнинг билим доирасини оширишда ва дунёқарашини кенгайтиришда психологик билимдонликнинг аҳамияти.
3. Ёшларнинг психологик саводхонлигини ошириш йўллари.

Маълумки, илмий адабиётларда “ билимдонлик” тушунчаси кўпинча «ақл», «ақллилик», «илмга чанқоқлик» тушунчалари билан бир хил маънода ишлатилади. Аслида психологик нуқтаи назардан ушбу тушунчалар ўртасида моҳиятан бир оз бўлсада фарқ бор. Буюк бобомиз А.Навоий «ақл» тушунчасини «билимдонлик»дан кенгрок таърифлаб, ақл сўзининг 27 даражаси ва 27 сифатини ажратади. Ушбу сифатлардан энг муҳим ва ижобийлари бевосита билимдонликка алоқадордир. М:

«ақл мухандислари»- донишмандлар, олимлар, билимдонларни;

«ақл пири»- тафаккур устози, фаросатли кишиларни

«ақл ўти»- зехн ўткирлиги, хушёрликни

«ақли кулл»- энг етук ақл каби қатор сифатларгина инсонни атроф-мухитда руй берадиган воқеа-ходисаларнинг моҳиятига етиш, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, янгилик очиш, ижодий изланиш хислатларини акс эттиради.

Ибн Сино эса, инсон фаолиятидаги ҳақиқатни билишга олиб келувчи назарий, ҳамда яхши ишларни бажаришга йўналтирувчи амалий билимларни фарқлайди. Демак, шахснинг билимдонлиги унинг атроф-мухит, табиат ва жамиятда руй бераётган мураккаб ходисаларни кишилар ўртасидаги муносабатларни англаш, баҳолаш, ўзи ҳақида туғри тасаввурга эга бўлиш негизида ҳаётда, кундалик турмуш ва онгли фаолиятда намунали ишларни бажариш, инсоний фазилатларга амал қилишни такозо этади. Бугунги кунда ёшлар тарбияси олдида турган энг муҳим вазифа ҳам келажагимиз бунёдкорларида айнан шундай сифатлар мажмуини шакллантиришдир.

Фанлар тарихидан маълумки, фалсафа фани билимларнинг энг юқори погонаси бўлиб, энг фозил ва донишманд инсонлар ушбу соҳалар билан шугулланганлар. Лекин фалсафанинг назарий ҳамда амалий қисмлари бўлиб, биринчи қисми 3 босқичдан: табиатшунослик, математика ва метофизикадан;

Амалий қисми ҳам 3 босқичдан: - шахс ҳақидаги илмлар, инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илмлар, мамлакатни бошқариш илми қисмларига бўлинади.

Бизнингча билимдонликнинг юксак погонаси барча илмлар соҳибининг диди, фаҳм-фаросати ва зукколигини тақозо этади. Яъни маърифатли, билимга чанкок шахс табиат ва жамият, инсон тафаккури ва маънавий дунёсига алоқадор барча билимларга бефарқ эмаслиги, уларни муккамал эгаллаганлиги билан фарқланади. Шундай авлодгина мураккаб технология, халқаро муносабатлар ривожланган даврда халқ хужалигининг устувор йўналишларини бошқарувчи Юқори малакали мутахассис сифатида давлат ва жамиятга фойда келтириб ишлай олади. Бугунги кунда таълим тизимининг асосий вазифаси - Кадрлар тайёрлаш миллий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқаётганлиги мантиқан туғридир. Ижтимоий психология ҳам билимдонлик тушунчасининг моҳиятига ўзига хос тарзда ёндашади ва унинг серкирралигини эътироф этади. Психологик нуқтаи назардан олиб қаралганда шундай муҳим жиҳат мавжудки, у ҳам бўлса аниқ илмлар соҳасида билимлар ҳамда шахснинг жамиятдаги инсоний, мафкуравий, ҳуқуқий, сиёсий, демократик муносабатлар туғрисидаги билимларининг ўзаро уйғунлиги масаласидир.

Ўзбекистон шароитида ушбу масаланинг ижобий тарзда хал қилинишига 1996 йили чиқарилган «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ Марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва улар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги» фармон, Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг ушбу фармонни уқув юртларида бевосита бажаришга қаратилган қатор буйруқ ва қарорлари, турли уқув масканларида «Маънавият ва маърифат асослари» курслари уқитилишининг ташкил этилиши сезиларли роль уйнади.

Маънавият соҳасидаги ислохотлар, амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқи маданияти, Ватанининг утмиши ва бугуни, миллий қадриятларга туғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда, бу эса, зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир. Акс ҳолда олам сиру асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс агар у билимларини, аввал уз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йуналтира олмаса, ва унинг жамият тараккиётига алоқасини тасаввур қила билмаса, маънавияти кашшок, иқтидори эса самарасиз, худбин сифатида баҳоланади. Шу боис ҳам мамлакатимиз олий уқув юртларида, мактабларда «Маънавият сабоклари» нинг киритилиши улардан кутилаётган самара ана шу эзгу ниятларнинг амалга ошишига сабаб бўлмоқда. Олийгоҳларда талабалар ҳуқуқий маданиятини ўрганиш ва уни шакллантиришга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Фарғона Давлат Университети олимлари ҳуқуқий онг билимлар билан ҳуқуқий маданият ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот утказганлаар. Маълум бўлишича талаба ёшларнинг билим доирасида республиканинг Асосий Комуси, унинг моҳияти, қонунчилик шартлари ва мазмуни ҳақида тасаввурлар мавжуд, яъни ҳуқуқий онгнинг шаклланганлик даражаси 2-4 курс талабаларида тахминан 70-75% ташкил этган бўлса ҳуқуқий маданият мезони ҳақидаги тасаввурлари 18-20% ташкил қилган ҳолос.

Ниҳоят юқоридагиларга алоқадор яна бир жиҳат борки, бу ёшларнинг психологик саводхонлиги ва уни ошириш масаласидир. Психологик саводхонлик тушунчасининг асл моҳияти – бу шахснинг ўзи, унинг хиссий кечинмалари муносабатлари мажмуи билан жамият ва ундаги шахслараро муносабатлар тизими, қадриятлар, маънавият тўғрисидаги тула тасаввурларидир.

Психологик нуктаи назардан, билимдон одам тасаввурларида объективлик ва ҳолислик сифатлари мавжудким, шу туфайли у уз «мени» ни мукаммаллаштириш ва узгалар билан туғри муносабатлар урнатиш қобилиятига эга. Тўғри, ҳаёт ундаги вазиятлар, ходисалар, шахсий тажриба шахсни маълум йўналишда ривожланишига сабаб ҳисобланиб унинг маълум ижтимоий тасаввурлари тизимини ҳосил қилади. Лекин стихияли, тажрибадаги

хатоликлар ва ютуқлар эвазига орттирилган психологик саводхонлик аниқ мақсадга йуналтирилган, шахс ва жамият манфаатларига аниқ таҳлил ва эзгу ниятларга таянган билимдонликдан фарқ қилади. М: бошқарув тизимини оладиган бўлсак, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатларнинг туғри йўлга қуйилмаганлиги кўпинча шахслараро зиддиятларни ва низоларни келтириб чиқаради. Лекин агарда раҳбарнинг фаолияти, мақсадларида ходимнинг индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий кутиши ҳамда иқтидори ҳисобга олиниб, мулоқотга киришилса, мулоқот самарадорлигини оширувчи усуллардан фойдаланилса, натижа ўзаро келишув ва томонларнинг ҳамфикрлиги билан яқунланади. Янги давр кишиси, умуман ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган шахслар махсус дастур асосида муомала техникаси ва ўзини тарбиялаш технологиясини эгалласалар, унда ижтимоий фаолият самараси ортади.

Психологик саводхонлик яна шунинг учун ҳам зарурки кўпинча инсон уз иқтидори ва имконияти даражасида аниқ тасаввур қилмайди, билимгоҳ ёки касб танлашда узгалар таъсирига берилиб, муайян хатоликка йўл қуяди. Бунинг оқибатида нафакат уша шахс азият чекади, балки жамиятга зарар келтиради. Хар бир шахс ўзини ўзи тарбиялашнинг малакаларига эга бўлиши, аутотренинг элементларидан бохабар бўлиши, ўзгалар билан мулоқотга тайёрлиги, тренингларда куникмалар ҳосил қилиши, «узгача була олиш» санъати, унинг рухий баркамоллигига заминлиги туфайли жамиятда соғлом инсоний муносабатлар устун туради. Билимдон кишилар ўзининг билим тизимидан ҳам унумли, ҳам самарали фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Зеро, баъзан билимлар доираси кенглиги сабабли димогдорлик иллоти юзага келиши, салоҳияти бўйича уз урнини топа олмаслик, уз-ўзини қуйи баҳолаш баркамол шахс тараккиёти учун салбий таъсир курсатади. Демак, ижтимоий психологик билимдонликдан кўзланган асосий мақсад – ёшларни булғуси ижтимоий фаолиятга психологик жихатдан тайёрлаш, уларда инсоний фазилатларни шакллантириш, коммуникатив билимдонлик ва шахслараро мулоқотнинг мураккаб шаклларига мувофиқлашув жараёнларини тезлаштиришдир. Бугунги талабалар эртанги куннинг бунёдкорлари, ватанпарварлари, меҳнатсевар инсонлар, жамоаларни бошқарувчи зиёлилар бўлиб етишиши кераклигини ҳисобга олсак, улардан билимдонлик даражаси ва куламининг кенг бўлишининг аҳамияти шак-шубҳасиздир. Юксак, теран ва атрофлича фикр юрита оладиган ва ижтимоий фаолиятидан эл юртга наф етказа оладиган инсонларгина комолотга эришиши мумкин. Бу жараёнда ижтимоий психология ўзининг фаол методлари ва қонуниятлари билан ўз хиссасини қўшади.

Жамиятимизнинг бугунги ижтимоий ҳаётида рўй бераётган туб ислохотларнинг моҳияти ҳақида фикр юритилар экан, энг ноёб миллий

кадриятларни ёш авлод рухига ва маънавий дунёқарашига сингдириш ва ундан умуминсоний манфаатлар йўлида фойдаланишнинг ягона йўлларида бири-бу уларда билимдонликни етарли даражада шакллантиришдир.

«Дунёнинг демократик кадриятларидан бахраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда». Факат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараккиётнинг барча афзалликларини кадрлай олишини, ва аксинча билими кам, олим одамлар авторитаризм ва тоталитар тузумини маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда (Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида. 1997 йил)

Давлатимизда мустақиллик қўлга киритилиб, ҳуқуқий ва демократик ислохотлар амалга оширилишида қилинаётган ижтимоий саъи-ҳаракатларнинг неъматини шундаки, мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтди. Ўз тарихимиз, тилимиз, миллий кадриятларимиз, маданий меросимиз дурдоналарини ўрганишга очилган йўл халқ тафаккурининг ривожланиши, унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлишига имкон яратади, ёшларни мустақил фикр юритишга ўргатади.

Психологиянинг асосий муаммолари.

- 1.Мулоқот ва шахслараро муносабатлар*
- 2.Мулоқот кишиларнинг ўзаро муносабатга киришини жараёни экани.*
- 3.Мулоқот маълумот алмашинуви жараёни.*
- 4.Мулоқотнинг интерактив ва перцептив томони.*
- 5.Таббикий ишлар ва илмий изланишларнинг зарурлиги.*
- 6.Ёшларни янги демократик муносабатларга тайёрлаш.*

Хар қандай фаолият одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни,бир-бирларига турли хил маълумотлар узатишни,фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам хар бир шахснинг жамиятда тутган урни,ишларининг мувоффақияти, обриси унинг мулоқотга кириш қобилияти билан бевосита боғлиқ.

Шахслараро мулоқот жараёни жуда мураккабдир. Б.Ф.Паригиннинг ёзишича, «мулоқот шунчалик кўп киррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради»

- А. Индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни
- Б. Индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни
- В.Бир шахснинг бошқа бир шахсга муносабати жараёни
- Г.бир кишининг бошқаларга таъсир курсатиш жараёни.
- Д.бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти
- С.шахсларнинг бир-бирларини тушиниш жараёни

Мулоқотнинг турли шакллари ва боскичлари мавжуд бўлиб, дастлабки боскич — одамнинг уз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани «Ижтимоий психология» китобида (дарслигида) «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, уз-ўзига кўрсатмалар бера олади», — деб туғри ёзган эди. Одамнинг уз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характери ва хажмини белгилайди. Агар одам уз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тотиниб юрса, демак, у бошқалар билан, суҳбатлашишда жиддий кийинчиликни бошидан кечиради дейиш мумкин. Демак, бошқалар билан мулоқот — мулоқотнинг иккинчи боскичидир. Учинчи боскич авлодлар ўртасидаги мулоқот. Бу мулоқот туфайли ҳар бир жамиятнинг уз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд буладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илгор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим-тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Мулоқот мураккаб жараён. Унинг тузилиши қуйидагича:

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони — мулоқотларга киришувчилар ўртасидаги маълумот алмашинуви жараёни.
2. Мулоқотнинг интерактив томони — мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атвори таъсири.
3. Мулоқотнинг перцептив томони — мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён.

Ҳар қандай мулоқот расмий ёки норасмий булади. Расмий мулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атворидан келиб чиқади. Масалан, раҳбарнинг ўз ходимлари билан, профессорнинг талаба билан мулоқоти. Норасмий мулоқот одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни уша суҳбатдошларнинг фикр-уйлари, ният-мақсадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. М: дўстлар суҳбати, поездда узок сафарга чиккан йўловчилар суҳбати, танаффусда талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги суҳбати. Одамларнинг асл табиатига мос бўлгани учун ҳам норасмий мулоқот доимо одамларнинг ҳаётида кўпроқ вақтини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин бундай мулоқотга ҳам қобилият керак, яъни унинг қанчалик сергаплиги, очик кунгиллиги, суҳбатлашиш йўллари билиш, тил топишиш қобилияти, узгаларни тушуниш ва бошқа шахсий сифатлари кундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир курсатади. Шунинг учун ҳамма ҳам раҳбар бўла олмайди, айникса, педагогик ишга ҳамма ҳам кул уравермайди, чунки бунинг учун ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардорлик талаб этилади.

Мулоқот мавзуси ва йўналишига кўра:

1. Ижтимоий йуналтирилган (кенг жамоатчиликка қаратилган ва жамият манфаатларидан келиб чиқадиган).

2. Гуруҳдаги предметга йўналтирилган (меҳнат, таълим жараёнидаги ёки бирор топширик бажариш жараёнидаги мулоқот).

3. Шахсий мулоқот (бир шахснинг бошқа шахс билан ўз муаммоларини ечиш мақсадида ўрнатган муносабатлари).

4. Педагогик мулоқот (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни).

Хар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш хар бир кишининг, айниқса, одамлар билан доимо мулоқотда буладиганларнинг бурчидир.

Мулоқотнинг коммуникатив томони — шахслараро ахборотлар, билимлар оқибатлари, фикрлар алмашинуви. Бу жараённинг асосий воситаси — тил. (ёзма-оғзаки, монологик-диалогик нутк) Диалогик нуткнинг мазмуни, характери, давомийлиги мулоқотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ булади. Ўқитувчи-ўқувчи, сиёсий раҳбарларнинг, дипломатларнинг, дўгоналарнинг суҳбати бир-биридан фарқ қилади. Монологик нутк бир кишининг бошқа кишига муножаати — фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш керак. Одамларнинг мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулгу, оҳанглардан ҳам фойдаланадилар. Мимика, кўз қарашлар, тўхташлар (пауза) ифодалари ва ҳоказо. Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулгу тури, 85 хил кўз қарашлар тури борлигини кузатган. Буларнинг барчаси одамларнинг бир-бири билан мулоқоти ва бир-бирларига бўлган муомалалари давомида кузатилган экан.

Бу новербал мулоқот воситаларининг миллий ва ҳудудий хусусиятлари бор. Масалан ўзбек халқининг мулоқот жараёни бой, ўзаро муносабатларнинг бевосита характери унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болгарлар бирор фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини чайқашар, инкор этмоқчи бўлишса, бош силташар экан.

НOVERбал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам аҳамиятга эга: Масалан, аёллар хиссиётга берилганлиги учун бир — бирлари билан яқин туриб гаплашар эканлар, эркаклар ўртасида масофа бўлар экан.

Ўқувчиларни партада орқама — кетин ўтказгандан кўра доира шаклида ўтказилса, уларда жавобгарлик хисси юқорирок бўлар экан, чунки эмоциялар

алмашгани учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир – бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

Демак таълим – тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нуткка эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданок нутк маданиятига ўргатиш, нуткларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог ҳам чуқур нутк маданиятига эга бўлиши керак.

1. **Мулоқотнинг интерактив томони** – кишиларнинг биргаликдаги фаолиятда бир – бирларига амалий жихатдан таъсир этишлари. Ҳамкорликда ишлаш, бир – бирларига ёрдам бериш, бир – бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларни намоён қилиш мумкин.

Одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари ҳулк – атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун қоидалардир. Чунки ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай ҳатти – ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб тасаввурлар, ҳислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини бошқа биров билан солиштириш, масалан: 1 – мартда учрашувга кетаётган йигитнинг ҳолатини унинг уртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия – мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясида туриб, ўзини тасаввур қилишдир, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Масалан: гуруҳдошингиздан бирига куйлаги ярашмаганини айтиш мумкин, 2-чисига айтсам куйяпти деб уйлайди дейсиз.

Стереотипизация – одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган, кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш, бундай стереотиплар баъзан мулоқотни туғри йўналишини таъминласа, баъзан хатоликларга сабаб бўлади. Масалан: қизларнинг шим кийиб юриши ёки велосипед миниши. Кўпчилик бундай қизларни одобсиз деб ўйлайди, бу нотуғри, албатта.

Баъзан кишини ташқи қиёфасидан унинг характерини аниқлайди. М: шундай тажриба ўтказилган: талабаларга турли қиёфадаги кишиларнинг расми кўрсатилган, улар ияги катта кишилар кучли иродага эга, пешонаси кенг одамлар-ақлли, сочи қаттиқ одам- қайсар, бўйи паст одам- ҳокимиятга интилувчи, чиройли одам- ўзига бино қўйган ёки нодон бўлиши айтилган. Булар албатта, тўғри эмас. Лекин кишиларнинг онгида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Натижада одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида бўлган маълумот катта роль ўйнайди. М: Бодалёва талабаларнинг 2 гуруҳига 1 одам портретини кўрсатиб, уни 1-гуруҳга –жиноятчи, 1-гуруҳ талабаларига эса олим деб таништирган.

1-гурухдагилар унинг кўзларини-ёвуз, бешавқат деса

2-гурухдагилар унинг кўзларини-доно, мулойим дейишган.

Одамларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши, хиссий ҳолати, овози, қилиқлари, юриши ва х. к. ишларининг ичида одамнинг сўз мулоқот манбаи суҳбатдошига энг кўп маълумот беради.

Одамнинг бир -бирларини тўғри англашлари идрок (асосий билиш) соҳасига алоқадор, бир-бирларини тушунишлари эса уларнинг тафаккур соҳасига алоқадор, мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг хиссий ҳолатига кира олган хиссобрланади. Яъни унда эмпатия-бировларнинг хис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, « кўпни кўрган» шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Психологлар турли мулоқот вазиятларига дуч келадилар ва ҳар бир вазиятда улардан ўткир дид, одоб кишиларнинг психологиясини билган ҳолда уларни тўғри тушуниш малакаси талаб қилинади. Бўлғуси психолог бу борада қуйидаги қонуниятларни билиши керак

1.Биринчи кўрган одам ҳақида фақат бирламчи тасаввургина бўлиши мумкин.

2. Бирор киши ҳақида берилган маълумотга асосан муайян фикр ҳосил қилиш осон, лекин уни ўзгартириш қийин.

3. Интеллект жуда юқори бўлса ҳам, жуда паст бўлса ҳам бошқа одамни тушуниш қийин.

4.Махсус тайёргарлик бўлиши керак.Тажрибада 5-курс психологлари билан рассомларни одамларга берган баҳоси солиштирилган, рассомларни берган баҳоси аниқроқ бўлиб чиққан.

5.1та одамнинг баҳолаш топшириғи берилганда оғриқни бошдан кечираётган одамлар унда жоҳиллик сифати бор деб баҳолаганлар , яхши ҳолатда бўлганларида эса худди ўша одамни яхши сифатларга эга деб айтганлар-демак, бирор кишига баҳо бериш- одамнинг эмоционал ҳолатига ҳам боғлиқ экан.

6.Шахснинг очиклиги-яъни очик, самимий одамнинг берган баҳоси билан тунд ва писмиқ одамнинг баҳолари ўртасида сифат жиҳатидан фарқ бўлишлиги аниқланган.

Хулоса, бўлғуси психологлардан психологик билимдонликни талаб этади. Бунинг ижтимоий психологик тренинглар ёрдамида амалга оширилади одамларда мулоқат малакалари ҳосил қилиниб,улар турли ижтимоий шароитларда ўзини тўғри тутишга одатлантирилади. Бошқача айтганда, тренинг мулоқотга ўргатишдир.

Мулоқотга ўргатиш ҳозирги замон кишисининг турли ишлаб чиқариш ва муомала шароитларида тўғри мослашишга ёрдам беради.

Бунинг учун махсус тайёарлик гуруҳлари ёки тренинг гуруҳлари ташкил этишни психологлар таклиф этишган

Ғарбда шу мақсадда Т-гуруҳлар ташкил қилиниб, мулоқот жараёнида қийинчилик ҳис этаётган кишилар таклиф этилган. Ижтимоий психологик тренингнинг асосий усуллари- гуруҳий мунозаралар, ролли ўйинлар, психологик сезгирликни оширувчи тренинглардир. Тренинг гуруҳ аъзолари 7-15 кишигача бўлиб машғулотлар бир неча кундан бир неча ойларгача давом этади

-уларнинг мулоқот манбайида ўзини «ўзгалар» ўрнига қўйиш, уларнинг ички оламини тўғри тушиниш қобилияти ва истаги тарбияланади.

Ижтимоий психологик тренингларга қўйидаги методик талаблар қўйилади:

1. Мунозара ёки ўйинлар жараёнида ҳар бир иштирокчи вазиятни ёки ролни фаол ўзлаштириб, ҳар бир ҳолатдан ўзи учун ҳулоса чиқаришга олиб келиш зарур.

2. Т-гуруҳларда мулоқотнинг нутқ шаклларида ташқари, нутқсиз-новербол шакллари ҳам кенг қўлланиши, яъни ҳар бир иштирокчи (ўрганувчи) ҳар бир ҳаракат, ритмнинг моҳиятини ҳам тушуниб уни ҳаётда ишлатишга ҳам эришиш зарур.

3. Ҳар бир иштирокчи кундалик юритиб, уни ҳар галги машғулотлардан сўнг ўзига ҳис кечинмалари, муоммоларни ечишдаги шахсий иштироки, тасаввурларини одилонга ёзиб бориши муҳимдир.

4. Т-гуруҳга қатнашиш ихтиёрий бўлганлиги учун, ҳар бир аъзо машғулотларни қолдирмасликка ҳаракат қилиши зарур,- чунки бу аъзоларнинг ўзаро муносабатларига, гуруҳнинг муҳитига бевосита таъсир қилади

5.Машғулотлар махсус хоналарда, шовқин сурондан ҳоли ерда ташкил этилиши, шинам бўлиши керак.

6.Машғулот ўтказувчи тренер- махсус тайёргарликдан ўтган, ҳушмуомала, дид билан кийинган, ўз кайфияти ёки ўйинга шахсий муносабат билан машғулотларнинг табиий кечишига ҳалақит бермаслиги, сабр-тоқатли, маданиятли бўлиши зарур.

Машғулотларни «юмалоқ стол» ёки «тўртбурчак» стол атрофида гилам устида, баъзан тик турган ҳолда ҳам ўтказиш мумкин.

Ҳозирги даврда Т-гуруҳлар раҳбарларни мулоқотга тайёрлаш, маъсул шахсларни қайта тайёрлаш курсларида, психологлар даврасидагина ўтказилмоқда. Мулоқотдаги билимдонлик барча мутахассисларга зарур.

Амалий психолог хох мактабда бўлсин, хох саноат корхонасида ёки бошқа ўқув юртида бўлмасин, маҳаллий шароитни чуқур ўрганган ҳолда, у ердаги раҳбарият билан келишиб, Т-гуруҳлар ташкил этмоғи ва ҳам ўзининг, ҳам атрофдагиларнинг билимдонлигини ошириб бормоғи зарур.

Фан амалиётга-деган тамойил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Чунки ёшларни мустақил давлатимиз маънавий негизларини теран англашга ўргатиш ва уларни маърифатга чорлаш жараёнида қатор тадбиқий вазифаларни амалга оширишни тақазо этади.

Илм-фан тараққиётини узоқ даври шу билан тавсифланадики, олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали ҷамият ва инсоният тараққиётини ёритишга ўрганишлари кўп учрайди. Бу коида педагогика ва психология фанларига ҳам тегишли.

Бугун биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури ривожланишини тезлатувчи, унинг давр ва кишилар ҳулкига ҳамоҳанг тарзда кетишини таъминлаб берувчи тадбиқий ишлар ва илмий изланишлар зарур. Мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий сиёсий ислоҳотлар шуни талаб қилмоқда.

Долзарб муаммолардан бири- ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга рухий жиҳатдан тайёрлашдир. Маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ёшларда ўз халқининг маданияти, Ватаннинг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга туғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу- зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир.

Акс ҳолда, олам сир асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларини аввало ўз халқи, миллати, яқинлари манфатига йўналтира олмаса ва унинг ҷамият тараққиётига алоқасини тасаввур қила олмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз худбин шахс сифатида баҳоланади.

III-БОБ

3.1. Ёшларни оилада маънавий етуклигининг энг муҳим мезонларидан бири ватанпарварликдир

Баркамол ахлоқ ва яхши хулқ, бирданига пайдо бўлмайди. Халқ, ахлоқий мезонлари кўҳна она замин билан, Ватан деб аталмиш муъжиза бир диёр билан, унинг жонли ва жонсиз хилқати, қуёши, ҳавоси, булоғу дарёларига рухий ришталар билан боғланган. Бу ришталар худди она вужудидан ҳаёт нурини олувчи бола киндиги сингари она заминга уланган. Ана шунинг учун ахлоқий тасаввурларимиз, адаб мактабимиз пировард натижада миллат учун, унинг обриси ва истиқболи учун хизмат қилсагина бошқаларда эҳтиром ва ҳавас туйғуларини ўйғотади; ана шундагина миллат ўз ўтмишини, тақдирини, урф-одатларини унутмайди. Яхши фазилатлар, одатлар, анъаналар ва имонли кишилар сиймоси авлодлар йўлини шамчироқ, янглиғ ёритиб боради.

Дунёда шундай бир китоб борки, у ҳеч қачон ўқиб тугатилмайди, шундай бир мусиқа асари борки, уни охиригача ижро этиб бўлмайди. Бу халқ, миллат ҳаёти, тақдири, урф-одатларидир.

Мустақиллик туғилган тилларни бийрон қилиб юборди, эгилган билақларга куч берди, орзуманд нигоҳдарга нур бағишлади, тафаккур уфқини кенгайтди, миллат тақдири ва инсоний идеаллар қисматини адолат ва истиқбол тарозиси устига қўйди.

Ҳар инсон ўз қўшиғини айтиш билан баробар замон ва миллат куйига қулоқ, тутиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолди. Шу боис, баъзи унутилган ёки одатий бир йусиндаги фазилатларимиз, ахлоқу одоб соҳасидаги бебаҳо мулкимизни эслаш қанчалик кунгилни яшнатиб юборса, замона зайли билан халқимизга кириб қолган ёки таъбимизни хира қилаётган жихатлар шунчалик дилимизга озор беради. Ватан-остонадан бошланади. Демак, Ватан оила остонасидан бошланади. Ватанпарварлик, миллий гурур, милдий узликни англаш шу оилада шаклланиши зарур. Бурч - ота-она олдидаги фарзанд бурчи, фарзанд олдидаги ота-она бурчи ва вазифалари айнан оилада шаклланишига эришиш зарур. Бу ўринда оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш жоиз.

Ватанпарварлик ҳиссини ўз фарзанди қалбига сингдирилган ота-онанинг, шундай рух, билан яшайдиган халқнинг келажаги порлоқдир. Юртини севган, унинг порлоқ, келажагига ишонган ҳар бир фуқаро, ҳар бир киши учун юрт тараққиётига улуш қўшиш асосий мақсадга айланади.

Дарҳақиқат, мамлакатда мавжуд 5 миллионга яқин оилаларнинг аксарияти, аҳолининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Юртбошимизнинг Олий Мажлис Х сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ аҳолисига, оилаларга маиший ва маданий турмуш шароитини яратиш, қишлоқда саноатни, маиший хизмат шахобчаларини олиб кириш, замонавий мактаб, касалхоналар, поликлиникалар барпо этиш ва уларни фойдаланишга топшириш, аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг ишсиз қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш - оила фаровонлиги, унинг иқтисодий манфаитларини юксак савияга кўтариш учун заминдир.

Оилада кичик оилавий бизнесни йўлга қўйиш, оилавий корхоналар, оила пудратини ташкил этиш деҳқон, фермерлик фаолиятини кучайтириш оилада тадбиркорликни, йўлга қўйиш унда «Устоз-шогирд» анъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш оилада тўкинлик ва фаровонликни таъминлаш учун заминдир. ҳар томонлама бадастур оилада эса жисмонан ва маънан соғлом тадбиркор, ишбилармон, меҳнатсевар шахс шаклланади ва вояга етади.

Оила педагогикасининг предмети, мақсади ва вазифалари.

Комил инсонни вояга етказишда оила ва жамиятни ўрни уни тарбиядаги узвийлиги, узлуксизлик асосида амалга ошиши бу яхлит бир қонуний жараёндир.

Оила педагогикаси жамиятнинг шахс тарбиясига доир муҳим давлат сиёсатидаги устувор вазифаларини мукаммал бажаришида хизмат қилади, таълим–тарбияга доир билимлар муштарак ҳолда жамлаб фарзанд тарбиясига доир тартиб, қоидаларнинг синовдан ўтказувчи ва амалда тадбиқ қилувчи ота – онанинг фаолиятидир.

Оила педагогикасининг предмети:

Оилада ота-она аниқ мақсад қўйиб, ўз устида ишлаш, изланиш танланган восита усуллари кўллаш натижасини кўра билиши тарбиячилик санъатига эга бўлиши лозим.

•Таълим–тарбиянинг замонавий талаб даражасига ва тарбия қонуниятларига амал қилади;

- Оилада бериладиган тарбия мазмуни;
- Оилада фарзанда тарбиясида қўлланадиган усул ва воситалар;
- Инсониятни маънавий ривожланиши билан оилада фарзанд тарбиясининг уйғунлиги;

- Оилада фарзанд тарбиясидаги маҳорат ва маданиятига амал қилиш;

Оила педагогикасининг мақсади.

Оила тарбиясига доир муаммоларнинг ҳолати, қонуниятларини ўрганишга қаратилади.

Оила тарбиясининг вазифалари:

- Оила тарбиясига доир бир бутун муаммоларни ҳал қилиш;
- Оилавий тарбиянинг самарадорлигини ошириш ва унинг давлатни устувор талабларига жавоб берадиган комил инсон тарбиялашдир;
- Оила тарбиясида миллий қадриятлардан ўринли фойдаланиш, педагогик қонун - қоидаларга риоя қилишдир;
- Фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиш;
- Илғор оилалардаги муовафақиятли иш услубларини ўрганиш;
- Ота–оналарни педагог мутахассислар билан ҳамкорликгини ўрнатиш кабиларни амалга ошириш;
- Баркамол инсон тарбиясига доир муаммоларни ҳал қилиш иомий ва ҳаётий изланишларни талаб этади.

3.2. Оила педагогикасини бошқа фанлар билан алоқаси

Оила педагогикаси ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун оилада бериладиган тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари, тамойил ва методларига доир билимга эга бўлмоқ лозим. Оила педагогикаси умумий педагогикани бир тизими бўлиб у умумий педагогикани қонуниятлари асосида яратилган.

Оила педагогикаси қуйидаги фанлар билан алоқада ўсиб улғаймоқда: оила педагогика фани: фалсафа, социология, иқтисодиёт, анатомия – физиология, психология–педагогика, ижтимоий педагогика, махсус педагогика, педагогика тарихи, педагогик маҳорат кабилар.

Комил инсон тарбияси жуда кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамма фанлар унга кўмакдош бўлади. Буюк аллома Абу Наср ал Фаробий «Талҳизу Навомис» (Афлотун қонуниятларини моҳияти) асарида инсон камолотини фалсафа фанининг таъсирида ривожлинишини шундай кўрсатган эди: «Яхши фазилатга эга бўлган шаҳар аҳолиси энг бахтийр одамлар

бўлишлари, қонунларга ихтиёрий бўйсунганини таъминлаш учун қонунларни такомиллаштириш, улардаги қоидаларни мустаҳкамлашдир»¹.

Оила педагогикасининг тарихий илдизлари

Халқ донишмандлари оила муаммоси ва тарбияси ҳақидаги қарашлари жуда узоқ тарихий илдизга эгадир. Халқ оғзаки ва ёзма ёдгорликларида: мақол, ҳикмат, эртак, айтишувларда оила, ота –она, оилавий барқарорлик ўзаро муносабат масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ота – она беҳад бўлади хурсанд,
Фарзанд бўлолса муносиб фарзанд!
Жавҳар Заминдар.

Намози бомдоддин кейин волидангни
Зиёрат қил ва хизматида бўл.
Руштий.

Оила ва ундаги тарбия усул, восита ва омиллари кўпроқ ёзма пандномаларда; Кайковусни «Қобуснома», «Саодатнома», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, «Тўти шоҳнома», «Одобнома» кабиларда оила муаммосига доир масалалар илмий ва назарий, амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Мутафаккир ва маърифатпарварларни ижодий фаолиятида оила муаммоси асоси ўрин эгаллаган. Бунинг сабаби бўлажак Оила педагогикаси фанини мазмундорлигини таъминловчи бадиий адабиёт, санъат асарлари, миллий мерос ва умумий инсоний қадриятлардир.

Оила тарбиясидаги болалар ҳаётини туғри уюштириш, уларни вақтдан туғри ва унумли фойдаланишнинг асосий гарови эканлигини ота-оналар ўз фарзандларига ўқтиришлари лозим. Оила тарбияси масалалари бўйича махсус Абу Али Ибн Сино «Тадбир ал-манозил» номли асарини ёзган. Унда олим ота-онанинг болаларни тарбиялашдаги вазифаларини ёритган. Асарда оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига ва оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада меҳнатсеварлиги билан фарзандларини ҳам касб ва хунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этади.

Ибн Сино тарбиявий қарашларида оила ва оилавий масалаларига кенг ўрин берилган.

¹ Абу Наср Форобий. Нуфузли шаҳар ахволи. Т., 1998 й. 23 бет

Ота оилада ўз фарзандларига ҳар томонлама юриш-туришда, нутк одобида, сўз маданиятида, ўзаро муомала жараёнида энг муҳими амалий иш фаолиятида тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, самимийликка намуна бўлмоғи керак. Оилада фарзанд тарбиясининг тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантириш, деб ҳисоблаган эди олим.

Юсуф Хос Хожиб «Қудатғу билиг» асарида оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни уйланиб, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларини бирма бир баён этади. Ота-оналар назоратида бўлган боланинг маъсулият ҳисси ривож топади. Шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, камолоти учун ниҳоятда муҳимдир. Жамиятда фарзандлари ҳуқуқ атворига қараб ота-оналарига баҳо беришни айтиб уларни огоҳлантиради.

Мирзо Улуғбекнинг қарашларида боланинг билим олишига бўлган қизиқиши ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди. Шундай экан, авваламбор бола тарбиясида оила муҳитини тўғри ташкил қилиш даркор.

Унсурул маоний Қайқовус «Қобуснома» пандномасида ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлгил, нединким сен ота-онанг ҳақида не иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки фарзанд мевага, ота-она мевали дарахтга ўхшайдир» деб ёшларни ота-онасини ҳурмат қилишга эъзозлашга, меҳроқибатли бўлишга даъват этади. Ота-она ўз фарзанди учун ҳатто ўлимга ҳам тайёрлигини таъкидлайди. Ҳар бир фарзанд оқил ва доно бўлса, ота-она меҳромухаббатини адо этмакдин бош тортмайди.

Муҳаммад Содик Қошғарий «Одоб ас-солихан» асарида уйланадиган йигит никоҳдан олдин уйланмоқчи бўлган қизини кўрмоғи, уйланадиган қизининг бокира бўлмоғи ҳамда тўрт нарсга умрда, коматда, молда ва насабда эрдан паст ва тўрт нарсада, ҳуснда ва жамолда, ҳуққда, адабда ва иффатда эрдан юқори бўлиши зарурлигини, таъкидлайди. Бу фикр турмушда тинч ва тотув яшаш, оилада эр-хотин муносабатларида катта аҳамиятга эга.

Давонийнинг фикрича «Ота-она болага жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқ-одоб қоидаларини сингдиришга, юриш-туришга, ейиш-ичиш, ўз қилмиши учун маъсулиятни сезиш, ширинсуханд бўлиш, яхшилик, эзгулик каби ахлоқ қоидаларини эгаллашига ёрдам бериши лозим». Рудакий оилада бола тарбияси, ёш авлод камолотда ота-онанинг бурчи ҳақида ҳам муҳим фикрларни илгари суради. Чунончи рубоийлари замонасидаги аксарият одамлар, ҳатто

маърифатли зотлар ҳам фарзardларининг тарбиясига эътиборсизлик билан қараб, донишманднинг боласи жохил бўлиб қолаётганлигидан афсусланади.

Бунинг учун оила муҳитида ота-оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлгандагина тарбияда яхши натижаларга эриши мумкин бўлади. Инсон туғилган пайтиданоқ тарбияга муҳтождир. Унинг илк тарбиячилари албатта ота-онасидир.

Маърифатпарвар Мунаввар Қорининг «Оила аъзолари» номли дарсликининг бўлимларида ота-онани ҳурматлаш, ака-ука қариндош уруғини эъзозлаш каби ғоялар алоҳида ўрин эгаллайди.

Кишининг бор эрса ота-онаси
ғаниматдир унга оларнинг ризоси
Худони қошида қабул экандир
Ота ва онанинг балога дуоси

Оилада фарзанд дунёга келгандан бошлаб оиланинг жамият олдида жавобгарлиги кундан кунга ортиб боради. Чунки ўсиб келаётган авлоднинг тақдири ана шу муаммонинг ҳал қилиниши билан узвий равишда чамбарчас боғлангандир.

Абдурауф Фитрат 1916 йилда «Оила» номли фалсафий асарини ёзган бўлиб, унда оилавий ҳаётни ислоҳотидан баҳс юритилган ва адиб нажот йўллари ахтариб ҳалқларнинг умуминсоний қардошлик ғоясини тарғиб этган.

Фитрат оилани ижтимоий вазифалари деб, «Авлод тарбияси», «Фикрий тарбия», «Ахлоқий тарбия» каби қисмларга бўлади.

Инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисоблаган. Агар, яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакамига бахтсизликка, хатто, ҳалоқатга айланишини уқтирган. Шунинг учун мактаб тарбияси билан бир қаторда оила тарбиясига ҳам катта аҳамият берган. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳолда мактабнинг таълим-тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди.

Оилада бола билан тарбиячи ўртасида жуда яқин ва самимий муносабат ўзининг табиийлиги ва оддийлиги, мазмундорлиги, илиқлиги, ҳеч қандай расмийчиликнинг йўқлиги билан ажралиб туриши лозим.

Оила одамзод ўзининг дастлабки ижтимоий йўлини босиб ўтадиган энг муҳим соҳадир. Бундай оилада ота-оналар билан болалар ўртасида маълум маънода иззат ҳурмат ва дилдан ишонч каби чегара бўлади.

Оилада болаларнинг ўзга бир оилада ётиб қолишига ҳеч бир ҳолда сира йўл қўймаслиги керак, бола ётиб қоладиган жой аниқ таниш ва ишончли бўлган

тақдирдагина истисно бўлиши мумкин. Оилада фарзанд яхши тарбияланса, ота-онанинг бахти, ёмон фарзанд эса ота-онага кулфат келтиради.

Оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги ёш авлодни муваффақиятли тарбиялашнинг асосий шартларидан биридир ота-она эътиборига оладиган алоҳида аҳамият бериш керак бўлган нарса болани ёшлигидан бошлаб бирор-бир ишга ўргатиш, унга ўзига хос юмуш бериб, ишга одатлантиришдир. Ваҳоланки бола ҳам иш ўрганади, ҳам жамиятда, оилада ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Болада меҳнатга муносабат, ота-онасига муносабати, оила аъзоларига нисбатан фикри, дунёқараши ўзгаради.

Оила бошлиғи ота – она бола тарбияси ҳақида етарлича амалий ва назарий билимларга эга бўлиши керак. Агар уларда етарлича билим кўникма ва малака бўлмаса у оила аъзосига яъни фарзандларига яхши тарбия бера олмайди. Оиладаги ёмон тарбия фақат оиланининг ўзига хос бўлмасдан балки кўниқушни ва маҳаллалардаги тарбияга ҳам салбий таъсир қилади.

Оила педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари

Илмий тадқиқот методлари кўпроқ оилавий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тадқиқотчилар томонидан олиб борилади. Оилавий муаммоларни ўрганиш дастлаб манбаъларга мурожат этилади шу жиҳатдан дастлабки метод

Адабиётларни ўрганиш методи. Оила педагогикаига доир адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи, мутафаккир ва маърифатпарвар педагогик олимларнинг асарлари, МустаЎзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ва маънавиятига доир адабиётлар, Ўзбекистон юртбошиси И.А.Каримов асарлари рисола ва мақолалар, педагогик, психологик, бадиий ва оммавий адабиётларни ўрганиш.

Кузатиш методи – кузатиш адабиётларни ўрганишдан кейин бошланади. Кузатишда ота – она бирор мақсадни кўзда тутиб ташкил этади. Кузатиш режалаштирилади, унинг дастури тўзилади. Бунда кузатиш тезлиги, сони, манзили, вақти, вазиятни кузатиш, материалларни қайд қилиш муддати белгиланади. Кузатиш муддатига кўра икки турга ажралади: қисқа ва узоқ муддатли кузатиш. Қисқа кузатиш объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум хулосага келиш. Узоқ муддатли кузатиш - қўйилган мақсад,режа ва дастур асосида олиб борилиб, маълум илмий, якуний хулосага келинади. Кузатишнинг якунини қайд қилишда киносьёмка, видео ёзуви, телевидения ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Кузатиш методидан тўғри фойдаланиш ўқув – тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади. Янги ижодий фаолиятга бошлайди.

Сухбат методи – тадқиқот мавзусининг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида билиб олиш мақсадида маълум масъул шахслар билан оғзаки саволлар берилиб, улардан ахборот олиш жараёнидир. Сўроқлар мавзу доирасида мантиқан, мазмунли, тартибли, аниқ ифодасига эга бўлиши лозим ва уни тўғри ёки нотўғрилигига қараб жадвал тўзиб натижаси аниқланади. Сухбат методи жараёнида интервью ҳам олиш мумкин. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит ленталарига ёзиб борилади ва таҳлил этилади. Ёзма жавобларни оммавий равишда йиғиб олиш методи анкета методи деб аталади. Анкеталар ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги анкеталар мазмунига, берилган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда анкеталар анкета маълумотларини ЭХМда қўллаб математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тўзилади. Хужжатларнинг етарли даражада аниқлик билан шундай таҳлил қилиниши аниқ педагогик жамоаларнинг реал фаолиятидаги сабабли боғлинишлари ва боғлиқликларини аниқлашга ёрдам беради.

Педагогик эксперимент – ҳар қандай илмий-педагогик тадқиқотнинг асосидир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий гипотезаларнинг ишончлилиги текширилади, педагогика тизимларининг айрим элементлари ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатлар аниқланади. Табиий эксперимент ва лаборатория эксперименти педагогик эксперимент асосий турлари ҳисобланиб, улар кўпгина турларга бўлинади. Табиий эксперимент шароитида Янги ўқув режалари, дастурлар дарсликлар ва ҳоказолар одатдаги ўқув режимини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент – бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилган бўлади. Педагогик жараён аниқроқ ўрганиш учун экспериментатор ўзи ташкил этган жараёни кузатади. У педагогик жараёнига аралашади, тарбияланувчилар билан тарбиячи фаолиятининг муайян шароитларини яратади. Педагогик эксперимент дастлабки маълумотларини, аниқ шароитларни ва ўқитиш усулларини ёки тадқиқ қилинадиган материалларни аниқ белгилашни, шунингдек, эксперимент натижаларини ҳар томонлама ҳисобга олишини талаб этади. Лаборатория педагогик эксперимент илмий тақиқотнинг қатъий шаклидир. Жуда кенг педагогик контекстан унинг муайян томони ажратиб олинади, натижалари аниқ текшириб боришга ва ўзгарувчан катталиклар ўрнини алмаштиришга имкон берадиган сунъий шароит яратилади. Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: экспериментни режалаштириш, эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш. Режалаштириш эксперимент мақсади ва вазифасини белгилаш, эксперимент натижаси таъсир этувчи омиллар ва улар даражасининг миқдорини аниқлашни, керакли кузатишлар сони, эксперимент ўтказиш

тартиби, олинган натижаларни текшириш методларини ўз ичига олади. Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади. Эксперимент ўтказиш ишончлилиги таъминлигига жавоб бериш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш керак, яъни:

- 1) Текширувчилар сони ва тажрибалар миқдорининг оптимал бўлиши;
- 2) Тадқиқот методларини ишончлилиги;
- 3) Фарқларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини ҳисобга олиш.

Турли методларнинг самарадорлигини ва сифатини оширишга имкон беради. Бунга математика методларининг ҳамда ҳисоблаш – ечиш қурилмалари ёрдамидаги эксперимент натижаларининг педагогикага кириб келиши ҳам ёрдамлашади. Одатда ўртача арифметик миқдор, модда, мердиана, дисперсия, танлаб олинган тўплам мажмуининг ўртача квадратик четга чиқиши, ўртача олинган қиймат ҳатоси, белгиларни тузатиш коэффициентлари ҳисоблаб чиқилади. Илмий тадқиқот натижаларини амалда қўлланиши. Тугалланган тадқиқотда энг муҳим нарсани унинг натижаларини амалда қўллашдир. Мустақил Ўзбекистон шароитида Янги илмий билимлар жуда тез тўпланиб бормоқда. Бироқ уларни амалий ишга жорий этиш йўлида қийинчиликлар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда.

Бу қийинчиликлар оиладаги тарбия жараёнини такомиллаштириш усуллари ҳақидаги билимларининг ортиб бориши билан улардан фойдаланишнинг фаол имкониятлари ўртасидаги номувоқликдан иборатдир. Шундай бўлса – да, бу уларни жорий этиш юзасидан мақсадга мувофиқ ишлар олиб боришни истисно этмайди. Жорий этиш жараёни педагогик тажрибани такомиллаштиришга қаратилган фойда деб қаралади. Шу сабабли жорий қилиниши лозим бўлган тавсияларга юқори талаблар қўйилади. Талабларнинг илмий асосланганлик даражаси, улар мазмуни аниқлиги асосий талаблар қаторига киради. Талаблар мазмунининг аниқлиги педагоглар билан ўқувчиларнинг мўлжаллаган куч ғайрати мезонининг тўғри баҳолашни назарда тутди. Жорий этиш бутун бир тадбирлар комплекси бўлиб, у олинган ҳулосалар ҳақида педагогик жамоатчиликни ҳабардор қилишнинг янги ўқув ва методик қўлланмалар яратишнинг методик йўл – йўриқ ва методик тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Оила шажарасини ўргатиш таҳлил қилиш методи – педагогика ҳодисалари ва фактларини текширишда оиланинг келиб чиқиш тарихи мукаммал ва чуқур ўрганмоқ лозим. Оила ҳақидаги маълумотни таҳлил қилишда таълим қонунига амал қилинмоғи лозим.

Болаларни оилада ижодий қобилиятини ўрганиш методи – оилада болаларни ижодини ҳамда уларни турли – туман ишларини ўрганиш ва таҳлил

қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методларидан биридир. Иқтидорли болалар ақлий қобилиятлари, олижаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчиликлари билан ажралиб туради. Таълим қонунида ва миллий дастурида педагогика фани болалар ижодининг манбалари ва факторларини чуқур билишга ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг туғри йўллари курсатиб беришга қаратилган.

Статистика маълумотларини анализ ва синтез қилиш методи – педагогик тадқиқот керакли статистика маълумотларини маълум бир мақсад билан системали ўрганиш мустақил Ўзбекистонда Фан, маданият, таълим – тарбияни тараққий этишга салмоқли ҳисса қушади.

Анкеталар методи – оила аъзолари ва болаларни сўраш усули бўлиб, у оила жамоасининг маълумотлари тўғрисидаги керакли маълумотларни олиш учун уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун ва касбга йўллашни белгилаш учун махсус формада ишланган бўлмоғи лозим. Анкетада кўзланган мақсадга мувофиқ саволлари бўлиб, уларни жавобларидан педагогик натижалар келиб чиқмоғи лозим.

Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири эканлиги ҳақида

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта бу бежиз эмас, чунки порлоқ эртаимизнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги-миллий фаровонлик асосидир». Демак, мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш давлатимизнинг асл мақсадидир.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат Дастури» нинг қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг XI сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сунг «Оила Кодекси» нинг бир овоздан қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарорига биноан Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ҳукуматимиз томонидан оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор ўналишларидан бири экан, у қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

—оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

—оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш;

—оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзғор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

—оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

—оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

— оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ, этиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ҳисоботини тўплаш ва такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни ҳуқуқий манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни, етим-есирларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Дарҳақиқат, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маънавий маданиятини шакллантириш; ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш; оиланинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш; оилада тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш; ногиронликнинг турли кўринишларини олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш; оилада комил инсонни тарбиялаш; ёшларни умуинсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимини яратиш ва амалга ошириш замирида оила масалалари билан шуғулланувчи мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини

мустаҳкамлаш; оилада соғлом психологик муҳит яратиш замирида оилада баъзан учрайдиган жиноятчилик, никоҳнинг бекор қилиниши, гиёҳвандлик, носоғлом эътиқод, маиший нопоклик, ахлоқсизликнинг турли кўринишларга йўл қўймаслик каби масалалар бугунги кунда оилаларни жамият талаблари даражасида шаклланиши учун заминдир.

Мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шахдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган устувор йўналишларидан бирига айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар ва декларациялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур англаш ҳамда ўз фаолиятлари жараёнида амал қилишга эришиш жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг гаровидир. Бунинг учун оиланинг турли қатламли аъзолари ҳуқуқий онги ва дунёқараши даражасини ўстириш механизмини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш зарур. Чунки, ҳуқуқий маданият даражаси юксак жамиятда оила, она, ота ва бола ҳуқуқ ва бурчлари ҳамма вақт Конституция билан ҳимоя қилиниб, оила ажримларига, оилада учрайдиган шарқона ахлоқ нормаларига зид содир этиладиган баъзи ҳатти ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар бутун дунё тинчликсевар халқларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Жумладан, мустақиллигимизнинг қисқа даври ичида республикаимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вақили-Омбудсманнинг ташкил этилганлиги оила, ота, она ва бола ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларининг асосий мақсади оила деб аталмиш кичик жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оила ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда муҳофаза этилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва декларацияларининг ратификация қилиниши бунинг яққол намунасидир. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А(III)

резолуцияси), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1952 йил 20 декабрдаги 640-сон резолуцияси), Бир хил қийматдаги иш учун эркақлар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги (100) Конвенция (ХМТ Бош Конференциясининг 34-сессиясида 1951 йил 29 июнда қабул қилинган), Оналикни химоя этишга қаратилган (103) конвенция (Женева, ХМТ томонидан 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган), Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (БМТ 43 Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда), Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 январдаги 2200-резолуцияси), Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34, 180-сон резолуцияси), Болаларнинг яшашини, химояланишини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон Декларацияси, бошқа мамлакатларга болаларни уғирлаб кетишнинг фуқаролик жихатлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси (Гаага 1980 йил 25 октябрь), 1995 йилда Пекинда 4-Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида қабул қилинган хотин-қизларнинг ахволи бўйича асосий ҳаракатлар дастури мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда муҳофаза қилиш борасидаги дастлабки муҳим қадамлардир, мақсад ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқларини химоя этилишини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида йўлга қўйишга эришишдир.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги унинг ҳуқуқий химоя қилиниши ҳуқуқий жамият барпо этишнинг негизидир.

Бунинг замирида:

- аҳоли, шу жумладан, оила аъзоларининг ёш табақаларга мос ҳуқуқий билим бериш дастурларини яратиш, ҳуқуқий онг ва тафаккурини шакллантиришнинг самарали шакл ва методларини аниқлаш, бу борада ноанъанавий таълим-тарбия усулларида кенг фойдаланиш;

- ўқув юртлари, идора ва ташкилотларда ҳуқуқий мавзунини ёритувчи бурчақлар, хоналар ташкил этиш, ҳуқуқий билим кунлари ўтказиш, радио ўқувлари уюштириш;

- ҳуқуқий мавзуга бағишланган оммабоп рисолалар, газета ва журнал мақолалари, мутахассис маслахатларини чоп этишни кучайтириш, рукнлар ранг-баранглигига эришиш;

- оила ҳуқуқи бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- жойларда бахт ва никоҳ уйлари қошида бўлажак келин-куёвлар учун махсус ўқув курслари, «Оила» клублари, «хукукий маслаҳат» телефонлари ташкил этиш ва тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тайёрлаш;

- оилаларда ҳукукий билим беришни такомиллаштиришга ёрдам берувчи социологик тадқиқот ишлари олиб бориш ва унинг натижалари асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тадбиқ, этиш, бу борада ҳукуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан бошқа мутасадди давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш ётади.

Жамиятда юз берадиган барча ўзгаришлар оилага, оиладаги маънавий муҳит, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётига таъсир қилади.

Ҳар бир даврнинг уз дарди, талаби ва эҳтиёжлари булади. Мустақиллик одамлар ва жамият тақдирига таълуқли жуда кўп жумбоқларни ечиб ташлаш билан баробар маънавиятимизнинг қатор муаммоларини кундаланг қилиб қўйди. Айниқса, ахлоқ-одоб масалалари катта аҳамият касб этиб қолди. Бунинг сабаблари кўп: бир томондан, инсон деб аталмиш ҳаёт гултожисига бўлган муносабат ўзгарди, уни азалий ва абадий пок маънавият йўлига қайтариш режалари тўзила бошланди; катта ёки кичик, яхши ёки ёмон, илғор ёки жоҳил миллат бўлмаслиги, ёмонликнинг миллати-ю, яхшиликнинг чегараси йуқлигига қаноат ҳосил қилдик. Инсон ўз миллати анъаналари ва умумбашарий қадриятлар асосидагина камолотга эришиши қоғозда эмас, амалда тан олинди; иккинчидан, сохта байналмилалчилик, қоғоздаги халқар дўстлиги ғоялари одамлар орасида узок, замонлардан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган биродарлик туйғуларига раҳна солиб қуйгани, одамларнинг миллат ажратмаслиги учун, бир-бирига меҳрли-оқибатли бўлиши учун уруш ёки қаҳатчилик, зилзила ёки табиий офатларни бошидан кечиришлари шарт эмаслиги, ижтимоий адолат ўрнатилган жойда халқлар ва миллатларнинг чин инсоний фазилатлари гуркираб унишига ишонч ҳосил қила бошладик. Айрим одамларни алдаш мумкин бўлса ҳам миллатларни узок, лақиллатиб бўлмаслигига энди ҳамма тушуниб етди.

Тоталитар тузум даврида республикамызда шарқона қадриятлар асосида оилани барпо этиш, шакллантириш ва барқарорлигини таъминлашга етарли эътибор берилмади. Оилани жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида ҳар томонлама муҳофаза этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кутарилмади.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарм-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлган ўзга маданият анъаналари ёшлар онги, дунёқараши ва шуурига салбий таъсир этиши натижасида баъзи салбий ҳолларнинг пайдо бўлиши юз берди.

IV-БОБ

ОИЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ

Айнан шу масканда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, сонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга еткзилади. Шу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, ҳатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган фикрларини оила тарбиясининг методологик асоси сифатида қабул қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳам оила иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас. ҳаётнинг ўзи таълим тизими олдига ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигида баркамол қилиб шакллантиришни ҳар бир ота-она, педагог, жамоатчилик олдига қўймоқда. Шунинг учун республикамыз фуқаролари олдига турган эндиги вазифа таълим-тарбия тарихини оила даврасида қунт билан ўрганиш, унда олға сурилган илғор ғоялардан баҳраманд бўлишдир. Чунки ўзбек диёрида дунё илм-фан хазинасига беадад улуш қўшган ал-Хоразмий, ал-Беруний, Аҳмад Фарғоний, ал-Фаробий, ибн Сино, аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби алломаи замонлар яшаб ижод этганлар. Улар қолдирган маданий меросни ўрганиш ҳар бир оила аъзоси учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаб айтганларидек, "Биз ушиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламыз".

Бунда эса инсон улгайишида асосий давр бўлган усмирликдаги тарбия хал қилувчи аҳамият касб этади. Бу паллада унинг ички дунёси, ўзига хос ҳислатлари шаклланади. Бу даврда ота-она, устозлар улар тарбияси билан узвий равишда шуғулланишлари лозим. Уларнинг саломатлигига ҳам алоҳида диққат-эътибор зарур. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, камолотга элтувчи йўл маърифат, шунга яраша гайрат-шижоатдир. ҳар бир халқ ҳар бир авлоднинг баркамоллик

даражаси пировард натижада шу халқ истиқболини, таракдиёти ва тақдирини хал этади.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш — фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала — кўпмиллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча кардош халқлар учун бирдай эзгу муродмаксаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлар бирлашади, тарбиянинг қудратли омилига айланади. Халқимиз ирсиятини бойитиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, давлат ва жамиятнинг муштарак муддаоси бўлмиш комил инсон шахси — XXI аср одами шаклланади. Тарихчиларнинг ёзишича, Темурбек болалик ва ёшлик чоғларидаёқ, бугунги кун тили билан айтганда, харбий-спорт уйинлари ва машгулотлари билан жиддий шуғулланиб, бадани ва руhini чиниқтирган. Агар жисмоний тарбияни отасига хизмат қилган махсус навкар-мураббийлардан олган бўлса, рухний тарбияни отасининг пири булмиш Шайх Шамсиддин Кулол даргоҳида эгаллаган.

Болалигидаёқ ўзини буюк ишларга ҳозирлаган Амир Темур фарзандлари ва набираларининг тарбиясини ҳам бир лаҳза бўлсада, назаридан қочирмади. Улуғ хукмдор уз ҳқиллари ва набираларига энг аввал жангу жадал машаққатларига чидам беришга қодир куч-қувват ва жасорат, шунингдек, салтанатни бошқариш учун талаб этилган илму дониш соҳиби бўлишларини талаб этарди.

Амир Темур ўз даврининг маърифатли кишиси, ўгмишнинг маънавий сабоқларидан яхши хабардор инсон сифатида соғломлик фақат жисмоний куч-қувват эмас, балки олижаноб инсоний фазилатлар уйғунлигига эришмоқ эканлигини ҳам яхши англаган. У, барлосларнинг улуғ амирларидан бўлмиш падари бузруквори, муаррих Шарафиддин Яздий таъбири билан айтганда, "уламо ва сулаҳо ва муттакиларга мушфиқ ва меҳрибон" Муҳаммад Тарағайдан олган сабоқларни бир ўмр унутмади. Муҳаммад Тарағай ўз фарзандини мардлик ва фаросатлик, қаттиқ қўллик ва меҳр-оқибат руҳида вояга етказди. Агар Амир Темур буюк салтанатга асос солган бўлса, бу шарафга мана шу юксак тарбия оқибатида эришган.

Соҳибқирон фарзандларида уч хислат мужассам бўлишини истарди. Энг аввало, инсонпарварлик, сўнг мушоҳадалиқ ва ниҳоят, оқибатлик — босиқлик. Инсонпарвар одамгина саҳий бўлиши мумкин. Мушоҳадали, босиқ одамгина жан-гу жадалда хатога йўл қўймасликка, улкан салтанатни бошқаришга қодир. Кимки жасур бўлса-ю, инсонпарвар бўлмаса, жисмонан бақувват бўлса-ю, мушоҳадалиқ бўлмаса, доно бўлса-ю, босиқлик бўлмаса, ундай одам комил инсон булолмайди, ундай одам бошқаларни ҳам, ўзиниям халок этади. Кимки

рақиби билан олишгандаям инсонпарварликни унутмаса, у албатта енгади. "Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, уйлаб иш қилишқилич кучидан ўн қарра фой-далироқдир", деб таъкидлайди улуғ Соҳибқирон.

Бобокалонимизнинг фарзандлари ва авлодининг қандай фазилатларга эга бўлиш билан боғлиқ истақларини билиш учун аввало "Темур тузуклари"ни варақлайлик. Унинг дастлабки саҳифаларидаёқ шундай фикрни уқиш мумкин: "Тажрибамда қурилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми катъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир". Бу ҳикматда бобомизнинг соғлом ва комил инсон хусусидаги тушунчаси, яъни етук инсоний фазилат ва хусусиятларга эга инсонгина мамлакат таянчи бўла олади, деган мушоҳадаси мужассамлашган, деб уйлайман. Бошқа бир ўринда Соҳибқирон "катъийлик, сабр-чидамлилик, соғлигу серғақлик, эҳтиёткорлик ва шижоат" соҳиби бўлган инсон ҳар қандай машаққатли ишни амалга оширишга қодир, деб таъкидлайди.

Соҳибқирон бобомиз ҳарбий сафарларга фарзанду набираларини бирга олиб кетарди. Бундан кўзланган биринчи муроди авлодлари суягини жангу жадаллар, узоқ ва машаққатли йўлларда чиниқтириш бўлса, иккинчи мақсади фарзанду набиралари ўз авлодлари қўлида тарбияланса, эрка ва тантиқ бўлиб улғаядилар, деган фикрдан келиб чиқиб, уларни оналарининг ортиқча меҳрумуҳаббатларидан асраш эди. Зеро, асалнинг кўпи зарар, меъёрда бўлса, фойдали эканлиги тўғрисида ўтмиш донишмандлари кўп нақл этганлар.

"Менинг фарзандларим тантиқ бўлмасликлари керак!— дерди Амур Темур. — Тантиқлик иродасизликни пайдо қилгай. Фарзандларимни эркалайдиган ер қураш майдони бўлсин. Арғумоқ ила қилич уларнинг жонажон дусту, мардлик уларга устоз бўлсин!"

Мана шу ниятда жаҳонгир авлодларининг жисмоний тарбиясини итоатидаги энг тажрибали ва таниқли паҳлавонларга ишонган бўлса, фарзандларининг рухий дунёсига сайқал беришни оқила малика — асли исми Сароймулкхоним, хон авлоди бўлган, мурғақликдан ҳукмфармонлик ва баҳодирликдан сабоқ олган — Бибихонимга ишонган эди. Қолаверса, малика ҳар доим сафардаям, жангу жадалдаям ва дорулсалтанатдаям ҳукмдорга ҳамроҳ, бўларди.

Етти иқлимдан йиғилган санъат ва адабиёт аҳли туфайли дорулсалтанат Самарканд ҳавосида шеър ва мусика нафаси ҳукмрон эди. Мана шу муҳит, малика раҳбарлигидаги муаллимлар сабоғини олган шахзодалар шеър ва санъатга яқин кишилар бўлиб вояга етдилар. Ҳазрат Навоий ўз асарида йигирма икки темурий шадзода (Ҳалил Султон, Мирзо Улуғбек, Бойсунқор мирзо, Абулқосим Бобур, Султон Масъуд Шох Бариб Мирзо, Абдуллатиф

Мирзо, Хусайн Бойқаро ва бошқалар) шеър ва мусиқага ошно бўлгани тилга олинади.

Ўрта Осиёда таълим-тарбия ҳақидаги қарашлар тарихини ўрганган ҳар бир фуқаро ўзининг билим савияси, дунёқарашини ўстирибгина қолмасдан, балки ўзлигини англашга, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб шаклланишга муяссар бўлиши табиийдир.

Мана ҳозир маҳаллаларга жуда катта эътибор бериляпти. Маҳаллада ҳамма бир-бирини билади, бир-бирига кўз-қулок, бўлиб яшайди. Кекса оқсоқоллар, бамаъни одамларнинг ёшларга таъсири ҳаммамизга маълум. ҳар бир маҳаллада шундай одамлар борки, уларсиз на тўй, на маърака ўтади. Шундай воқеаларнинг гувоҳи ҳам бўламиз. ҳатто жанжаллашиб ёки келишолмай турган кўни-кўшнилар «фалончи ака келяпти» ёки «фалончи акани чақириб келиш керак» дейилса, ўз-ўзидан жимиб қолишади. Шу маънода оиладаги кекса ота-онанинг файзи бекиёс эканлигини таъкидлаш лозим. Бир неча оила бўлиб, бир қозондан овқатланиш, ота-она измидан бориб кам бўлмаган фарзандлар сон-сиз-саноксиз. Лекин охириги пайтларда битта отаси ёки онасини чиқиштирмаган, уларнинг «ортиқчалиги» сезилиб қолаётган оилалар учрамоқда, кекса ота ёки онанинг кўзи тириклигида уйга ажойиб бир тароват тарқатиб туришини фақат улардан жудо бўлгандан кейингина ҳис қилинади.

Ёшлар мустақил туришни севадилар. Айниқса, бу ният келинларда кучли бўлади. ўзи бека бўлиб, эри топганига билганича ва истаганича хўжайинлик қилишни севадилар. Гоҳо хотинининг бундай нағмаларига учиб, қулоғим тинчисин деган маънода ажралиб чиқиб кетадиган, ота-онасидан ҳабар олмай қўядиган ёшлар ҳам бор. Бунақа ишлар наинки миллий урф-одатларимиз, одобимиз, балки умуминсоний қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Меҳр кўзи кўр бўлган инсоннинг жамият ва жамоа учун ҳам қалби берк бўлади. Опа-сингил ўртасидаги бир мерос жанжалини мисол келтирмоқчиман. Ота-она тирик пайтида чиқиб кетган опа улар оламдан ўтгач, синглисининг бошига минг ғавғо солиб мерос таллашиб юрибди. Кичик қиз эри билан ота-она уйига кўчиб келиб уларни оқ ювиб, оқ таради. Касаллигида боқди, ўлганда кўмиб, барча маъракаларни ўтказди. ҳовли-жойни одамшаванда қилди, янги хоналар қўшди, маҳалла аҳли ва қариндош-уруғларнинг дуосини олди. Катта опа эса она ўлиmidан сўнг ҳовлининг ярмига даъвогар бўлиб, синглисининг бошида ёнғоқ чақиб юрибди. ҳатто синглисининг «опажон, орамизга совуқчилик тушмасин, майли, куёвингизни кўндириб, амал-тақал қилиб бироз пул бера қолайлик, ахир биз жигармизку, олдингизда ёлғиз ўғлингиз бор, вақти келиб биз ҳам қараб турмасмиз» деган илтижоларига «йўқ, мен уйни сотиб, ярим пулини оламан» деб оёғини тираб олган опанинг ахлоқий, инсоний қиёфасини

қандай тасаввур этиш мумкин? Мол-дунё деб, текин мерос деб меҳр булоғи кхзига захар сочаётган, ўз жигарбандини қон-қақшатишдан уялмайдиган кимсаларни кўриб нафратингиз ошмайдими? Ахир халқимизда ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар ўртасида шундай мулоқотлар, самимиятлар борки, улар ҳикоя қилинса, бошқалар ишонмаслиги мумкин. Наҳотки ана шу ҳикматлар, чин инсоний эзгуликлар ўрнини қора юраклар, пажмурда ўпкалар билан алмаштирсак? Наҳотки йўлдан чиққан эгри ният, бебош феълларга боболаримиз, самовий момоларимиз маънавиятини қарши кўя олмасак? ҳа, қарши кўя оламиз. Бунга жамоа, маҳалла, одамлар муносабати зарба бера олади. Чунки жамоа лаънатиға учраган одамнинг ҳеч қачон боғи кўкармаган. Ўзбекона одоб, ўзбекона инсонийликнинг қарзи ҳам ана шу жамоа ва кўпчилик кайфияти, муносабати билан ўлчанади.

Маҳаллалар билан боғлиқ, яна бир удум ҳақида гап юритмоқчимиз. Бу кишиларнинг ўз касби, тенгқурлиги ёки маҳалладошлигига қараб, «гап» уйнаш одатидир. Бундай тўпланишлар ҳам ўзига хос миллий намоишнинг бир кўриниши. Фақат у бир ойда ёки икки ҳафтада бирор хонадонда такрорланади. Бундай йиғинларнинг фарқи шундаки, унда давлат сиёсатидан тортиб бозор нарх-навосяю фарзандлар тарбияси, маҳалла ахли ҳаётидаги янгилигу мамлакат аҳволи хусусида баҳс, мунозара, маслаҳат бўлади. Бу «гап»лар миллий тарбия мактабимизнинг яна бир гўзал шакли сифатида давом этиб келмокда. Қаерда бу «гап»лар манманлик ёки майхурлик томон бурилса, одамлар тезда тарқалиб кетишяпти. «Гапдан мақсад ўзаро фикр алмашув, биродарлик туйғуси, кўни-қўшничилик хосиятини мустаҳкамлаш экан, бундай миллий анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб, ўзбекона фазилатларимизнинг ҳаётийлигини кўрсатаверади.

Ажойиб миллий урф-одатларимиз одамларни ҳамжиҳатлиликка, биродарликка ва самимиятга чорлайди. Мустақилликка эришгунимизча нотўғри мафкуравий сиёсат туфайли кўпгина чин инсоний кадриятларимизга диний тус беришга, уларни ҳаётдан сиқиб чиқаришга роса ҳаракат қилинди. Бироқ, бу нарса ҳеч кимнинг қўлидан келмади. Асрлар давомида, авлодлар онгида шаклланиб келган одатлар, удумларни бир зарб билан йўқотиб бўлмаслиги тан олинмади. Омма ўрганган удумни йуқ қилиш йўлида уларга нисбатан илғорроқ, табиийроқ ва замонавий маънавий эҳтиёжларни ифодаловчи расм-русумлар таркиб топмас экан, ҳар қандай ҳаракаттескари натижалар бераверади.

Расм-русумларимиз миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш эвазига бойиб ва ўзгариб борди. Масалан, байрамларда, турилган кунларда ёки кувончли дамларда одамлар бир-бирларига гул ва гулдаста тақдим этиш одат тусига кирди. Умуман олганда гул тақдим этиш бизда тарихий анъана эмас. Аксинча

бизда гул ўрнига гул кучати беришган. Қабр устига гул қуйиш ҳам бизда одат бўлмаган. Шарқ поэзиясида гул ва булбулга қанчалик кўп шеър битилган бўлса ҳам уни фақат рамзий образлар тарзида идрок этилган. ҳаётда, одамлар олдида, ошкора равишда севишганлар гул эмас, гулдай илиқ табассум ва иболарни бири-бирига тортиқ этишган. ҳозир гул тортиқ қилиш оммавий тус олди. Лекин шу ўринда кўр-кўрона тақлид кўзга ташланмокда. Биз ўзбеклар гул тортиқ қилишда тушуниб-тушунмай гулдастанинг тоқ ёки жуфт бўлишига аҳамият бермаймиз. Русларда ўлим маросимларида гуллар жуфт сонда олиб келинади. Тўй, юбилей, учрашувларда эса тоқ сонли гуллар берилади. Бизда тоқ ва жуфт сонларга турлича муносабат мавжуд. Масалан, маъракага ёки ўлган одамни йўқлаб боришда нон тоқ сонда олинса, тўйга ва меҳмондорчиликка борилганда нонлар сони жуфт бўлади. Бундай одат қачон бошланган ва нима учун шундай бўлиб қолган — айтиш қийин. Лекин унга халқимиз амал қилади. Аммо руслардан ўтган гул тортиқ қилишда тоқ сонда гул ҳадя этамиз. Гул тортиқ этишни энг олижаноб фазилат сифатида қабул қилиб, унинг тоқ ёки жуфт сонларига аҳамият берсак бўлмасмикан? Туғилган кунларда, шодиёна дамларда жуфт сонли гуллар бериб, халқимизнинг энг порлоқ дуосининг рамзи бўлган — ҳамма жуфт-жуфт бўлиб, бекаму куст ва иноқ яшашсин деган ниятини бажо келтирган бўлмаймизми? Бизнинг тасаввуримизда жуфт сон уйғунлик, бирлик, аҳиллик, тотувлик, ҳамфикр ва ҳамнафаслик рамзи, тоқ сон эса айрилик, жудо, келишмовчилик, низо ва фироқ ифодаси эмасмикан? ҳар қалай гулга, гулдастага ана шундай муносабат миллий туйғуларимиз, одоб ва ҳуқ-атворимизга мос келса керак, деб уйлайман. Қабр устига гул қуйиш ҳам одат тусига кирса ёмон бўлмайди. Ундаги тоқ гуллар қолган тириклар сони биттага қамайдиганини, дунё бутунлиги бўзилганини, одамлар сафи-тасбеҳи ўзилганини англаб қолмайми? Хотира кунларида мен марҳумлар қабри устида баҳор чечаклари ял-ял ёниб тирикларнинг кўз ёшлари шабнам янглиғ гулларнинг барглари ювишини истайман. Аждодлар хотирасини эслаш авлодлар одобини мустаҳкамлайдиган руҳият гавҳаридир.

Миллатнинг жони унинг ахлоқи одобиди. Шунинг учун ҳар бир миллат ўз урф-одатлари, инсоний фазилатларининг жонкуяри, шу фазилатлар учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уриб, бориники, ҳаётнинг барча аччиқ-чучук қисматларига бардош беради. Миллат бошига энг оғир кулфат тушганда ҳам у ўзининг маънавиятини бозорга олиб чиқмайди, номусини сотиб, виждонини поймол этиб кун кўрмайди. Тарихнинг барча иссиқ-совуқ зарбалари, табиатнинг барча ёруғ, қора кунларига миллат ўзининг ахлоқий-маънавий бойлиги ила бардош беради. Ана шунга кўра бирор кимса орттирган обру, бирор инсон эришган ёрлиғ, бирор одам келтирган шухрат ҳам, кимларнингдир кинғир ишлари, ноба-

корнинг фиску фужури, дилозорнинг тухмат ханжари – ҳамма-ҳаммаси эл-юрт, миллат юрагига, руҳига таъсир қилади.

Охирги пайтларда кексаларимиз орасида «ёшларнинг одоби бўзилиб кетди» деган таъналарни эшитадиган бўлиб қолдик. Бировларнинг молу мулкига ва жонига қасд қиладиган паст нусхалар илондек изғиб қолганини кўриб, эшитиб юрибмиз. Бир пайтлар дарвозаси кулф билмаган, бир неча ойлаб уй-жойини кўни-кўшниларга ишониб дала ҳовлиларига кўчиб кетадиган ўзбегим бугун келиб эшик таққиласа аввал деразадан мўралайдиган бўлиб қолди. Шунга ўхшаш касалликларнинг ижтимоий сабаблари бўлса-да ахлоқ-одоб борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам уларга сабаб бўлмоқда. Бир пайтлар оналар елкасига ағдарилган «эркинлик» ёки уларнинг оиладаги биринчи навбатдаги тарбиячи эканликларини чиппакка чиқарди. Оналар мамлакат иқтисодий, моддий бойлигини кўпайтириш учун шунчалик дадил ва кенг жалб этилдики, пировардида улар ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам рухий бойлигидан жудо бўлиб қолдилар. Бир неча болани вояга етказиш, тарбиялаш ва оёққа турғазининг ўзи улкан ижтимоий, миллий ва умумбашарий бойлик эканига аҳамият берилмади. Аёлларнинг узларига қарашга вақти бўлмагач, болалари тарбиясига вақти бўлармиди? Айрим ёшлардаги беандишалик, беҳаёлик ва безориликларнинг илдизи ана шунда.

Оилада ёш авлодни ота-она намунаси оила анъаналари, шажараси, касб-кори, ахлоқий-маънавий қадриятлари асосида тарбиялаш, улар онгида оилага садоқат, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат ҳиссини шакллантириш воситасида уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш кутилган натижа беради. Бунинг учун ота-оналарни тарбия жараёнига тайёрлаш мақсадида ота-оналар университетлари ишини тиклаш ва такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим мазмунига «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» курсини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарга оила тарбиясида методик ёрдам берувчи «Оила кутубхонаси» сериясидаги китобчалар ва махсус «Оила» журналинини нашр қилишни йўлга қўйиш, барча йўналишлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига «Оила психологияси ва педагогикаси» курсини жорий этиш оилани намунали тарбия масканига айлантириш воситасидир.

Балоғатга етаётган йигит-қизларимиз ўтказилаётган таълим, ислохотларидан мамнун бўлиши табиийдир. Шунинг учун, республикамизнинг барча вилоятлари, туманлари ва қишлоқларидаги ўқув даргоҳлари замонавий услубда жихозланиши, таълим тизимига эса янгича рух киритилиши, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия мазмунини, оила таълими ва тарбияси билан ҳамоҳанг равишда амалга ошириш зарур. Бунинг учун эса:

-ўқитувчи-мураббийларнинг ва ота-оналарнинг ижодий изланишларини ва маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари топиш;

- ота-она тарбияси, маданияти, бир-бирларига бўлган муносабатларини яхшилаш;

- бола тарбиясининг муҳимлигига жиддий эътибор қаратиш;

- боланинг таълимга фаоллигини ошириш, фанларга бўлган қизиқишларини уйғота олиш, қобилиятларини ривожлантириш;

- ота-оналар дунёқараши, болаларига бўлган меҳр-мухаббатлари, талабчанликларини кенг бўлиши;

- оила — маҳалла - мактаб тизимида таълим-тарбия самарали мазмунини ва усуллари амалиётга кенг жорий этиш;

- боладаги салбий хусусиятларни олдини олиш чораларини ўйлаб топиш;

- боладаги дунёқарашни ва улардаги қобилиятларни шакллантириш;

- ватанни севиш, меҳр-мухаббатли ва садоқатли бўлишга ундаш;

- кўпроқ китоб ўқиш, билим захирасини бойитиш, таълимий-онгий муносабат жабҳаларини ривожлантириш;

- ақлий фаолиятларини турли усуллари шакллантириш;

- ёшларнинг бўш вақтларини оила-мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигида қизиқарли, мақсадли ташкил этишга эришиш зарур.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Оила сўзининг маъноси нима?

- A) Оила ижтимоий жамоадир, жамиятнинг бир бўлагидир
- B) Оила дастлабки мулк эгасига бўйсунадиган гуруҳга айтилади
- C) Оила- кишиларнинг қон-қариндошлиги, мулк манфаати умумийлиги ва талаб эҳтиёжларни қондиришга асосланган тўзилмага айтилади
- D) Оила жамиятнинг эр-хотинлик иттифоқига, қариндош уруғчилик алоқаларига асосланган гуруҳга айтилади
- E) Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, эр-хотинлик иттифоқига, қариндош уруғчилик алоқаларига асосланган тўзилмага айтилади

2. Оиланинг қуйидаги шаклларида қайси бири тарихий аҳамиятга эга?

- A) Демократик оила
- B) Полигам оила
- C) Моногам оила
- D) Патриархал оила
- E) Матриархал оила

3. Қомусимизнинг қайси боби оила хусусига бағишланади?

- A) X боби
- B) XIV боб
- C) IX боб
- D) V боб
- E) VI боб

4. Ибн Сино қайси асарида оила ва оилавий тарбия масаласига алоҳида тўхталади?

- A) «Донишнома»
- B) «Исиорат»
- C) «Тиб қонунлари»
- D) «Тадбири ул манозил»
- E) «Хидоят»

5. Оилада бола нима учун ота-онадан узоқлашади, бегоналашади?

- A) Боланинг юриш-туриши чегаралаб қўйилади
- B) Ота-онанинг обрўи ҳал қилувчи роль ўйнайди
- C) Оиладаги муносабатлар болани қониктирмайди
- D) Ота-онага бола кўр-кўрона бўйсинади
- E) Оилада болага нисбатан эътибор сирлик

6. Яхши инсон кам туғилади, яхши оила давлат бахти. Ушбу фикрлар А.Навоийнинг қайси асарида учрайди?

- A) «Маҳбуб ул Қулуб»

- В) «Вакфия»
- С) «Хайрат ул аброр»
- Д) « Садди Искандарий»
- Е) «Фарҳод ва Ширин»

7. Болалар ҳуқуқлари декларацияси қачон қабул қилинган?

- А) 1960 й
- В) 1959 й
- С) 1945 й
- Д) 1948 й
- Е) 1965 й

8. Халқ педагогикаси оилада болаларни тарбиялашда қайси усулдан кўпроқ фойдаланиш учрайди?

- А) Намуна кўрсатиш
- В) Сухбат
- С) Ўғит насихат
- Д) Тушунтириш
- Е) Жазолаш

9. Оиланинг энг кўп ажралишига асосий сабаблар қайсилар?

- А) Оилавий ҳаётдаги иқтисодий қийинчиликлар
- В) Турмуш ўртоғининг оилавий ҳаёт масаласига бефарқ бўлиши
- С) Муҳаббатсиз оила қуриш
- Д) Турмуш ўртоғининг кўпол муносабати учун ҳурмат қилмаслик
- Е) Ота-она ва қариндошларни оилавий ҳаётга аралашуви

10. Ҳақиқий обрў нимага асосланиши керак?

- А) Болангизни итоатли бўлишига ҳар қандай йўл билан эришишга
- В) Болангиз ҳаётини билишингиз, унинг тарбияси учун жавобгар деб билишингиз

С) Болангизга берадиган ёрдамнингизга инсонийлик туйғуларингизга асосланади

- Д) Болангизни итоатли бўлишга унинг ҳаётини билишингизга асосланади
- Е) Болангизни ҳаётига жавоб беришингизга асосланади

11. Болаларда ўз ватанига муҳаббатни тарбиялаш усуллари қайсилар?

- А) Сухбатлар, бадиий адабиёт, экскурсиялар
- В) Кўргазмалар, Машқ қилдириш, амалий методлар
- С) Оғзаки ўқиб бериш, диафильмлар кўриш
- Д) Тушунтириш, машқ қилдириш
- Е) Машқ қилдириш, бадиий адабиёт

12. Ўзбек хонадонларида қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилишнинг асосий сабаби нимада?

- A) Қизларни рўзғор юмушларига тайёрлаш
 - B) Бўлажак оилавий ҳаётга тайёрлаш
 - C) Ота-оналарга катталарга итоатли бўлиши
 - D) Одобнинг нозик томонларини ўргатиш
 - E) Уларни она бўлишга тайёрланади
13. Қайси тоифадаги оилада ота-онанинг обрўси тез ортиб боради?
- A) Ота-она тенг ҳуқуқли оила
 - B) Отанинг таъсири кучли оила
 - C) Онанинг таъсири кучли оила
 - D) Бувиларнинг таъсири кучли оила
 - E) Боболарнинг таъсири кучли оила
14. Ҳадиси шарифда келтиришича «киши танлаш вақтида 4 та нарсага албатта қизиқилади» бўлар қайсилар?
- A) молига, жамолига, мансабига, динига
 - B) молига , жамолига, тарбияси, динига
 - C) касбий мансаби, дини, моли, тарбияси
 - D) мансаби, дини, моли, жамоли
 - E) жамоли, дини, моли, касби
15. Ибн Сино бола тарбиясида кимнинг ролига кўпроқ эътибор беради?
- A) Отанинг
 - B) Онанинг
 - C) Ота-онанинг
 - D) Бувининг
 - E) Бобонинг
16. Кимнинг қайси асарида ота-оналарнинг вазифалари санаб ўтилган?
- A) Ибн Синонинг «Тадбири ул манозил»
 - B) Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу- билиг»
 - C) Кайковус «Қобуснома»
 - D) А.Беруний « Хиндистон»
 - E) А.Н.Фаробий «Фозил одамлар шаҳри»
17. Ўзбекистонда «Оила педагогикаси» китобини қайси олим биринчи бўлиб ёзган?
- A) М.Иномова
 - B) А.К.Муновваров
 - C) К.Хошимов
 - D) С.Ражабов
 - E) М.Очилов
18. Ота-оналар фарзандларидан нима учун жазо оладилар?
- A) Ўз ишига эътиборсизлиги

- В) Фарзандини ёмон тарбиялаганлиги учун
- С) Ўз ишига маъсулият билан қарамаганлиги учун
- Д) Фарзанд тарбиясида билими йўқлиги учун
- Е) Фарзанд тарбиялашни ўз бурчи деб билмаганлиги учун

19. Қадимий одатларга кўра чақалоқ туғилганда унинг шарафига нима қилинади?

- А) меваги дарахт ўтказилган
- В) дарахт ўтказилган
- С) ариик қазилган
- Д) зиёфат берилган
- Е) маросим қилинган

20. Президентимиз И.А.Каримовнинг қайси асарида оила ва оила тарбиясига алоҳида эътибор берилган?

- А) Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси
- В) Ўзбекистон келажаги буюк давлат
- С) Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли
- Д) Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик
- Е) Биздан озод ва обод Ватан қолсин

21. Ҳозирги кунда оила бўзилишининг асосий сабабларидан қайси бири кўпроқ роль ўйнайди?

- А) Оилада эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар
- В) Қайнона келин ўртасидаги келишмовчиликлар
- С) Она ва бола ўртасидаги келишмовчилик
- Д) Куёв ва қайнона ўртасидаги келишмовчиликлар
- Е) Қудалар ўртасидаги келишмовчиликлар

22. Инсон ҳаётида қандай педагогик хатога йўл қўйиши мумкин?

А) Ёлғон сўзлаш ва бола тарбиясидаги маъсулиятсизлик
 В) Болаларни ёш деб уларни ишонмаслик, кексаларни қари деб уларни четга суриш

С) Бола тарбиясидаги маъсулиятсизлик. Кексаларни қари деб четга суришлик

Д) Ёлғон сўзлаш, миллий маданият, маънавиятни ўрганмаслик

23. Ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари қайсилар?

А) Меҳнатсеварлик, саҳийлик, ҳаммага тенг муносабатдалиги
 В) Ҳунармандлик, меҳнаткашлик, зийраклик, бошқа миллат кишиларига иззат икром кўрсатиш

С) Меҳнатсеварлик, саҳоватпеша, меҳрибонлиги

Д) Ҳаммага тенг муносабатда бўлиши, меҳнатсеварлик, ҳунармандлик

Е) Меҳнатсеварлик, ҳунармандлик, саҳийлик

24. Бола тарбиясида «Алла»нинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб ўтган мутафаккир ким?

- A) А.Р.Беруний
- B) А.Навоий
- C) А.Н.Фаробий
- D) Абу Али Ибн Сино
- E) Юсуф Хос Хожиб

25. Бола тарбияси мураккаб жараён, у белдан мадорни, тандан қувватни, кўздан нурни, дилдан оромни талаб қилади деган тушунча қайси мутафаккир фикри деб ўйлайсиз?

- A) Юсуф Хос Хожиб
- B) А.Р.Беруний
- C) Ахмад Югнакий
- D) Ахмад Дониш
- E) Абдулла Авлоний

26. Ўз ватанига муҳаббат, ботирлик, қўрқмаслик, шижоатли бўлиш ўзбек халқ оғзаки ижодининг қайси жанрида кўпроқ талқин этилади?

- A) Мақолларда
- B) Достонларда
- C) Халқ қўшиқларида
- D) Топишмоқларда
- E) Эртақларда

27. Қандай асосда қурилган оилалар мустаҳкам бўлмайди?

- A) Ижтимоий ва маънавий нотенглик асосида қурилган оила
- B) Маънавий нотенглик асосида қурилган оила
- C) Ижтимоий нотенглик асосида қурилган оила
- D) Иқтисодий нотенглик асосида қурилган оила
- E) Социал нотенглик асосида қурилган оила

28. Оиланинг асосий вазифалари нималардан иборат?

A) Оилани яшаши учун моддий шароит яратиш, фарзанд тарбиялаш вазифаси

B) Фарзанд кўриш, иқтисодий хўжалик вазифаси бўш вақтни ва дам олишни ташкил этиш вазифасидир

C) Дам олишни ва бўш вақтни тўғри ташкил этиш, фарзанд кўриш, хўжалик вазифасидар

D) Иқтисодий, фарзанд тарбиялаш хўжалик вазифасидир

E) Оилани яшаши учун моддий шароит яратиш, иқтисодий ва хўжалик вазифасидир

29. Болаларда ватанпарварлик тарбиясига берилган тўғри таърифни топинг.

А) Оиласига, яқин кишиларни севиш, ҳурмат қилиш, кадрдон уйи, ўз қишлоғига, муҳаббатни тарбиялаш

В) Ўз Ватанига муҳаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туришни тарбиялаш

С) Ўзи яшайдиган жойга муҳаббат, миллий маданият, миллий анъаналарига ҳурматни тарбиялаш

Д) Ўз уйига яқин кўчасига ўз қишлоғига меҳр-муҳаббатни тарбиялаш

Е) Ўзбекистоннинг миллий маданияти, миллий анъаналарига ҳурматни тарбиялаш

30. Болаларда Ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда қайси ўзбек миллий ватанпарварларнинг ҳаёти мисол бўла олади?

А) А.Р.Беруний, А.Н.Фаробий

В) А.Р.Жомий, Хоразмий

С) Амир Темур, Ж.Мангуберди

Д) А.Термизий, И.Бухорий

Е) А.Навоий, А.Авлоний

31. Хадиси шарифда келтирилишича хотин кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи ким ҳисобланади?

А) Отаси

В) Эри

С) Онаси

Д) Фарзанди

Е) Акаси

32. Республикамизда нечинчи йил «Оила йили» деб эълон қилинган?

А) 1999 йил

В) 1997 йил

С) 1998 йил

Д) 2000 йил

Е) 1996 йил

33. Қандай кўринишдаги оила тўлақонли оила деб юритилади?

А) Унда ота ҳам она ҳам бола тарбиясига бирдай маъсулият билан қарайди

В) Унда оналар оила юмуши билан банд, оталар бола тарбияси учун ҳал қилувчи роль ўйнайди.

С) Унда ота уй юмушлари, бола тарбияси билан банд, она бола тарбиясида ҳал қилувчи роль ўйнайди

Д) Унда ё ота йўқ, ё она йўқ бўлади

Е) Унда ота ёки онанинг бири ўгай бўлади

34. Оиланинг мустаҳкамлиги кўпроқ нимага боғлиқ?

А) Оилада қарор топган эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характериға, маънавий-ахлоқий иқлимға боғлиқ

В) Оилада эр-хотин аҳил иноқлиғиға боғлиқ

С) Оилага теваарак-атрофдағиларнинг ижобий муносабатига боғлиқ

Д) Оилада эр ва хотиннинг обрў эътиборига боғлиқ

Е) Ота-онанинг шахси, турмуш тарзига боғлиқ

35. Қайси кўринишдаги низолар «Оилавий низолар» деб юритилади?

А) Руҳий касалликлар, тугма ва ҳаёт давомида орттирилган касалликлар

В) Жиноий жавобгарликдан қочиш, бошқаришнинг ҳолдаги жазоланиш, уюшган жиноятчилик гуруҳларига тушиб қолиш

С) Ёлғизлик, яқин кишисининг ўлими, муваффақиятсиз, севги билан боғлиқ бўлган низолар

Д) ўқув дастурларнинг ўзлаштирмаслик , синфда иккинчи йилга қолдирилиши

Е) Моддий етишмовчилик туфайли керАқли шарт-шароит билан етарлича таъминланмаслик

36. Қандай кўринишдаги оила «анъанавий оила» деб юритилади?

А) Бундай оилада аёл асосан уй рузғор ишлари билан, бола тарбияси билан шуғулланади.

В) Бундай оилада асосий диққат эътибор болага қаратилади. Ота-онанинг барча фаолияти боланинг манфаати билан боғланади

С) Бундай оилада бир болали ёки умуман бола бўлмаслиги мумкин

Д) Бундай оила ота-она боланинг манфаати билан боғланади

Е) Бундай оилада ота бола тарбияси билан шуғулланади

37. Болаларға ижтимоий тарбия бериш фикрини илк бор ким билдирган?

А) А.Р.Беруний

В) А.Навоий

С) А.Фаробий

Д) Ибн Сино

Е) А.Авлоний

38. Ўртоғингиз ташқи кўринишиға эътиборли бўласизми?

А) Қандай кийиниши ва кўриниши менға аҳамияти йўқ

В) Ижобий муносабат билдираман

С) Албатта эътиборли бўламан

Д) Йўқ эътибор бермайман, инсонни ички дунёси гўзал бўлиши керак

Е) Инсон доимо гўзал бўлиши керак

39.

Сизга оила даврасида дам олиб,

байрамларни бирга нишонлаш ёқадими?

А) Бу жуда зерикарли

В) Менга фарқи йўқ

С) Албатта оила муқаддас даргоҳ

Д) Оила мен учун зерикарли

Е) Дўстларим даврасида бўлиш яхши

40.

Ота-оналар фарзандлари олдида

обрўга эга бўлиши учун нима қилишлари керак?

А) Фарзандлари руҳий дунёсига мос муомала қилишлари керак

В) Фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўла олишлари керак

С) Фарзандларига нисбатан қаттиққўл бўла олишлари керак

Д) Фарзандларига нисбатан меҳрибон бўла олишлари керак

Е) Фарзандларига нисбатан ҳам меҳрибон ҳам қаттиққўл бўла олишлари керак

41.

Қандай кўринишдаги оилалар

«Анормал» муносабатга эга бўлган оилалар дейилади?

А) Бундай тоифага оила даврасида кўнгли бўшлик, ташки кўринишдан илиқ психологик иқлимни акс эттиргандек бўлган оилалар киради.

В) Бундай тоифага бола оилавий низо манбаи ҳисобланади, алкоголь ва гиёҳванд оилалар киради

С) Бундай тоифага оилада ота-онанинг обрўи хал килувчи роль уйнайди, тенг ҳуқуқлик эркин хатти-ҳаракат қилиш ўз аҳамиятини йўқотади

Д) Бундай тоифага кўнгли бўшлик, бола оилавий низо манбаи ҳисобланади

Е) Бундай тоифага оилада тенгҳуқуқлилик, эркин хатти-ҳаракат қилиш, алкоголь ва гиёҳванд оилалар киради

42.

Сизнингча оилани ким

бошқариши лозим?

А) оилани эр бошқариши лозим

В) оилани аёл бошқариши лозим

С) оилани аёл ва эр тенгликда бошқариши лозим

Д) оилани ким тадбиркор бўлса, шу киши бошқариши лозим

Е) оилани буви ёки боболар бошқариши лозим

43. Ўзбекистонда йигит қизлар неча ёшдан никоҳдан ўтадилар?

А) йигитлар 18 ёш қизлар 17 ёш

В) йигитлар 19 ёш қизлар 18 ёш

С) йигитлар 20 ёш қизлар 19 ёш

Д) йигитлар 21 ёш қизлар 20 ёш

Е) йигитлар 17 ёш қизлар 18 ёш

44. Ўртоғингиздаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?

А) ростгўйлик, олийжаноблик

В) мардлик, нозиклик

С) эътиборлилик, ташқи кўриниш

Д) олийжаноблик, нозиклик

Е) мардлик, ростгўйлик

45. Оила ва оила тарбия масалаларни ўзида ёритган «Тадбири-ул манозил» асари муаллифи ким?

А) А.Р.Беруний

В) Абу Али Ибн Сино

С) А.Навоий

Д) А.Авлоний

Е) А.Н.Фаробий

46. Ўзбек оилаларда энг кўп ажралишларининг асосий сабаблари қайсилар деб ўйлайсиз?

А) турмуш ўртоғининг кўпол муносабати учун ҳурмат қилмаслик

В) муҳаббатсиз оила қуриш оқибатида

С) турмуш ўртоғининг оилавий ҳаёт масаласига бефарқ бўлиши

Д) оилавий ҳаётдаги иқтисодий қийинчиликлар

Е) ота-она, қариндошларни оилавий ҳаётга аралашуви

47. Сизнингча қандай оилалар мустаҳкам бўлади?

А) совчилар асосида қурилган оила

В) ота-оналар розилиги асосида қурилган оила

С) севги асосида қурилган оила

Д) қариндошлар тавсияси асосида қурилган оила

Е) таниш-билишлар асосида қурилган оила

48. Боланинг тарбиясида отанинг роли катта эканлигини қайси мутафаккир айтган?

А) А.А.Ибн Сино

В) А.Р.Беруний

С) А.Н.Фаробий

Д) А.Навоий

Е) Х.Х.Ниёзий

49. Оилада жанжал чиқиб, жаҳлингиз чиққан пайтда....

А) ўртоғим билан уришиб олмасам бўлмайди

В) ёлғиз қолишни хоҳлайман

С) жаҳлим чиққанлигини билдирмасликка ҳаракат қиламан

D) роса бақириб хумордан чиқиб оламан

E) индамасликка ҳаракат қиламан

50. Ўзбек oilаларининг асосий анъаналаридан бири нима деб ўйлайсиз?

A) меҳнатга ўргатиш

B) санъатга ўргатиш

C) расм чизишга ўргатиш

D) спортга ўргатиш

E) меҳмондўстликка ўргатиш

51. Сизнингча oilада ҳар доим эркак киши устун бўлиши керакми?

A) oilани эркак киши бошқариши керак

B) oilани бошқариш учун кимда қобилият бўлса, ўша киши бошқариш керак ва у киши устун бўлиши керак

C) oilани oilадаги кексалар (ота ёки она) бошқариш керак ҳамда улар устун бўлиши керак

D) oilани ҳам аёл ҳам эркак тенг бошқариши керак

E) oilада ҳам эркак ҳам аёл бир-бирларини ҳурмат қилиши лозим, бири устун бўлиши шарт эмас

52. Ҳозирги кунда oilаларнинг бўзилишга асосий сабаб нималар деб ўйлайсиз?

A) қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик

B) эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар

C) ота-она ва бола ўртасидаги келишмовчиликлар

D) куёв ва қайнона ўртасидаги келишмовчиликлар

E) кудалар ўртасидаги келишмовчиликлар

53. Қадимий одатларга кўра чақалок туғилган кейин унинг шарафига нима қилинади?

A) мевали дарахт ўтказилган

B) ариқ қазилган

C) зиёфат берилган

D) маросим ўтказилган

E) дарахт ўтказилган

54. Oilангиздаги жанжалга ота-онангизни ва яқинларингизни аралашишига қандай қарайсиз?

A) аралашишларини ҳоҳламайман

B) аралашишларига бефарқман

C) аралашишларини ҳоҳлайман

D) oilамни сирини ташқарига чиқишини ҳоҳламайман

Е) фақат ота-онамни аралашшига қарши эмасман

55. Нима учун ўзбек хонадонларида қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилади?

А) бўлажак оилавий ҳаётга тайёрлаш

В) қизларни рўзгор юмушларига тайёрлаш

С) қизларни она бўлишга тайёрлаш

Д) қизлар нозик дид бўлганликлари учун

Е) одобнинг нозик томонлари ўргатилади

56. Оилада ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдида обрўларини йўқолишига сабаблар нима?

А) оилада ота-оналарнинг фарзандларига ўта меҳрибонлиги учун

В) оилада ота-оналарнинг фарзандларига қаттиққўллиги учун

С) оилада ота-оналарнинг фарзандларига ёлғон гапиришлари учун

Д) оилада ота-оналар фарзандлари билан ўртоқларча муносабатда бўлганлиги учун

Е) оилада ота-оналар фарзандларини тарбиялаш учун педагогик билим тажрибага эга бўлмаганликлари учун

57. Ҳадиси шарифда келтирилишича эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи ким ҳисобланади?

А) отаси

В) онаси

С) хотини

Д) фарзанди

Е) акаси

58. Оилада эр ва хотиннинг яхши сифатларини ким қайси асарида санаб ўтади?

А) Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»

В) Ибн Синонинг «Донишнома»

С) А.Р.Берунийнинг «Ҳиндистон»

Д) А.Н.Фаробий «Бахт саодатга эришув ҳақида рисола»

Е) А.Навоийнинг «Махбуб-ул қулуб»

59. Ҳадиси шарифда келтирилишича хотин кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи ким ҳисобланади?

А) отаси

В) эри

С) онаси

Д) фарзанди

Е) акаси

60. Ота-оналар фарзандлари учун оилада қандай бўлиши керак?

- A) оилада ота-оналар фарзандларига талабчан бўлишлари керак
- B) оилада ота-оналар фарзандларига меҳрибон бўлишлари керак
- C) оилада ота-оналар фарзандларига қаттиққўл бўлишлари керак
- D) оилада ота-оналар фарзандлари билан ўртоқ бўлишлари керак
- E) оилада ота-оналар фарзандларига ҳурматда бўлишлари керак

61. Оилада болаларни тўғри тарбиялаш учун нималар бўлиши керак?

- A) оилада ота-оналар фарзандлари билан самимий бўлишлари керак
- B) оилада рухий хотиржамлик, ўзаро тотувлик бўлиши керак
- C) оилада ота-оналарни обрўлари бўлишлари керак
- D) оилада болаларни яшаши учун барча шароитлар муҳайё бўлиши керак
- E) оилада ота-оналар фарзандлари учун қаттиққўл бўлишлари керак

62. Тарбиянинг муҳим қуроли нима?

- A) ибрат-намуна
- B) суҳбат
- C) нутқ
- D) донишмандлик
- E) танбех бериш

63. Оилада болаларни хатти-ҳаракатларини доимо мақташни маъқул деб ҳисоблайсизми?

- A) оилада болаларни хатти-ҳаракатларини доимо мақташ маъқул эмас
- B) оилада болаларни хатти-ҳаракатларини доимо мақташ маъқул
- C) оилада болаларни хатти ҳаракатларини вақти-вақтида мақташ маъқул
- D) оилада болаларни хатти ҳаракатларни вақти-вақтида мақташ маъқул эмас
- E) оилада болаларни хатти-ҳаракатларини доимо маъқуллаб қуйиш лозим

64. Ёшларни турмуш қуришга тайёрлашда қандай салбий хислатни олдини олиш керак деб уйлайсиз?

- A) сахийлик
- B) инжиқлик
- C) кўнгли очиқлик
- D) худбинлик
- E) ёқимтойлик

65. Ёшларни оила қуришга тайёрлашда нима асосий роль уйнайди?

- A) оилада сахийлик, бир-бирига ғамхурлик
- B) оилада кўнгли очиқлик, сахийлик
- C) оилада ёқимтойлик, бир-бирига ғамхурлик
- D) оилада худбинлик, қаттиққўллик
- E) оилада бир-бирига ғамхурлик

66. Оилада болаларга оила бюджети тўғрисидаги маълумотларни эртароқ таништириш зарурми?

А) оилада болаларга оила бюджети тўғрисида маълумотларни эртароқ таништириш зарур

В) оилада болаларга оила бюджети маълумотларни эртароқ таништириш зарур эмас

С) оилада болаларга оила бюджети тўғрисида маълумотларни бермаслик керак

Д) оилада болаларга оила бюджети тўғрисида маълумотларни бола улғайгандан кейин бериш зарур

Е) оила бюджети тўғрисидаги маълумотларни умуман бермаслик керак

67. «Оиладаги ёмон тарбия нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг фожасидир» фикрини қайси мутафаккир билдирган?

А) А.Н.Фаробий

В) А.Навоий

С) А.Р.Беруний

Д) А.Авлоний

Е) А.А.Ибн Сино

68. «Болани она эмас, балки тарбиячи тарбиялагани маъқул» деган фикрни қайси мутафаккир билдирган?

А) А.А. Ибн Сино

В) А.Навоий

С) Х.Х.Ниёзий

Д) А.Алоний

Е) А.Н.Фаробий

69. «Болада яхши хулқ-атвор тарбиялаш учун тарбияда талабчан бўлиш керак» деган фикрни Ибн Синонинг қайси асарида учратиш мумкин?

А) «Тиб конунлари»

В) «Хиндистон»

С) «Қутадғу билиг»

Д) «Тадбири ул манозил»

Е) «Маҳбуб ул қулуб»

70. Оилада ота-онанинг фарзандлари олдида обрўларини орттиришда нима асосий роль ўйнайди?

А) ибрат намуна

В) панд насихат

С) донишмандлик

Д) қўрқитиш

Е) қаттиққўллик

71. Оилангизни ҳамма нарсадан устун куя оласизми?
- A) оиламни устун куя олмайман
 - B) оиламни устун куя оламан
 - C) вазиятга қарайман
 - D) ишимни устун қўяман
 - E) ота-онамни устун қўяман
72. Ота-оналарнинг фарзандлари олдида обрўларини йўқолишига нима кўпроқ сабаб бўлиши мумкин?
- A) ёлғон гапириш
 - B) ўта меҳрибонлик
 - C) кўрқитиш
 - D) қаттиққўллик
 - E) ўртоқдай бўлиш
73. Республикамизда нечанчи йил оила йили деб эълон қилинган?
- A) 1997 йил
 - B) 1999 йил
 - C) 2000 йил
 - D) 1998 йил
 - E) 1996 йил
74. Бола тарбиясида отанинг ролига алоҳида эътибор берган мутафаккир ким?
- A) А.Н.Фаробий
 - B) А.Р.Беруний
 - C) А.Навоий
 - D) А.А.Ибн Сино
 - E) А.Авлоний
75. А.Темур ҳамда Ж.Мангуберди ҳаёти болаларга қандай тарбия беришда аҳамияти катта?
- A) ватанпарварлик тарбияси
 - B) меҳнат тарбияси
 - C) ақлий тарбияси
 - D) жисмоний тарбияси
 - E) эстетик тарбия
76. Умр йўлдош танлашда нимага эътибор берар эдингиз?
- A) маълумотига
 - B) чиройлигига
 - C) меҳрибонлигига
 - D) маълумоти, хунари, ақлига
 - E) хунарлигига

77. Ота-оналар фарзандларидан нима учун жазо оладилар?
- A) ўз ишига маъсулият билан қарамаганлиги учун
 - B) ўз ишига эътиборсизлиги
 - C) ўз бурчини бажармаганлиги учун
 - D) болаларни ёмон тарбиялагани учун
 - E) ўта меҳрибон бўлганлиги учун
78. Оилани кема десак, рулини ким бошқариши керак?
- A) эр
 - B) ота
 - C) она
 - D) аёл
 - E) буви
79. Кайковуснинг «Қобуснома» асарини биринчи бўлиб ўзбек тилига ким таржима қилган?
- A) Хоразмий
 - B) А.Навоий
 - C) Огаҳий
 - D) А.Жомий
 - E) Бобур
80. 1-ҳадис китобини ким ёзган?
- A) А.Жомий
 - B) Нақшбандий
 - C) Имом Ал Бухорий
 - D) Шихоб аз Зухрий
 - E) Имом ат Термизий
81. Қандай асосда қурилган оилалар мустаҳкам бўлмайди?
- A) маънавий нотенглик асосида қурилган оила
 - B) ижтимоий нотенглик асосида қурилган оила
 - C) иқтисодий нотенглик асосида қурилган оила
 - D) социал нотенглик асосида қурилган оила
 - E) ижтимоий ва маънавий нотенглик асосида қурилган оила
82. Ўзбек қизларининг неча фоизи ота-она маслаҳатига кўра оила қуришади?
- A) 50 %
 - B) 55 %
 - C) 60 %
 - D) 56 %
 - E) 52 %

83. Бола тарбиясида она алласининг аҳамияти ҳақида қайси мутафаккир эътироф этган?

- A) А.Р.Беруний
- B) А.Навоий
- C) Ибн Сино
- D) А.Н.Фаробий
- E) А.Авлоний

84. Бола тарбиясида ирсият, муҳит ва тарбия таъсирини бирдек муҳим эканлигини ким биринчи таъкидлаб ўтган?

- A) А.Н.Фаробий
- B) А.Р.Беруний
- C) А.А.Ибн Сино
- D) А.Навоий
- E) Х.Х.Ниёзий

85. Оилада болага маънавий ахлоқий тарбия беришнинг асосий мақсади нима?

- A) болаларга ахлоқий тарбия бериш
- B) болаларга маънавий тарбия бериш
- C) болаларга жисмоний тарбия бериш
- D) болаларга ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш
- E) болаларга ақлий тарбия бериш

Ота-онанинг исми ва фамилияси. _____

Туғилган йили. _____

Касби _____

Ижтимоий келиб чиқиши _____

Оиланинг моддий таъминоти _____

Болалар сони _____

Ота- онанинг оилада ўтказиш вақти _____

Болалар тарбияси билан ким шуғулланади _____

“Сиз фарзандингизни биласизми?” тест саволларини ишлаш.

ХУЛОСА

1. Таълим мазмунининг ижтимоий, фалсафий асосларини аниқлаш, унинг янги моделларини белгилашда методологик асосларга таяниш, модернизациялашган таълим жараёнида ўқувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоийлаштириш биринчи даражали назарий-амалий аҳамиятга эга.

2. Ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда уларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён ўзининг аниқ ва мақсадга йўналтирилган мазмунига эга бўлиши лозимлиги кузатишларимиз давомида аён бўлди. Ушбу мазмун ўз ичига ўқувчиларга индивидуал ёндашган ҳолда уларнинг ақл-заковати, етуқлиги, маънавий сифатлари, ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини қамраб олиши лозим.

3. Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият мутахассислар ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётларини таъминлаш учун ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш зарур, деган ғояни илгари суриб, индивидуаллаштириш ва табақалаштириш масаласига ўз қарашларини баён қилганлар.

4. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда субъект муносабатлари алоҳида ўрин эгаллаб, ўқитувчи бу муносабатнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиш имкониятларига эга бўлиши талаб этилади.

5. Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда ўқув-билув жараёни ўзига хос технологик қурилишга эга бўлиб, унинг алоҳида-алоҳида босқичларида муайян дидактик воситалардан фойдаланилади.

6. Ўқув мунозарасининг таркибини муайян моделда мужассамлаштириш учун ушбу моделнинг таркибий қисмларини ўқув мунозарасига киришиш кўникмасининг муайян даражалари ёрдамида ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

7. Мунозара жараёнининг муҳим таркибий қисмлари ўқувчилар билан ўқувчилар, ўқувчилар билан ўқитувчилар ва дарсга салбий муносабат билдирувчи ўқувчилар орасидаги мулоқотдан иборат эканлиги педагогик жиҳатдан аниқланди. Чунки мулоқот қўйилган муаммони муҳокама қилиш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикрларини мувофиқлаштириш, фаоллаштириш, ойдинлаштириш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради.

8. Ўқув мунозараси ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятларини жадаллаштириш имкониятини беради ва уларда ўз фикрини қатъият билан ҳимоя қилиш, ташаббускорлик, мустақиллик, ижодкорлик, талабчанлик сифатларини таркиб топтиради.

9. Ўқув мунозараси давомида гуруҳли муҳокамалар ўқувчиларнинг ўқув

фаоляти натижаларига ижобий таъсир кўрсатади, фикрлаш жараёнини жадаллаштиради, шахслараро муносабатларни муайян тизимга солади.

Қилинган амалий ишларимизга якун ясаб, келгусида уни янада такомиллаштириш бўйича аниқ амалий вазифаларни белгилаб олиш вақти етиб келди

Мамлакатимиз Халқ таълими тизими "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг учинчи-якунловчи босқичига кириб келди. Бугунги кунда зарурий тузилмалар ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди, умумий ўн икки йиллик таълим тизимига ўтиш ҳақиқатга айланди. Миллий дастур талаблари асосида амалга жорий этилган барча янгиликларни мазмунини бойитиш бўйича энг масъулиятли ва муҳим босқичга етиб келдик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Адолат, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ 1997 йил.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Тошкент. “Ўзбекистон” 1999 йил.
5. Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз. Тафаккур журнали №2-сон, 2000 йил.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. 1992 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992 йил.
8. “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 май 2004 йилдаги ПФ-3431-сонли фармони.
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 321-сонли қарори. – Тошкент 2004.
10. Абдуллаева Қ., Сафарова Р., Бекбаева Н. Бошланғич таълим – Давлат таълим стандарти. Бошланғич таълим 6- сон. 1998 йил.
11. Андрушакевич А.А. Введение облика учебно-воспитательного процесса 21 века. Актуальнўе вопросў совершенствования учебно-воспитательного процесса: Сборник научно-методических работ. ВМИФПС РФ при НГМА. Н.Новгород. 1997 йил.
12. Ахлоқ одобга оид ҳадислар. –Тошкент 1990 йил.
13. Аҳлидинов Р., Саидов Х. ва бошқалар. Истиқлол ва таълим. –Тошкент “Шарқ” 2001 йил.
14. Башев В.В., Вальковская Г.М., Водянский А.М. и др. Стратегия модернизации содержания обҳего образования: материалў для разработки документов по обновлению обҳего образования. –М. ООО “Мир книги” 2001 год.
15. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Тошкент. “Ўқитувчи” 1999 йил.
16. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. –Тошкент, “Ворис-нашриёт”. 2006 йил

17. Ёўлдошев Ж.Ғ., Аҳлидинов Р.Ш., Отабоева Р.Н. Мустақил Ўзбекистон таълими. –Тошкент. “Шарқ” 1997 йил.
18. Ёўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгилашиш йўлида. –Тошкент. “Ўқитувчи” 2000 йил.
19. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. –Тошкент “Ўқитувчи” 1994 йил.
20. Концепция модернизации российского образования на период до 2010 года. Первое сентября №31
21. Мунавваров А.К. Педагогика. –Тошкент. “Ўқитувчи” 1996 йил.
22. Статистика науки и инновация. Краткий терминологический словарь. Под редакцией Л.М.Гохберга. –Москва. 1985 год.
23. Сўртаева Н.Н. Проектирование педагогических технологий в профессиональной подготовке учителя. (на примере естественно-научных дисциплин): Дисс. д-ра педнаук. Москва 1995 год.
24. Турсунов И.Е. Халқ педагогикасининг долзарб муаммолари. –Тошкент. “Ўқитувчи” 1990 йил.
25. Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А., Қуронов М., Аҳлидинов Р.Ш., Мажидов И. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий услубий ёндашувлар. –Тошкент. “Академия” 2002 йил.
26. Ғозиев Э.Тафаккур психологияси. –Тошкент. “Ўқитувчи” 1990 йил.
27. Хасанбоева О. “Одобнома” 1, 2, 3, 4-синф учун дарслик. –Т., 2003 йил
28. Джураев Р.Х. Талабаларни маънавий ва ахлоқий тарбиялашда этнографик тўғарагининг ўрни ва аҳамияти. - Т 2008 йил ЎзПФТИ
29. Джураев Р.Х. Болаларнинг ахлоқий тарбиясида халқ удумлари ва анъаналаридан фойдаланиш. - Т 2009 йил ЎзПФТИ. Халқ таълими 2-сон.
30. Джураев Р.Х. Нововведение в учебной-воспитательный процесс. Формирование гармонично-развитого поколения в современных условиях. – Т. 2010. Часть 1.
31. Джураев Р.Х. Тарбияга ёндашув ҳақида. Формирование гармонично-развитого поколения в современных условиях. Т 2010. Часть 4
32. Джураев Р.Х. Формирование гармонично-развитого поколения в современных условиях. Т 2011. Часть 1, 5,6,7,8. 2- выпуск.
33. Джураев Р.Х. Умумий ўрта таълимда интеграллашган таълим - давр талаби. ЎзПФТИ. Т- 2007 (18-19 май конференция)
34. Рахимова К. Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун ўйинлар. 2006 йил, Фарғона.
35. Абдурахмонова Э. Ўйин воситасида ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш. Тошкент, 1985 йил.

- 36.Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта Осиёда машхур мутафаккир ва донишмандлар. Тошкент 1995 йил, 1-китоб.
- 37.Бондаренко А.Ю. Воспитание детей в игре “SOS” М-1989 год.
- 38.Даминова М., Адамбекова Т. Ўйин машғулоти. –Т. Ўқитувчи 1993 йил.
- 39.Иномова М. Оилада болани маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. –Т. Фан 1995 йил.
- 40.Расулова М., ва бошқ. Ўзбекистон болалар боғчасининг таълим-тарбия дастури. –Т.1992 йил.
- 41.Тошимов Р.Ю. Муомала тренинги. –Т. 1994 йил.
- 42.Ўтмиш мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида. 2-китоб, 1993 йил ЎзПФИТИ.
- 43.Каримов В.Ш. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. –Т. 1999 йил.
- 44.Аникеева. Жамоадаги руҳий муҳит. –Т. 1992 йил.
- 45.Тўраева О. Оилавий муносабатлар психологияси. –Т. 1994 йил
- 46.Абдурахмонов Ф., Давлетшин М. Одамлар билан қандай мулоқотга киришиш ва ёндашиш керак. –Т.1996 йил.
- 47.Согинов Н.А., Хабибуллаев Ф.Р. Ўқувчилар ўртасида шахслараро муносабатларни ўрганиш. –Т. 1998 йил.
- 48.Мунавваров А.Қ. «Оила педагогикаси» Т.Ўқитувчи. 1998 йил.
- 49.Иномова М.О. «Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси» Т. 1999 йил.
- 50.Иномова М.О. «Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар» Т.фан. 1995 йил.
- 51.Сафо Очил «Мустақиллик маънавияти ва асослари» Т. Ўқитувчи 1995 й.
- 52.А.Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» Т. Ўқитувчи. 1992 й.
- 53.Кайковус «Қобуснома» Т. Мерос 1992 й.
- 54.Педагогика. Мавлонова Р. Таҳрири остида. Т. Ўқитувчи. 2002 й.
- 55.Тўраева О «Оилада бола тарбияси» Т. Ўқитувчи 1995 й.
- 56.К.Хошимов , С.Нишанов, М. Инамова Педагогика тарихи. Т.1996 й.
- 57.Ўзбек педагогикаси антологияси Т. 1999 й.
- 58.Ж.Юлдашев, С.Хасанов «Авестода ахлоқий таълимий қарашлар»Т.1992 й.
- 59.М.Муродов «Олтин сандиқ очилсин» Т.1994 й.
- 60.Шоумаров Г.Б. О проблемах совершенствования психологической диагностики в школе./ В кн. Психологическая служба в школе. - Таллин.: 1983

61. Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы руководства педагогическим коллективом. – М., 1982. – 260 с.
62. Файзуллаев А.А. Мотивационная саморегуляция личности.- Ташкент. Фан.-1987. -134 с.
63. Суннатова Р.И. Самосознание субъекта жизнедеятельности. Коллективная монография. Изд-во «Фан», Ташкент, 260 с. В соавторстве с Агзамходжаевой Э.А., Шариповой М.Д., Ариповой Г.С., Вильдановой А.Р.
64. Суннатова Р.И. Особенности «Я-концепции» как фактор, определяющий профессиональное становление. Материалы Второй Всероссийской научно-практической конференции 24-25 июня 2005 г. Казань, 5с. В соавторстве с Ариповой Г.С.
65. Суннатова Р.И. Саморегуляция муслительной деятельности.-Т.: ФАН. - 1996. - 8 п.л.
66. Рўзикулов Н.А. «Психология самореализации современного управленца». Методическое руководство для директоров образовательных учреждений. МНО РУз, - Ташкент, -2003.- 12с.
67. Каримова В.М. Янги турдаги таълим муассаларидаги ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг психологик муаммолари. // Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. - ТГПУ им. Низами.: 1998.- С.10-13.
68. Джабборов А.М. Этник стереотип нима? // Фан ва турмуш. 1990.: 2-сон.

[illegible]

